

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШОИРА КУБАЕВА

ЎЙИН ВА ИННОВАЦИОН ТАФАККУР

Монография

“Самарқанд давлат чет тиллар институти” нашриёти,
Самарқанд – 2021

УДК 01 Ф
КБК 87
К 88

Ш.Т. Кубаева. Ўйин ва инновацион тафаккур. Монография. –Самарқанд: СамДЧТИ нашриёти, 2021. - 146 бет.

Монографияда ўйин феноменининг замонавий фалсафий рефлексиясини амалга оширилиб, унинг янги турлари ва функцияларини инновацион тафаккур ёндашуви нуқтаи назаридан тадқиқ қилинган. Ўйин феномени, унинг инновацион тафаккурда намоён бўлишининг фалсафий таҳлилини амалга ошириш орқали ижтимоий ҳаётдаги функционал роли ва креатив аҳамияти ортиб бориши кўриб чиқилган.

Монография олий ўқув юртлари талабалари, илмий изланувчилар, ўқитувчилар, ҳозирги замон ўйин ва инновацион тафаккур концепциясининг методологик, назарий ва амалий-технологик масалалари билан қизиқувчи тадқиқотчи ва турли касбдаги мутахассисларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: проф. Ш.С.Қўшоқов

Тақризчилар: проф.Б.О.Тўраев
доц. Б.Қ. Хуррамова
доц. А.А.Азизкулов

Мазкур монография Самарқанд давлат университети илмий кенгашининг 2021 йил 26 январдаги 6-рақамли қарори билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-6272-5-3

© Шоира Кубаева, 2021
© СамДЧТИ нашриёти, 2021

МУНДАРИЖА

КИРИШ	5
1. ЎЙИН ГЕНЕЗИСИ. ФАЛСАФА ВА ФАН ТАРАҚҚИЁТИДА ЎЙИН ҒОЯСИ	7
Ўйин генезиси: биологик функциядан ижтимоий –маданий фаолиятгача	8
Ўйин ҳақидаги қарашлар эволюцияси	12
Ўйин тушунчасига онтологик назар	16
Ўйин тушунчаси таърифига ноанъанавий ёндашув	20
Ўйин фаолиятига концептуал чизгилар	28
2. ЎЙИН МОҲИАТИНИ ТУШУНИШДА АСОСИЙ ЁНДШУВЛАР	30
Ўйин – ижтимоий-маънавий феномен сифатида, унинг ҳозирги замон талқинлари.....	30
Ўйин - ижтимоий тизим сифатида ва у хусусида ҳозирги замон концепциялар.....	39
Ўйин структураси.....	45
Ўйиннинг ижтимоий функционал жиҳатлари.....	48
Ўйин турларининг таснифи ва унинг хусусиятлари.....	54
Педагогик ва иқтисодий ўйин турлари ҳамда моделлари.....	58
3. ЎЙИН ВА УНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ КОНЦЕПЦИЯЛАРИ	63
Ўйиннинг фанлараро тадқиқот объектига айланиши.....	63
Ўйин – илмий билиш предмети сифатида	67
Ўйин ва фан: ўхшашлик ва фарқ	70
Ўйин назариялари: эпистемологик ва методологик таҳлил .	72
Ўйин назарияларининг илмий, ижтимоий ва функционал хусусиятлари.....	81
Ижтимоий – гуманитар фанларда ўйин муаммоси.....	85

4. ЎЙИН ВА ТАФАККУРДА КОГНИТИВ ИННОВАЦИЯ: МУАММОЛАР ВА ТАЛҚИНЛАР	101
Тафаккур ва унинг хислатлари.....	101
Мустақиллик йилларида инновацион тафаккур муаммосини қўйилиши, унинг назарий-методологик аҳамияти	105
Инновацион тафаккур концепцияси	112
5. ИННОВАЦИОН ТАФАККУРНИНГ ГЕЙМЛИ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	125
Инновацион тафаккур ва ўйин: концептуал – конструктив алоқадорлик.....	125
Тил ва тафаккур ўйини.....	127
Конвергент ва дивергент тафаккур: инновацион имкониятлари	130
Инновацион тафаккурнинг креатив ва геймли хусусиятлари	131
ХУЛОСА.....	135
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	137

СЎЗБОШИ

Жаҳонда рўй бераётган глобал ўзгаришлар компьютер инкилоби шароитида инсон тафаккурида ноанъанавий фикрлашга асос бўладиган ўйин моделларини шаклланишига, виртуал оламнинг онтологик асосларини яралишига олиб келди. Ҳозирги замон жамиятда содир бўлаётган бир қатор ўзгаришлар, хусусан, соҳавий фаолият йўл хариталари, масофавий виртуал мулоқот, “электрон ҳукумат” фаолияти, янги ижтимоий роллар (имиджмейкер, модераторлик) ўйин феноменида сифат ўзгаришларини ясамоқда. Бундай шароитда инсон, жамият ва цивилизация тараққиётини, унинг айрим хислатларини ўйин модели ва назарияси тушунчалари ҳамда тамойиллари асосида тадқиқ қилиш, шундан келиб чиққан ҳолда ўйин феноменининг полифункционал моҳияти ва ижодий маҳсулдорлик аҳамиятини кўрсатиш долзарб бўлиб қолмоқда.

Жаҳон фалсафий тадқиқотлар тизимида ўйин ва инновацион тафаккурнинг кореляцион боғлиқлигини тадқиқ этиш, уларнинг интеллектуал-креатив жиҳатларини махсус ўрганиш илмий-амалий ва назарий аҳамиятга эгадир. Классик ва ноклассик фалсафада ўйин феноменининг эстетик, психологик ва педагогик жиҳатларини ўрганиш устувор аҳамиятга эга бўлиб, постноклассик фалсафада мазмунан полисемантик хислатга эга бўлган ўйин тушунчасини метафалсафий тушунишга қаратилган фалсафий, илмий-назарий ва методологик таҳлили амалга оширилмоқда. Ўйин жараёнида намоён бўладиган инновация, тил ҳамда тафаккурда маъно-мазмунларнинг комбинацияси ва ўйини, уларнинг трансформацияси ҳозирги замон ижтимоий-гуманитар фанларида жиддий тадқиқ қилинмоқда. Ўйин феноменининг замонавий фалсафий ва илмий тадқиқотини инновацион тафаккур методологияси асосида амалга ошириш, инновацион-интеллектуал фаолиятнинг ўйинли хислатларини очиб бериш имкониятини беради.

Мамлакатимизда кенг кўламдаги ислохотларни амалга ошириш барча соҳаларда инновацион ёндашув ва тафаккур тарзини шакллантиришни талаб қилмоқда. «...Буюк келажагимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак»¹лиги таъкидланмоқда. Бундай вазифаларни амалга ошириш жараёнида асосий фаолият турига айланиб бораётган инновацион ғоялар ва ёндашувларни ишлаб чиқишга нисбатан ўйин назарияси, унга оид концептуал моделлар назарий ва методологик асос бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун фалсафада ўйин феноменининг мазмун-моҳияти, тафаккурнинг ўйинли хислатлари, уларнинг инновацион тафаккурда намоён бўлиши ҳамда ўйин ва инновацион тафаккурнинг ўзаро креатив алоқадорлигининг мазмунини очиб бериш муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади.

¹Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Т.2. Тошкент.: Ўзбекистон, 2018. Б-88.

1. ЎЙИН ГЕНЕЗИСИ. ФАЛСАФА ВА ФАН ТАРАҚҚИЁТИДА ЎЙИН ҒОЯСИ

Ўйин маданий ходиса сифатида барча фанлар ва тафаккурнинг барча шаклларида қадимийроқдир. Ўйин инсон ва бошқа биологик жонзотлар филогенез ва онтогенезида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг вужудга келиши тасодифий ёки стихияли эмас, балки юқори ташкиллашган материя ривожланишининг кўп томонлама ва кўп шаклли эволюцион жараённинг синергетик маҳсулидир. Бундай мулоҳаза юритишимизга сабаб шуки, биосоциал тараққиёт натижасида юқори поғонада турган жонзотларда уларга хос хатти-ҳаракатнинг юқори шакли, яъни ўз-ўзини ташкиллаштиришнинг мураккаб психофизиологик кўриниши бўлган ўйин феномени вужудга келади. Онтологик ёндошув нуқтаи назаридан айтадиган бўлсак, тирик жонзотнинг ўйини органик материя эволюцияси жараёнида яшаш шароитларига мослашади ва махсус ҳаётини шакл сифатида вужудга келади. Ўйиннинг бу хислати жамиятда янада мураккаблашади, янги ижтимоий-маънавий функцияларни бажара бошлайди.

Ўйин ғояси инсоният жамиятининг илк тараққиёт босқичларида маънавий-ижтимоий муносабатларнинг шаклланиши ва такомиллашувига катта таъсир кўрсатган. Таниқли психолог Д.В.Элконин ўйиннинг келиб чиқиши масаласида янги ғояни илгари суради. Жамиятнинг дастлабки тараққиётидаёқ боланинг катталар ҳаёти ва меҳнатида иштирок этиши жараёнида болаларнинг меҳнат қилишлари учун қулай ўйинчоқ меҳнат қуроллари ишлаб чиқилган. Ўйинчоқ қуроллар пайдо бўлиши натижасида ролли ўйинлар вужудга келган. Буларни англаш ва ўйин моҳиятини ҳар томонлама очиб бериш масалалари узоқ давом этган фалсафий ва илмий изланишлар предметиға айланган.

Ўйин генезиси: биологик функциядан ижтимоий-маданий фаолиятгача

Ўйин тушунчасининг онтологик, эпистемологик ва эвристик томонларини очиш илмий тадқиқотларда мураккаб ва комплекс характердаги изланишларни тақозо этади.

Фалсафий рефлексия доирасида ўйин онтологияси муаммосини қўйилиши кўп жиҳатдан ўйин феноменининг генезиси, унинг атрибутив ва функционал хислатларини пайдо бўлиши масалаларини кўриб чиқиш билан боғлиқдир. Шу ўринда савол туғилади: ўйиннинг онтологик ибтидоси қаерга бориб тақалади? Ўйин феномени табиат ва жамиятнинг қайси жабҳаларида, бошқача қилиб айтганда биологик ва ижтимоий таракқиётнинг қайси бир даражасида вужудга келади? Мазкур масалалар бўйича ҳозирча бирон бир изчил концепция ёки ғоя ишлаб чиқилмаган. Биз мавжуд адабиётларга таянган ҳолда (К.Э.Фабри, А.А.Крымов, С.А.Смирнов² ва бошқаларнинг тадқиқотларида) ўйиннинг онтологик асоси, унинг моҳияти хусусида айрим назарий-гипотетик фикр билдирмоқчимиз.

Ўйин табиат эволюциясининг маълум бир босқичида, жонзотларда муносабат ва ўзаро мулоқотни мураккаблаштирадиган психофизиологик аппаратнинг шаклланиши билан биргаликда пайдо бўла бошлаган. Тирик мавжудотларнинг қайси бири нерв системасига эга бўлса, унда зотларнинг хатти-ҳаракатларини амалга оширишга, кузатиш, тақлид қилиш ва ўрганиш функцияларини бажаришга хизмат қиладиган ўйин жараёни, “ўйнаш” ҳолати юзага келган. Фикримизни асослаш учун шунини айтмоқчимизки, ўйин ҳолати биологик тарзда ҳайвонот оламида мавжуд бўла бошлаган. Биологик ўйин асосида эса тақлид ётади. Дастлаб ўйин ҳолати ҳайвонларнинг яшаш

² Фабри К.Э. Игры у животных. - М.: Знание, 1985. - 64 с., Крымов А.А. Проблема игры животных в современной зоопсихологии // Психо. журнал. - 1982.-Т3. - №3.с.132-139.,Смирнов С.А. Философия игры (пролегомены к построению онтологии игры). - Кентавр, 1995. - №. - С.21-28.

инстинкти орқали шаклланган ўзаро намуна, тақлидий хатти-ҳаракатлари орқали содир бўлади. Таъбир жоиз бўлса, тирик мавжудотга хос ўйинлар ундаги яшовчанликнинг биринчи белгисидир, мавжудот яшовчанлигининг универсал хислатидир. Бу универсал хислат жонзотнинг хатти-ҳаракати тобора мураккаблашиб боришида, эволюция жараёнида хилма-хил эҳтиёжларни қондирадиган функционал ҳаракатларнинг юзага келишида, уларга тақлид қилиш асосида биоэтологик ўйинларнинг вужудга келишида намоён бўлади.

Ўйин омили тизимни яшовчанлик ҳолатида тутиб туради ва ҳаётнинг муҳим шарти сифатида намоён бўлади. Ўйин эҳтиёжи тирик жонзотни ҳар қандай машинадан ажратиб турадиган ҳолатдир. Хўш аслида ўйиннинг асосида нима ётади? Ўйиннинг асосида жонзот ёки инсон хатти-ҳаракатларининг эркинлаштирилиши (инстинктив, зарурий бўлмаган ҳолат), улардан тақлид қилиш ёки қониқиш, завқ олишга қаратилган мақсадга эришиш эҳтиёжи ётади. Бундан келиб чиқадики, ўйин субстанция эмас, балки функционал хислатдир. Иккинчи асос: ўйинда ўхшашлик, модел, моделлаштириш муҳим, айтиш мумкинки, моҳиятли томонини ташкил қилади.

Ҳайвонларда, айтилган иккинчи асос, яъни, моделни эслатадиган тақлид ва ота-оналардан ўрганиш фаолияти ўйин структурасига айланади. Ҳамла, ушлаб олиш, ов қилиш ҳаракатлари инстинкт зарурияти туфайли эмас, балки эркин бажарилиши натижасида ҳайвон болалари учун ўйинга айланади. Шу ғояни олга сурган муаллифларининг таъкидлашларига кўра, инстинктлар жабҳасида ўйин феномени мавжуд эмас³. Бундай хулосани баҳсли, деб баҳолаётган тадқиқотчилар ҳам бор. Бизнингча, инстинктада ўйин йўқ, чунки инстинкт аниқ ишлайдиган ирсий-физиологик механизм, соатни эслатадиган ҳолатдир, соатда

³ Фабри К.Э. Игры у животных. - М.: Знание, 1985. - 64 с.

эса ўйин бўлмайди. Ўйин ҳолати аниқ белгиланган чегара доирасида кечмайди.

Таниқли маданиятшунос олим, файласуф С.С.Аверинцевнинг фикрича, инсон яратган маънавият олами ўйиннинг биринчи ва иккинчи асослари учун чексиз воситалар ва символлар етказиб беради⁴.

Тирик организмнинг яшаш шароити ва психофизиологик структураларда мустаҳкамланган хатти-ҳаракатларнинг эркинлашишидан келиб чиққан ўйинлар инсон турмуш тарзининг шартига айланиб борган ва инсоний сифатларни ўзида мужассамлантирган. Ибтидоий, архаик ўйинлар инсон табиатида стихияли тарзда намоён бўлиб, ижтимоий заруриятнинг тор доираларида ривожлантирилиб, маданий-маънавий мазмун билан бойитиб борилган. Бизнингча, қайсидир маънода, ўйин авлодлар ўртасидаги анъанавийлик, ворисийликни таъминлашга, қадриятларнинг сақланишига, давомийликнинг ташкилланишига хизмат қилган ҳамда турмуш тарзи билан шубҳасиз алоқада бўлиб, маданий-маиший ҳаётнинг ажралмас модусига айланган. Ҳар бир нарсанинг пайдо бўлиш тарихи бўлгани каби ўйинлар ҳам ўз шаклланиш ва ривожланиш тарихига эга. Хусусан, болалар ўйини ҳам кўп асрлик тарихга эга. «Ўйин бу - деб ёзган эди, - К.Д.Ушинский, - инсоннинг ўзи томонидан ишлаб чиқилган қудратли тарбиявий воситаси ва шунинг учун ҳам, унда инсон табиатининг ҳақиқий эҳтиёжи ифодаланган»⁵. Демак, олим бу ўринда ўйиннинг тарбиявий аҳамиятига жуда катта баҳо берган.

Ўйиннинг келиб чиқишини Г.В. Плеханов «Адрессиз хатлар» асарида санъатнинг келиб чиқиши билан боғлаб таҳлил қилган эди. Унинг фикрича, кишилиқ тарихида ўйинлар санъат каби меҳнат жараёнининг юзага келиши билан унинг асосида пайдо бўлган. Ўйинда одамларнинг

⁴ Аверинцев С.С. Культурология Йохана Хейзинги.//Вопр.философии, 1969.- №3.С.174.

⁵ Ушинский К.Д. Человек как предмет воспитания. Избр.пед.соч.-М., 1984, 1-том.- С.355.

меҳнат фаолияти ўз аксини топади. Ўйинда катталар фаолиятига, яъни кўпинча ўғил отага, қиз онага тақлидан ҳаракат қилади. Бирмунча мураккаб меҳнат қуролларининг пайдо бўлиши билан болаларни меҳнат фаолиятига махсус тайёрлаш эҳтиёжи сезила бошлади. Катталар меҳнат қуролларининг болалар учун қулай бўлган енгил ва ҳажман кичик шакллари (ёй, найза, арқон, қармоқ кабилар) яратдилар. Ўйин-машқ вужудга келди. Уларда болалар меҳнат қуролларидан фойдаланишга оид зарур кўникма ва малакаларни эгаллаганлар. Бунда улар фаолияти катталар фаолиятига жуда яқин эди (кичкина камондан мўъжазроқ ҳайвонни отиб ўлдириш, қармоқча билан балиқ овлаш мумкин эди).

Меҳнат шароити ва қуролларининг тобора мураккаблашуви, меҳнат тақсимотининг ўсиши муносабати билан болаларнинг жамиятда тутган ўрни ҳам ўзгарди. Болалар энди катталар билан ишлаб чиқаришда ва ижтимоий муносабатларда бевосита иштирок этишига эҳтиёж қолмади. Кўплаб меҳнат қуролларини энди кичик ҳажмда яшаш мумкин бўлмай қолди, энди фақат ташқи кўриниши жиҳатидан иш қуролига ўхшаш тасвирий ўйинчоқлар пайдо бўла бошлади.

Шундай қилиб, ўйин ижтимоий фаолият сифатида жамиятда муайян вазибаларни бажариб келади ва бошқа тарбия воситалари қаторида тўпланган ижтимоий тажрибани бир авлоддан иккинчи авлодга ўтказиши, инсон шахсининг ривожланишини таъминлайди.

Ўйин инсоннинг ўзлигини англашда муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли, ўйин ўз функционал имкониятларини кенгайтира бориб, инсоннинг ички ва ташқи озодлиги даражаси кўламининг ортиб боришига асос бўлади. Инсон энг сезгир ва ҳис қилувчи жонзот сифатида ўйинда ўзининг ижтимоий-маънавий потенциалини кодлаштириш имконига эга бўлади. Айтиш жоизки, ўйин инсоннинг турли хилдаги маънавий-маданий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган анъанавий машғулотига айланган. У бутун инсоният

тарихидаги барча муносабатлар учун универсал характерда бўлиб, унинг ўзи инсон онгининг хилма-хил кўринишларида мужассамлангандир. Ўйин инсоннинг яшаш тарзига чуқур сингиб кетганки, натижада, инсон маданияти ўйин билан чамбарчас боғланган. Ҳатто, ҳар қандай маданият ўйин асосида шаклланган, деб айтиш мумкин.

Ўйин ҳақидаги қарашлар эволюцияси

Ўйин нафақат илмий - тадқиқот объекти, балки инсон фаолиятининг олий даражадаги феномени сифатида ҳамма замонда тадқиқотчиларнинг асосий эътиборини тортиб келган.

Ўйин хусусида фикр билдириш фалсафий тафаккурни, яъни фалсафий рефлексия қобилиятини маълум такомил даражага етишишини тақозо этади. Мана шундай интеллектуал асос ва шароит қадимги Юнонистонда вужудга келди. Классик фалсафанинг дастлабки тамал тошини қўйган антик мутафаккирлар ўйин, унинг инсон ҳаётида роли ва аҳамияти тўғрисида бир қатор ғояларни илгари суришди. Суқрот берган талқинга кўра, инсон ўйин ўйнаётган пайтида ҳаётга фаол аралашуви натижасида ҳақиқатга йўл очади.

Ўйиннинг кўп вазифали (полифункционал) ижтимоий ва маънавий ҳодиса эканлигини англаш Платоннинг ўйин ҳақидаги ғояларига бориб тақалади. Айнан Платон файласуфлар орасида биринчи бўлиб: «Ўйнаб яшаш керак» тамойилини кўтариб чиққан ва бу тамойилнинг ҳаётийлигини асослаган. Унинг фикрича, инсон худолар қўлидаги бор - йўғи руҳсиз қўғирчоқ. Инсон бирор-бир хатти-ҳаракатни ўз хоҳишича эркин бажара олмайди. Одам - қўғирчоқни худолар кўринмас иплар ёрдамида ўйин қилиб бошқаришади. Агар худо олтин ип билан одамни бошқарса, у меҳрибон, сахий ва очиккўнгил бўлади⁶.

⁶ Платон. Собр. Соч. в 4 т.: Т.1. - М.: Мысль, 1990. - С. 165.

Платон орзу қилган мукамал давлатда инсоннинг ақлий ахлоқи ҳақида қарама-қарши фикрлар мавжуд. Бир томондан, инсон бор-йўғи жонлантирилган сушт (пассив) кўғирчоқ, иккинчи томондан, унинг комилликка эришиши фақат ўзига, яъни ўйинни қандай ўйнашига боғлиқ.

Тадқиқотчи Р.Р Ильясовнинг таъкидлашича, Платон ўйиннинг инсон жамоавий ва индивидуал яшаш тарзида муҳим аҳамиятга эга эканлигини биринчи бўлиб эътироф этган.⁷ Платоннинг ғоясига кўра, ўйиннинг асосини инсоннинг жамоавий ва индивидуал яшовчанлигига доир фаолият ва билишга интилиш ташкил қилади. Платонгача Гераклитнинг «Ўйнаётган болалар»и инсон ва коинот уйғунлигининг ифодаси эди, холос⁸. Платон эса «ўйин» тушунчасига энг чуқур онтологик тавсиф берди ва буни «Ўйнаб яшаш керак», деган тамойилида ифодалади. Аристотель ўйин феноменини кўнгил очиш, роҳатланиш ҳолатлари билан боғлайди. Аристотел ўйинни гўёки дори бергандек, қизгин машғулотлар орасидаги танаффусларда амалга ошириш керак, дейди⁹. Пифагор файласуфлик мақомини Олимпия ўйинлари мисолида куйидагича тушунтирди: анжуманга келадиган бир гуруҳ кишилар беллашиш, куч синашиш, яъни ўзи ва ўзлигини намоён этиш учун, иккинчи бир гуруҳ - савдо-сотик қилиш, бойлигини кўпайтириш учун, учинчиси эса, ўйиндан маънавий озик олиш, ҳақиқатни билиш ва аниқлашни мақсад қилиб олади. Ана шу учинчи гуруҳга мансуб кишилар, Пифагор талқинига кўра, файласуфлар эди¹⁰. Фикримизча, Пифагор файласуфга таъриф бериш орқали ўйиннинг инсон ўзлигини намоён

⁷Ильясов Р.Р. Игра как предмет философского познания: онтологический и гносеологический аспекты: Дисс. д-ра филос. наук. 09.00.01 - Уфа, 2006.

⁸ Майданов А.Д.Диалектика и логика Гераклита. Философское наследие античности. - Таганрог, 1999.-С.34-38.

⁹ Аристотель. Соч. В 4-х т. Т. 4. -М.: Мысль, 1984. - С. 630.

¹⁰ Назаров Қ. Фалсафа асослари. (1-бўлим 1,4-мавзу). – Тошкент: «Ўзбекистон», 2005.-Б.10.

қилиш, моддий ёки амалий натижа олиш ва ниҳоят маънавий озиклантириш хусусиятларини очиб бермоқчи бўлган.

Августин ўйинни (ҳақиқатни) фаолиятни англашнинг самарали усули эканлигини кўрсатади. Немис мутафаккири Николай Кузанский ўзининг 1463 йилда ёзган “Шар билан ўйнаш” асарига ўйиннинг полифункционал жиҳатлари борлигини қайд этган.¹¹ Булар:

- завқланиш;
- таълим бериш;
- бирон-бир ғояни тушунтиришда модель ролини ўйнаш;
- ўйиннинг инсон қалбидан чиқиб ҳаётга қадам ташлаши;
- ўйинда тасодифий ҳолатларнинг мавжуд бўлиши;
- ўйин моделидан фалсафий ғояларни келтириб чиқариш имкониятла-рининг мавжуд бўлиши;

Мутафаккир қуйидагиларни ёзади: Бизнинг шар билан машқ қилишимизнинг ўзида анчагина фалсафа (ўйин мисолида фалсафий рефлексияни амалга ошириш маъносида – Ш.К.) яширинган¹².

М.Монтень ўйинни инсоннинг ёши ва ижтимоий мақомидан қатъий назар, у учун зарурий эҳтиёжлардан бири сифатида қайд этади. Мутафаккир таълим жараёнидан ўйиндан фойдаланишнинг самарадорлиги ҳақидаги ғояни олға сурган¹³. Ламетри ўйинни инсон руҳининг шаклланиши билан боғлаб, табиат ўйини инсонга хос ўйинни юзага келтириши тўғрисидаги фикрларни илгари суради. Т.Гоббс инсоний муносабатлар жараёнида ҳосил бўладиган ўйин феноменининг аҳамияти масаласини тадқиқ қилган. И.Кант¹⁴ ўйинга жамиятнинг комил аъзоси шаклланишидаги ижодий

¹¹ Кузанский Н. Игра в шар // .Соч.в2 томах.Т.2.М., 1980.- с.251-315.

¹² Кузанский Н. Игра в шар // . Соч.в 2 томах.Т.2. - М., 1980.-с.251.

¹³ Монтень. О воспитании детей//Монтень Опыты.-М.:”Правда”, 1990.-С.150.

¹⁴ Кант И. Критика способности суждения. // Соч.: В 6 т. - М., 1965.Т.5.-С.319.

бошланма сифатида қарайди. У тарбияни иккига, эркин ва схоластикка бўлиб, эркин тарбияни бу - ўйин деб атайди¹⁵.

Ф.Шиллернинг фикрича, инсон ўйнаётган пайтидагина инсондир, ўйин инсонни бурчдан ва мажбуриятлардан озод қилади, у инсонга эркинлик элтувчи жабҳа сифатида эътироф этилади. Ф.Шиллер ўйинни гўзалликка боғлаб тадқиқ қилади ва инсоннинг гўзалликка интилиши натижасида ўйин шаклланади деб ҳисоблайди¹⁶. Шу тарзда, Шиллер инсон ўйинларини, биринчи навбатда, эстетик фаолиятга қаратилганлигини таъкидлайди. И.Г. Фихте, Ч.Дарвин, Ж.Ламарк, Ф.Ницше каби олимлар ва файласуфлар ҳам ўйин муаммоси хусусида фикр-мулоҳазалар билдиришган.

Шарқ мутафаккирларидан Жалолиддин Румий ўйинни болаликка хос машғулот деб тушунади. У шундай ёзади: Болалар дунёни билмаганлари, ундан зерикмаганлари учун беғубордир ва ўйнамоқ орзуси билан яшайди. Кекса одам ҳам дунёни бола каби топ-тоза кўради, ўйнамоқни истайди¹⁷.

Ўзбек халқ ўйинлари тарихида биринчи марта ўйин намуналарининг баён этилиши, уларнинг таърифи ва тасвири Маҳмуд Қошғарийнинг қаламига мансуб “Девони луғотит турк” (Туркий сўзлар девони) асарида келтирилган. Маҳмуд Қошғарийнинг ушбу девонида 150 га яқин халқ ўйинлари тилга олиниб, улардан 20 га яқин ўйин турига батафсил таъриф берилган. У ўйинларни диққат билан ўрганиб ҳам жисмоний ҳам ақлий ўйин машғулотларига ажратган¹⁸.

Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг “Қутадғу билиг” (Саодатга йўлловчи билим) асарида табиат нафосатини тасвирлар экан, “ўйин” сўзидан фойдаланади.

Гулзор булбул минг овоз билан сайрамоқда,

Тун кун (тинмасдан) сури ибри чалмоқда,

¹⁵ Кант И. Педагогика тўғрисида. -Тошкент: «NisoPoligraf», 2013. - 52 б.

¹⁶ Шиллер Ф. Письма об эстетическом воспитании человека // Шиллер Ф. Собрание сочинений: В 7 томах.- Т. 6. -М., 1957-С. 251-358.

¹⁷ Румий Ж. Ичиндаги ичиндаур.- Тошкент.: «Янги аср авлоди», 2013.-146 б.

¹⁸ Маҳмуд Қошғарий. Туркий сўзлар девони. (Девони луғотит турк). 3 жилд. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. Муталибов. Т.:Фан.1960.

Илик-кулмиз* чечаклар устида ўйнамоқда,
Сигун-муйғок* бот кезиб ўйнамоқда¹⁹.

Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Футувватномаи Султоний ёхуд Жавонмардлик тариқати” асарининг бир бобида “Томоша кўрсатувчи ўйин аҳли ҳақида” алоҳида тўхталиб, кўғирчоқбозлик санъатинининг моҳиятини қуйидагича изоҳлайди: “Эй азиз, билгилки соҳибдил дарвешлар кўғирчоқ ўйинидан кўп рамзу ишоратлар ўқиб, дунёнинг сир-синоатини фаҳмлаб, ҳийла ҳақиқатларни кашф этибдилар. Шунини билиш лозимки, шаклу-шамоил, сурат оламида зухур этадиган нарсалар ҳазил мутойиба бўлса-да, аммо моҳият-мазмунига кўра, улар жиддий ҳақиқатларни англадилар”²⁰. Бу фикрлари билан мутафаккир ўйин ҳодисасида жиддий ҳақиқатлар яширинганлигини тасаввуфий мазмунда очиб беради.

Шундай қилиб, классик ва ноклассик фалсафада ўйиннинг ижтимоий, гуманитар, культурологик ва психологик томонлари аниқланган. Унинг ҳиссий-эмоционал ва интеллектуал хислатлари очиб берилган.

Умуман, классик ва ноклассик фалсафада ўйинга хос белгилар ва функцияларни ифодаладиган бир қатор тасаввурлар ва тушунчалар ишлаб чиқилган.

Ўйин тушунчасига онтологик назар

Фалсафий рефлексия доирасида ўйин мустақил онтологик категориялар сафига киритилган. Айтиш мумкинки, ўйин инсон ва табиатнинг яшаш тарзига оид дастлабки маъно-мазмунга эга бўлиб, улар кейинчалик педагогика, психология, культурология, этнография,

*илик-кулмиз – жайрон.

*сигун-муйғок – буғу.

¹⁹ Юсуф Хос Ҳожиб. “Қутадғу билиг” (Саодатга йўловчи билим) Т., “Фан”, 1972. – 75 б.

²⁰ Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний. Ахлоқий муҳсиний.- Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. Давлат илмий нашри., 2011.-376 б.

антропология, социология ва бошқа фанларнинг тадқиқот предметига айланиб борган.

Постноклассик фалсафада замонавий фан, технология ва глобаллашув жараёнларга бағишланган янгича талқинлар вужудга кела бошлади. Уларда (информацион ва компьютер инкилоби, интернет тизимининг тарқалиши шароитида) ўйиннинг олдин маълум бўлмаган қирралари таҳлил қилинади. Постноклассик фалсафада ўйиннинг моҳияти қайта кўриб чиқилиб, яъни унинг янги функциялари ва хилма-хиллашиб бораётган мақсадларга бўйсундирилиши асосий билиш ва амалиёт предметига айланиб бормоқда.

Ўйин тушунчаси кўп қатламлик поливариантлик, ассоциативлик ва ҳатто, номантикийликни ўзида акс эттирувчи полисемантик (кўп маъноли) тушунчадир²¹. Шу боис, ўйин ҳақидаги мулоҳазаларда бир-бирини истисно қилувчи ифодалар учраши табиий. Ўйин диалектикаси шундан иборатки, унда инсон турмуш тарзини, маънавий ёки маиший ҳаётини қашшоқлаштирувчи, бемаънилаштирувчи жиҳатлари бўлиши мумкин, шу билан бирга, уни бойитувчи, мазмундор қилувчи ва завқ бағишловчи жараён бўлиши ҳам мумкин.

Ҳар бир одам, индивид болалик ўйинларининг у ёки бу давридан ўтади, у ўйнайди ёки ўйин субъекти бўлади. Психологларнинг фикрича, айнан ушбу фаолият тури инсон учун йўлбошловчи ва аниқловчи ҳисобланади. Болалик ўйини айнан инсонга хос руҳий мазмун билан бойитиб борилади.

Ўйинда инсон табиий имкониятлардан қатъий назар, ҳеч қандай ички ва ташқи мажбурлаш, зўрлашга дуч келмай, эркин ўсиб борувчи субъект сифатида намоён бўлиши мумкин. Ўйин орқали ижтимоий ҳаёт, маънавият ва тажрибанинг хилма-хиллиги аниқланади. Унинг ижтимоий

²¹ Спешилова Е. И. Полисемия термина «игра» в философии. // Игра и игрушки в истории и культуре, развитии и образовании: материалы международной научно-практической конференции 1–2 апреля 2012 года. – Пенза – Витебск – Москва: Научно-издательский центр «Социосфера», 2012. – С.14.

аҳамияти шундаки, ўйин ҳар доим индивидуал ва жамоавий роллар ва функцияларни амалга ошириш, улар билан шуғулланиш, тайёрланиш имконини беради. Ўйин жараёнида индивид самарали тарзда билиш фаолиятини олиб боради ва қўлаб янги билимларга эга бўлади. Ўйин орқали катта ёшдаги одам амалга ошира олмаган имкониятларини, кичик бола эса ҳали ишлатиб кўрмаган имкониятларини бошдан кечириш шарт-шароитига эга бўлади. Бу билан ўйиннинг ижтимоий функцияси аҳамияти ортади, яъни ўйин ҳам тузиш, ҳам бузиш усули, қандай қилиб хаосга кириб бориш ва ундан чиқиш йўллари кўрсатади.

Агар ижтимоий фаолият жисмоний ва интеллектуал кучларнинг ўйинига айланса, кишилар томонидан бажонидил бажарилади ва ҳаётий эҳтиёжга айланади. Бунда меҳнат «оғир меҳнат»лик жиҳатини йўқотади, инсон имкониятлари ва қобилияти синаладиган ўйинга айланади.

Ўйиндан яқка кишининг борлиғи бошланади, унинг онгли ҳаёти қисман, ёки тўлалигича ўйинга айланади. Онтологик маънода ўйин оламидан экзистенциал реаллик, конкрет мазмун билан айтганда, ижтимоий ва инсоний шаклларнинг хилма-хиллиги ва турлича қадр-қимматга эгаллиги келиб чиқади, дейиш мумкин.

Ўйин жамиятда байрамлар шаклида ҳам мавжуд. Исталган байрам ўзида кенгайтирилган ўйин борлигини, майдонини акс эттиради. Бу ўйинда бошлиқ ўз қўл остидагилар билан бир қаторда, аклий меҳнат кишиси жисмоний меҳнат кишиси билан тенг бўлиши, бир сўз билан айтганда ҳамма оддий одамга айланиши мумкин. Ҳар бир кишига янги ўйин роли эркинрок, эмоционалрок, ижобийрок туюлади. Байрам, бир вақтнинг ўзида ҳам тарихий, ҳам тарихдан ташқарида. Байрамни кутишнинг ўзи ҳам жамиятда психологик атмосферани ўзгартиради, инсонга руҳан яқин, ижобий эмоцияларни беради. Узоқ кутилганлик хислатини ўзида мужассамлантиради. Шу билан бирга, у ўзида, умумийлик, вақтинча ўзини тийиш, маълум бир қатъий

қоидаларга амал қилишни ҳам тақозо этади. Бу хислатлар ҳам ўйин учун, ҳам байрам учун умумийдир.

Инсон ўйнайди ёки уни ўйнайдилар, у – ҳам ўйновчи ҳам ўйин объектига айланади, деб ёзади тадқиқотчи Р.Ильясов.²² Бу фикри билан муаллиф инсон бир вақтнинг ўзида табиий ва ижтимоий кучлар мажмуасида ҳам ўйновчи, ҳам ўйналувчи эканлигини таъкидлайди.

Бугунги кунда инсоният глобал иқтисодий, сиёсий, этнографик ва маданий алоқалар доирасига тортилган. Оламий бирлик ғояси, бир бутун олам манзарасини яратишга интилиш, кўп даражали, иерархик ўйин механизмини эслатади.

Ўйин назариясининг марказий муаммоси сифатида оламини ўзаро алоқадор ўйин комплексларидан ташкил топганлиги ҳақидаги ғоя юзага келган. Бунда қатъий белгиланган структура йўқ, балки бир ўйин ҳолатидан иккинчи ўйин ҳолатига ўтишда чексиз занжирсимон ҳаракат доираси мавжудлиги эътироф этилади. Оламининг ўйин ҳолати очик тизимдир, шу сабабли, ташқи олам билан доимий алоқада бўлиб туради.

Шундай қилиб, биз ўйин ҳақидаги қарашлар эволюциясини кўриб чиқар эканмиз, унда қуйидаги тушунчаларга дуч келамиз.

Биринчидан дастлаб табиатда ўйин ҳолати мавжуд, яъни ўйиннинг биологик томири, буни биз ҳайвонот оламидан бошлаб кузатамиз. Ундан сўнг ибтидоий даврларда ўйин ҳолатидан жараён даражасига кўчиш, ўйинда социопсихологик жиҳатлар ҳамда функциялар юзага чиқа бошлайди. Буни биз қадим инсонларнинг урф-одат, анъана, расм-русумларида ҳам кўраамиз. Овга чиқишга тайёргарлик кўраётган одамнинг хатти-ҳаракатидаги ўйин ҳолати (деворга ов манзарасининг расмини чизиши, гўёки ўлжани мўлжалга олаётгандек тасвирга найза отиб машқ қилиши) уни

²² Ильясов Р.Р. Игра как предмет философского познания: онтологический и гносеологический аспекты: Дисс. д-ра филос. наук: 09.00.01 - Уфа, 2006.

психологик жиҳатдан ўзгариш даражасига олиб келади. Бу ўринда ўйиннинг функционал хислатлари юзага чиқа бошлайди.

Иккинчидан, биз ўйинни тириклик механизмини таъминлаб турувчи борлиқ даражасида олиб қараймиз. Сабаби, юқоридаги каби ҳайвонларнинг тақлиди, ибтидоий жамиятдан бошланган ўйиннинг одамга руҳий-эмоционал таъсирини ижтимоийлаштириш орқали ҳаёт давомийлиги таъминланган. Бора-бора инсоният маънавий-интеллектуал савияда юқорилаб ўйин ҳолат, жараён даражасидан фалсафий дунёқараш негизида категориал тушунча мазмунини касб этиб борди. Буни биз классик фалсафа мисолида кўриб ўтдик.

Учинчидан фан ва илм тараққиётининг ҳар бир босқичида ўйин ўзининг категориал мазмунини бойитиб бораверди. Натижада, ўйин тўғрисидаги бир бутун концепциялар юзага келди.

Ўйин тушунчаси таърифига ноанъанавий ёндашув

Ҳозирги вақтгача ўйин, унинг моҳияти, мазмуни ва намоён бўлиш шакллари адабиётларда културологик, ижтимоий – фалсафий, фалсафий-тарихий таҳлил ҳамда ёндошувлар асосида кўриб чиқилган²³. Бундай ёндошувларда ўйиннинг ижтимоий-маданий структураси ва маънавий функциялари очилади, лекин унинг метафалсафий маъно ва мазмунини тушуниш ва тушунтириш учун бу етарли эмас. Шу сабабли, ўйин ғоясининг фалсафий рефлексиясини амалга ошириш, ушбу тушунчанинг етарли ўрганилмаган онтологик, гносеологик, эпистемологик томонларини очиб бериш долзарб фалсафий муаммо эканлигини эътироф этиш

²³ Игровое моделирование: Методология и практика. - Новосибирск: Наука, 1987. Игровой мир. Саратов: Вектор, 1992. 241с. Смирнов С.А. Философия игры (пролегомены к построению онтологии игры) // Кентавр, 1995-№-с.21-28. Шестакова Е.А. Проблема игры в философско-эстетической концепции Ж.Деррида: Автореф. канд.дис.-М.,1997. 22с. Ретюнских Л.Т. Философия игры. - М.: Вузовская книга, 2002. - 256 с.

Ўринлидир. Бу тушунча мазмунан полисемантик (кўп маъноли) хислатга эга²⁴. Ўйин ғояси мазмунида болалар ўйинини мушоҳада қилишдан, фалсафий тафаккур даражасида шаклланган тасаввурлар ва тушунчаларгача ўз ифодасини топган. Бевосита олиб қараганда ўйин оддий, ҳаммага маълум феномендек тушунилса-да, аслида ўйин ғоясида оддийликдан мураккаблик томон илгарилаб боровчи жиддий маъно ва мазмун мужассамлангандир. Ўйин тушунчасининг туб моҳиятига кириб борган сари унинг замирида кенг маънодаги ижтимоий, маънавий, интеллектуал, психологик, эмоционал ва функционал мазмун-маънолар мавжудлиги англанади²⁵. Биз бу тушунчага бирмунча аниқлик киритиш мақсадида ўйинни куйидагича таснифлашни маъқул топдик:

- ўйин ҳолати;
- ўйин жараёни;
- ўйин фаолияти;
- ўйин ҳодисаси;
- ўйин тушунчаси;
- ўйин концепцияси

Ўйин ҳолати аниқ бир чегара билан белгиланмаган, ўйинчининг ўз муҳитини ташкил қилиш даражаси, унда субъектнинг завқланиш, лаззатланиш ва кўзланган мақсаддан қониқиш ҳисси намоён бўлади. Бизнингча, ҳайвонот оламидаги ўзаро эркин муносабатда бўлиш (интилиш, гўёки ҳамла қилиш ва ҳ.к.), тақлид қилиш даражалари ўйин ҳолатининг стихияли босқичлари, деб ҳисоблаш мумкин.

Ўйин жараён сифатида муайян вақт оралиғида содир бўладиган, давомийликка эга, баъзан қатъий қоидалар асосида бошқариладиган, бетакрор, сунъий юзага келадиган,

²⁴ Спешилова Е. И. Полисемия термина «игра» в философии. Игра и игрушки в истории и культуре, развитии и образовании: материалы международной научно-практической конференции 1–2 апреля 2012 года. Пенза – Витебск – Москва: Научно-издательский центр «Социосфера», 2012. – с.14-16

²⁵ Қаранг: Тимонин Н.В. Игра в исследованиях и публикациях последних лет (1991-1999 гг.) // Традиционная культура. - М.: 2001. - № 1. - С. 62-69.

бошланиш ва тугалланиш фазалари мавжуд бўлган, фазо ва вақтда рўй берадиган ҳолатидир. Ушбу жараённинг такрорланувчанлик хусусияти уни фаолият даражасига олиб чиқади.

Аслида фалсафий нуқтаи назардан олганда, ўйин фаолиятнинг бир кўринишидир²⁶. Фаолият инсонни воқеликка нисбатан бўлган ўзига хос актив муносабатининг ифодаси, деб қаралади. Инсон мақсадга мувофиқ тарзда оламни ўзлаштиради ҳамда ўзгартиради. Инсон фаолияти объекти ва субъекти муайян тарзда қарама-қарши кўйилиши билан ҳайвон хатти-ҳаракатидан фарқ қилади ва ҳар қандай фаолият мақсад, фаоллик, ҳаракат, натижа каби жараёнлардан иборат бўлади. Шу билан бирга, интилиш, тақлид қилиш, ўхшатиш каби эркин хатти-ҳаракатлардан келиб чиққан ўйин ўзига хос, алоҳида фаолликни намоён этиб, доимий фаоллик предметига айланади, эҳтиёж ва мақсад доирасига киради, яъни инсон руҳиятида ўйин эҳтиёжи ва мақсади пайдо бўлади.

Ўйин фаолияти бу, назаримизда, воқеликка нисбатан субъектнинг у ёки бу даражадаги таъсири ва унинг ташқи дунёга фаол муносабатининг бир шаклидир. Ўйин фаолияти доирасида субъект ўзини ўзи мақсадга мувофиқ тарзда ўзгартириши мумкин. Ўйинда мақсад, восита, натижа ҳамда жараённинг қамраб олинishi унинг онгли фаолият тури эканлигини англатади. Ўйин фаолияти натижасида содир бўладиган ўзгаришларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, унинг репродуктив ва продуктив хислати юзага чиқади. Ўйин баъзан ўз-ўзидан амалга ошувчи жараёнга айланади. Лекин шундай бўлса-да, у ўзига етарли даражада таъсир кўрсатувчи муайян табиий ва ижтимоий шарт-шароитлар тизимида амалга ошади.

Ўйин фаолияти ўзининг функционал хислатидан келиб чиқиб фаолият шакллариининг деярли барча соҳаларига кириб

²⁶ Демин М.В. Труд как вид человеческой деятельности // Философский науки. – 1984. -№ 1.-С. 10-18.

бориши ҳамда таъсир кўрсатиши мумкин. Ўйиннинг белгиланган вақт ва замонда содир этилиши, белги ва функцияларининг юзага чиқиши, ижтимоий ҳаёт билан таъсирга киришиши унинг **ходисавийлик** жиҳатини англатади. Ўйин тушунчасининг ўзи тўғридан тўғри бирор-бир маҳсулот яратишга қаратилмаган, балки инсонга рухий-психик тарафдан ижобий таъсир кўрсатишга мўлжалланган жараёни англатади. Биз ҳис қилган, онгимиз, тафаккуримизда анализ-синтез, таққослаш, мавхумлаштириш, умумлаштириш жараёнларидан ўтган ўйин ҳолати ўзининг белги ва хусусиятларига кўра айнан **шу тушунчани** ташкил этади. Унинг назарий асосларининг яратилиши, фалсафий дунёқараш даражасида кўриб чиқилиши, асрлар давомида шаклланган функцияларининг конкретлашуви ушбу тушунчани **концепция** даражасига олиб чиқади.

Тадқиқотчилар орасида ўйинни инстинктдан фарқ қилувчи меҳнат билан боғлиқ бўлган жисмоний ва интеллектуал фаолият, деб тушуниш кенг тарқалган²⁷. Фикримизча, бундай тушунишда ўйинни фақат ўзига хос хусусияти очилмаган. Ўйин фаолияти ва меҳнат ўртасида кўпгина ўхшашликлар бўлса-да, ўйин кўйилган мақсад ва функциялари жиҳатидан жамият ва инсон ҳаётида ўзига хос ҳолат, жараён ва маданий-маънавий феномени билдиради. Педагог А.С.Макаренко ўйин билан меҳнат ўртасидаги фарқни қуйидагича кўрсатади: «ҳар ҳолда, ўйин ишдан нимаси билан фарқ қилади? Буни фақат бир нарсада кўраимиз: иш кишининг ижтимоий ишлаб чиқаришида - моддий, маданий кадриятлар, бошқача айтганда, ижтимоий кадриятлар яратишдаги иштирокидир. Ўйин ўз олдига бундай мақсадлар қўймайди, ижтимоий мақсадларга бевосита

²⁷ Демин М.В. Труд и игра как виды и аспекты человеческой деятельности //Вестник Моск. Ун-та. 1983. – серия 7, Философия - № 1. – С. 14-22.; Ильясов Р.Р. Философия человеческой игры. Монография / Р.Р. Ильясов, Г.Г.Муфтиев. Уфа: УИ РГТЭУ, 2005. – 166 с., Роганова В. Игровая форма организации урока // Учитель. 1997. - № 1. –С. 50-55.

дахлдор бўлмайди, бироқ уларга билвосита муносабатда бўлади: у кишини асқотадиган жисмоний ва руҳий бардошга ўргатади»²⁸. Бу ерда муаллиф ўйиннинг ўзига хос томонларининг бир кўринишини – ижтимоий фойдали томонини ҳақли равишда кўрсатади. Шу билан бирга, ўйинни кўп функционал маданий-маънавий ҳодиса эканлигини ҳам биламиз.

Педагогик энциклопедияда ўйин тушунчасига шундай изоҳ берилади: «Ўйин турли фанларнинг предмети ҳисобланади. Маданият тарихи, этнография, педагогика, психология. У одамлар ва ҳайвонлар фаолиятининг бир туридир. Ўйин кўп қиррали тушунча бўлиб, дунёқарашнинг адогматик шаклидир. Маданият тизимида ўйин бир қатор функцияларни бажаради. У ижтимоийлашувнинг дастлабки босқичларидан бири саналади. Янги авлодлар инсонлар жамиятига мослашишга ёрдам беради. У кучли алоқа қатламидир. Унда турли ижтимоий қатлам кишилари, турли касб вакиллари ўзаро алоқага киришади.»²⁹ Кўриниб турибдики, изоҳда ўйиннинг ташқи, жамият таъсирида шаклланган функциялари, хислатлари ёритилган. Лекин ўйиннинг фақат ўзига хос, яъни имманент моҳияти нимадан иборат эканлиги берилган изоҳда акс этмаган.

Ўйин инсон руҳиятининг эркин ифодаси, мажбурлаш ҳолатидан эркин фаоллик даражасига ўтиш, деган талқинлар ҳам учрайди.³⁰ Тўғри, ўйинда эркинликни намоён этадиган

²⁸ Макаренко А.С. О воспитании. - М.: Политиздат, 1990. – 415 с. Макаренко А.С. Игра (Сочинение в 7 томах): 2-е изд.-М., АПН, 1957. -т. 4. -С. 373-383.

²⁹ Педагогическая энциклопедия. –М.:изд."Советская энциклопедия", 1965.-Т.2.-с. 138.

³⁰ Бычков В. В. Игра / ВВ. Бычков, О. В. Бычкова // Новая Философская энциклопедия. -М., 2001. - Т. 2. - С. 67-70.; Жбанков М. Р. Игра / М. Р. Жбанков // Пост-модернизм: Энциклопедия / Сост. и науч. Ред. А. А. Грицанов, М. А. Можейко. -Минск: Кн. Дом «Интерпрессервис», 2001. - С. 293-294.; Можейко М. А. Игра истины / М. А. Можейко // // Постмодернизм: Энциклопедия / Сост. и науч. Ред. А. А. Грицанов, М. А. Можейко. -Минск: Кн. Дом «Интерпрессервис», 2001. -С. 295-296.; Сигов К. Б. Игра / К. Б. Сигов // Современная западная философия: Словарь / Сост.: В. С. Малахов, В. П. Филатов. -М.: Политиздат, 1991.-С. 110-112.

белги бор, лекин бу хислат унинг муҳим томонларидан бири, холос.

Фалсафий энциклопедияларда ўйин тушунчаси хусусида шундай қайдлар учрайди: ”Ўйин номаҳсулдор фаолият бўлиб, амалий мақсадлар учун ўтказилмайди, у вақтичоғлик, кўнгил очишга хизмат қилади. Ўйин ҳам меҳнатдан, ҳам соф инстинктив ҳаракатлардан фарқ қилади”.³¹ Ўйин инстинктдан фарқ қилади, деган фикр тўғри, лекин унинг номаҳсулдор фаолият сифатида талқин қилинишига қўшилиш қийин. Аслини олганда, маҳсулдор фаолият кўринишига эга бўлган ўйинлар кўп (хоккей, футбол ва бошқа спорт ўйинлари, тотализаторлар, тадбиркорлик фаолиятини моделлаштирадиган ўйинлар ва ҳ.к.). Бундай ўйинлар, хусусан, уларнинг маҳсулдорлик қиймати, математик ўйин назарияларида ўрганилмоқда.

Юқорида келтирилган талқинларни танқидий таҳлил қилиш ва айни пайтда, уларнинг эвристик томонларини қабул қилиш асосида биз ўйиннинг қуйидаги ишчи таърифини беришга ҳаракат қиламиз: Ўйин - психофизиологияси юқори даражада ривожланган жонзотларга хос хатти - ҳаракат (тақлид қилиш, ифодалаш, ютуққа интилиш) бўлиб, у эркин ҳаракат, муносабат ва мулоқот қилиш йўли билан мақсадга эришиш жараёнида завқ ва қониқиш ҳиссини ҳосил қиладиган фаолиятдир. Яна шуни таъкидлаш жоизки, фаолиятнинг бошқа ҳеч бир турида инсон худди ўйиндагидек ўзининг жозибали руҳий-физиологик ва интеллектуал ҳолатини намойиш қила олмайди. Шу билан бирга, ўйиннинг интеллектуал (шахмат, математик, абстракт, яъни назарий-символик) моделлари бўладигани, уларда завқ ва қониқиш билан бирга, мақсад, ютуқ белгиловчи ўринни эгаллайди.

Ўйин шундай ҳодисаки, унда қатнашаётган субъектни ўйиннинг натижаси эмас, балки ўйин олиб борилаётган

³¹ Философский энциклопедический словарь. -М.: Инфра,2009.-с.168

жараённинг ўзи кўпроқ қизиқтиради³². Бундан ташқари, жамиятда кенг тарқалган ва миллионлаб кишиларни ўзига жалб қиладиган мақсадли ўйинлар тури борки, уларда белгиланган натижага эришиш (олимпиада, футбол ва бошқалар) биринчи ўринга чиқади³³.

Бундай шароитда ўйин хилма-хилликка эга бўлган жисмоний ва ақлий фаолиятнинг бир кўриниши сифатида ўзида, албатта, аниқ амалий (ютукқа эришиш, жамият томонидан тан олинмиш ва ҳ.к.) мақсадга мувофиқликни мужассамлантиради.

Ўйиннинг ижтимоийлашув хислати ва шунга йўналтирилган функционал сифатлар маълум мақсадга бўйсундирилади (масалан, ишбилармон ўйинлар, спорт ўйинлари). Баъзида тилимизда “ўйин” ва “рақс” тушунчаларини фарқламай қўллаш одат тусига кирган. Аслида улар моҳиятан ўхшамайдиган ҳодисалар бўлиб, ҳар бири ўз табиатига эга,- деб ёзади профессор О.Сафаров. Ҳар иккаласи ҳам ҳаракат замирида қурилган, рақс, қисман эсада, ўйиндан ўсиб чиққан. Ўйин нисбатан кенг маъноли тушунчага айланган ва рақс ҳодисасини англатадиган маънода ҳам қўлланаверган. “Буни халқона ўйинлар мисолида равшанроқ кўриш мумкин. Масалан “Читтигул” ҳаракатни сўз бошқариши асосида қурилган қизалоклар ўйини. Бу ўйинда ҳам ўйин, ҳам рақс, ҳам кўшиқ унсурлари ўзаро сингиб кетган. Бироқ ундаги рақсга хос ҳаракатлар рақс дейишга асос бўлолмайди. Чунки уларда нафосат етишмайди. Улар ҳаммабоп ҳаракатлар. Рақс эса назокатга йўғрилган жозибали ҳаракатлар мажмуи бўлиб, уни ҳар ким ҳам ижро қилавермайдиган санъат даражасидаги

³² Н. П. Аникеева. Воспитание игрой. -М.: Просвещ., 1987. - 177 с.; Берн Э. Игры, в которые играют люди. Люди, которые играют в игры / Эрик Берн. Санкт-Петербург-Москва: «Университетская книга» АСТ, 1998. - 398 с.;

³³ Игра дело серьезное: Сборник /Под. ред. Б.М. Васильева. -М.: Знание, 1991.; . Винникотт Д. В. Игра и реальность / Дональд Винникотт. -М.: Институт общегуманитарных исследований, 2002. - 267 с.

ходисадир”³⁴. Бунда олим ушбу ўйинда ҳаракатнинг ҳаммабоплик хусусияти устувор эканлигини ҳамда ўйин ҳам, томошабин ҳам ижрочиларнинг ўзлари эканликларини, рақсда эса бундай уйғунлик йўқлигини таъкидлайди.

Таъкидлаш жоизки, ижтимоий-маънавий ҳаётда ўйин деганда, одатий болаларнинг кўнгил очар ўйинларини ҳам, ишқий саргузаштларини-ю ва дам олишни ҳам, таваккал кўринган фаолликни ҳам тушунишга ўрганиб қолганмиз.

Бироқ турмушдаги барча хатти-ҳаракатларни шаклан «ўйин» деб белгилаш мантиққа тўғри келмайди. Фалсафий рефлексия доирасида мулоҳаза юритадиган бўлсак, ўйин ижтимоий турмушимизнинг мустақил воситаси сифатида ўз онтологиясига (яъни, экзистенциал борлигига) эга категория, деб ҳисоблаш мумкин.

Ўйин онтологиясини таҳлил этганда, албатта, унинг объектив кўринишларини баён этиш ўринлидир. Бунда ўйин феноменининг унга нисбатан билдирилган ғоя ёки тасаввурга боғлиқ бўлмаган ҳолда объектив белги, хислат ва функцияларга эга феномен эканлиги назарда тутилади.

Ўйиннинг психологик ва этник ёндашуви асосида қилинган таҳлилга кўра, у инсон ҳаётининг энг соф ва бахтли лаҳзаларини билдиради. Ўйнаётган кишининг руҳи ижтимоий фаолиятнинг биқик шароитларидан ҳимояланган ва руҳан эркин бўлиб, бу эркинлик у ўйнаётган ўйинда намоён бўлади.³⁵ Бошқа фаолиятда ўйин элементларининг мавжудлиги уни бойитади, фаоллик ўйинга хос бўлган соф инсоний ҳиссиёт билан суғорилади. Бундан келиб чиқадики, ўйиннинг ўзи руҳнинг намоён бўлиши, унинг вужудга келишига шароит яратиб берувчи ҳаётий ходисадир. Шу сабабли, ўйин содда шакллардан тортиб, то мураккаб кўринишлар, типлар ва модусларга бўлиниб кетади, уларнинг барчаси биргина «ўйин» сўзи билан ифодаланади.

³⁴ Сафаров О. Ўзбек халқ болалар ўйинлари. – Т. “Шарқ”, 2013.-3 б.

³⁵ Қаранг: Григорьев С.В. Самовыражение и развитие личности в игре: Автореф. канд...дис.-М., 1991.-35с.

Ижтимоий ҳаётда ўйин ўзининг турли кўриниш ва модусларига эга бўлиб, улар ҳар хил талқинларида изоҳланади. Хусусан:

- сўз ўйини – маъноси ҳар хил сўзларнинг талаффузида бир хиллигига асосланган ҳазил;

- тақдир ўйини деганда ҳаётда кутилмаган ҳодисаларга дуч келиш тушунилади;

- тасаввур ўйини - хаёл ва фантазия комбинациялари маҳсулидан иборат;

- ўйнаш - хурсандчилик қилиш, ўйин қулгига берилиш, завқланиш ҳисси ва ҳоказо.

Ўйин фаолиятига концептуал чизгилар

Биз ушбу тадқиқотимиз жараёнида ўйинни 3-та турдаги концепцияларда фарқлаш кераклигига эътибор бердик. Шунга мувофиқ, ўйин ҳақидаги қарашларни культурологик, эпистемологик, фалсафий концепцияларга ажратиш мумкин.

Культурологик концепцияда ўйин соф маданиятшуносликка оид феномен сифатида кўриб ўтилади, яъники, ижтимоий ҳаёт жараёнида ўйин ворислик механизмини ташкил этиб бориши назарда тутилади. Авлоддан авлодга ўтиб келаётган анъана ва қадриятлар, урф одатлар ўйинда мужассамланади, улардаги давомийлик узвийликка айланиб бораверади. Йозеф Хейзинганинг фикрича, маданият ўйин шаклида вужудга келади.³⁶ Архаик жамиятларда, ҳатто, ов қилиш орқали ноўйинли эҳтиёжни қондириш ўйин (ўлжа мақсадида, ҳамла қилиш) шаклида амалга оширилган. Турли ўйинларда жамият ҳаёт ва олами қандай тушунаётгани ифодалаган.

Эпистемологик ёндашувда фаннинг парадигмал ядроси бўлган назариянинг структураси ва функциясига, назарий билиш унсурларининг илмий рационаллик

³⁶ Хейзинга Й. Homo ludens. Опыт определения игрового элемента культуры.- М.1992. гл.2.-С.14.

нормаларига мослигига, ўйин назарияси бўлган тақдирда ўйиннинг назарий моделлари, уларнинг адекватлиги, ўйин моделлари ва реаллик нисбати масалаларига кўпроқ эътибор берилади. Фан ва технологияларда татбиқ этилаётган тушунчалар ёки моделларнинг эпистемологик талқини, уларнинг назарий-методологик мақоми ҳам алоҳида муаммо ҳисобланади. Математик олим Мартин Шубик шундай мисол келтиради. Компьютерда ишлаб чиқилган ҳарбий самолётларнинг осмон жанги ўйини моделини қандай белгилаш мумкин? Муҳандислар – модель, бошқалари ўйин машқи, учинчилари эса ўйин назарияси деб қайд қилишлари мумкин.³⁷ Бундай муаммоли вазиятда эпистемологик тадқиқот М.Шубик эътибор берган масалага аниқлик киритиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, ўйиннинг эпистемологик муаммолари дастлаб математикада (ютуқлар эҳтимоллиги ва статистикасини ўрганиш жараёнида) пайдо бўлди, кейинчалик ўйинлар назарияси математиканинг йирик, кенг миқёсда татбиқ этиш соҳасига эга бўлган йўналишга айланди. Педагогика ва психология, иқтисодиётда унинг ижтимоий борлиқ ва инсон ҳаётида ифодаланиш белгилари, хусусиятлари алоҳида кўриб ўтилади.

Фалсафий концепцияга мувофиқ ўйиннинг онтологик, гносеологик жиҳатлари, унинг умумметодологик функциялари, ташкилланиш механизмлари, онг ва тафаккурга таъсири, унинг инсонга нисбатан турли экзистенциал хислатларининг намоён бўлиши, шахсиятли, ижтимоий, маънавий томонлари, ўйиннинг ижтимоийлашувидан келиб чиққан этик ва эстетик хусусиятлар эътироф этилади.

³⁷ Ш у б и к М. Гейминг и теория игр//Математика сегодня. -М.,1974. - с.50.

2. ЎЙИН МОҲИЯТИНИ ТУШУНИШДА АСОСИЙ ЁНДАШУВЛАР

Фалсафий фикрлар ва фан тараққитида ўйин феноменини тушунишнинг турли хил йўналишлари, қаршлар шаклланган. Ўйинга бундай хилма хил қарашларнинг шаклланиши бир жиҳатдан ушбу тушунчанинг қадимдан то ҳозирги пайтгача инсониятнинг ажралмас машғулотли эканлиги билан, инсон тафаккури ва ижтимоий функцияларни ўзлаштиришдаги аҳамияти билан ҳам боғлиқ.

Ўйин феномени хусусида фалсафий ва илмий-назарий қарашлар

Гносеологик нуқтаи назарда туриб ёндашганда ўйин жараёнини ташкил этадиган томонлар – бу, албатта, субъект, объект ва жараённи ташкил этадиган муҳитдир. Ўйин инсонлар орасидаги муносабатнинг шундай шаклики, унда кишилар муносабатнинг ўзи учун алоқага киришади, айтиш мумкинки, муносабат санъат даражасига кўтарилади. Ҳаттоки ўйновчи ўйин жараёнидан шунчаки лаззатланиш учун эмас, балки рақибини енгиш учун ҳаракат қилаётган пайтида ҳам, унинг хатти-ҳаракати муносабат, ўйинга хос мулоқот доирасида қолади.

Ўйин тушунчасини ажратиб олиш учун, биринчи навбатда, унинг мавжуд белгиларини алоҳида кўриб чиқиш лозим булади. Чунки унинг мавжудлик белгиларисиз бу тушунча бир бутун бўла олмайди. Кўпгина тадқиқотчилар ўйин ўз-ўзидан тушунарли ва аниқ ҳодиса деган фикрда бўлишади. Бошқа бир гуруҳ тадқиқотчилар, ўйиннинг юзаки намоён бўладиган хислатлари ёки аксинча, умумий белгилар орқали ўрганиш билан чекланишади. Учинчи гуруҳ тадқиқотчилар эса, ўйинни айнан нима ўйин қилиб турганлигини аниқлаш ечими мушкул муаммо, деб таъкидлашади.

Инсоннинг кўп қиррали фаолияти ва ўйин феномени ўртасидаги муносабатни изоҳловчи файласуфлар орасида ХХ асрда яшаб ижод этган, биз юқорида тилга олган нидерландиялик тарихнавис ва маданиятшунос олим Й.Хейзинга алоҳида ўрин тутади. У ўзининг «Homo Iudens» («Ўйновчи одам») асарида инсоннинг ҳаёт фаолиятини ўйин орқали кўриб чиқишга ҳаракат қилган. Ушбу асарида у ўйиннинг борлиғи, ўйин феномени, инсоният цивилизациясида тутган универсал аҳамиятини кўрсатиб беришга ҳаракат қилган³⁸. Йохан Хейзинга ўйин тушунчаси моҳиятини конкретлаштириб, уни фалсафий- культурологик таҳлил предмети сифатида ўрганишга ҳаракат қилади. Ўйин ушбу олим қарашларида инсон, жамият ва маданият ўртасидаги мулоқотни ривожлантиришга йўналтирилган ижтимоий-маданий ҳаёт ҳодисаси сифатида қаралади³⁹. «Ўйин» тушунчаси, бирданига тўлиқ ҳажмда олинган тақдирда ҳам ниҳоятда кўп, хилма-хил белгилар, қисмлар, турлар ва кўринишларни ўз ичига олади. Бу улкан доирага, замонавий ёндашувга кўра, ҳамма нарса киради, бу болаларнинг «аскарча» ўйинидан тортиб, то театр сахнасида ҳаётни ўйнаётган қаҳрамонгача, қувлашмачокдан скрипкачининг санъатигача ва ҳоказо.

Ўйинни тадқиқ қилишнинг маълум объектив муаммолари, қийинчиликлари ҳам бор. Ўйин шундай қисмлардан ташкил топганки, ундан турли шакл ва мазмунларни келтириб чиқариш мумкин, уларнинг қайси бирлари унинг онтологик ёки экзистенциал (мавжудлик) моҳиятини ташкил қилиши турли ечим вариантларига эга бўлган фалсафий масаладир. Й. Хейзенга «Homo Iudens» номли мумтоз асарида ўйиннинг қуйидаги белгиларини кўрсатиб ўтади:

³⁸ . Хейзинга Й. Homo ludens. В тени завтрашнего дня / Пер. с англ. -М.: «Прогресс», «Прогресс-Академия», 1992.-464 с.

³⁹ Хейзинга.Й. Уша асар.-.....

Ўйиннинг ихтиёрийлиги: Ўйин бу принцип, вазифа ёки бурч эмас. Ўйин бу эркинликнинг намоён бўлиши ва эркинликнинг ўзидир. Ўйин, қатъий сабабият занжири орқали боғланган воқеа - ҳодисалар оламида антракт вазифасини ўтайди. У мавжуд олам ичра «ўзга олам»дир. Ўйин ўйновчи мазкур жараёнда жамият томонидан белгиланган бир қатор ижтимоий шартлар ва талаблардан озод бўлади. Ўйин ўйновчи томонларни тенг имкониятли қилиб қўяди. Фаолият мақсади ва интилиш предмети ўзгаргандан кейин ўйновчи томонлар ўртасидаги муносабат ҳам ўзгаради. Ўйин ўйин вақти ва майдони доирасида, ўзаро тенглик ва эркин ҳаракат жабҳасида амалга ошади. Ўйин ўзига хос шаклий ва структуравий қобикқа эга бўлиб, у орқали ўйинга таълуқли бўлмаган оламдан ажратилган. Кўрсатилган хислатлар ўйиннинг онтологик ва экзистенциал хислатларини билдиради.

Ўйиннинг яна бир хислати қайд этилганлик ва такрорланувчанлик. Ўйинда бажарилиши лозим бўлган қоидалар ва регламентлар тизими мавжуд. Қоидалар ўйин тартибини жорий этади. Ўйин қоидаларини қайд этиш жараёнида ўйин қайта-қайта такрорланиши мумкин.

Ўйиннинг нафосати: Ўйин, ўз қоидаларини яратар экан, ундаги жараён ва унсурлар ўртасида ўзаро таъсирлар, мутаносибликлар вужудга келиши боис, унда гўзалликка мойиллик пайдо бўлади, нафосат намоён бўлади.

Жалб этувчанлик ва ўзига тортиш: Ўйин ўзига жалб этиш ва тортиш хусусиятига эга. Унда қисман манфаат деган нарса йўқ, балки инсоннинг барча сифатлари ва қобилиятлари билан бирга қамраб олинади. Муносабатлар ниҳоятда яқин ва мустаҳкам бўлади. Ўйин натижасида, унинг якунига кўра ўзаро гуруҳий бирлашмалар вужудга келади.⁴⁰

⁴⁰ Хейзинга Й. Человек играющий /Й. Хейзинга.-М.: Наука, 1992.; Хейзинга И. Homo Ludens. -М.: Прогресс Традиция, 1997. -416 с.

Юқорида келтирилган ўйин белгиларининг таснифида унинг **анъанавий, культурологик, ритуал** хусусиятлари нуктаи назардан кўриб чиқилгани маълум бўлади. Бирок, бизнингча, ўйиннинг асосий ва муҳим белгиси кўзда тутилган натижага (мақсад, ютуқ) эришиш жараёни ва ундан ҳосил бўладиган завқ ва қониқиш ҳисси эканлигини изоҳлаш учун бу етарли эмас. Чунки ўйин инсоннинг бирламчи руҳий атрибутив фаолиятининг намунаси дир.

Лекин шундай бўлса-да, Й.Хейзингани «ўйин»ни турмушнинг бошқа воқеаларидан ажралиб турувчи онтологик чегарасини тасвирлаш, умумий ва хусусийлик жиҳатларининг тузилиши, экзистенциал (ҳаётий, мавжудлик) структураси, табиатидаги моҳиятни тушунтириб беришга, шунингдек ўйинлар фалсафаси мазмун-моҳияти ҳақида мунозарали тасаввурлар ва ғояларни илгари сурган тарихчи, файласуф олим эканлигини эътироф этиш ўринли бўлади. Й.Хейзинганинг ижодида ўйин фалсафаси хусусида мулоҳаза юритилар экан, унда онтологик меъёрлар - «ўйин»нинг асосий қурилмаларини изоҳлаб беришга ҳаракат қилганлигининг гувоҳи бўламиз. Олим ўйин мотивациясини ташқи хусусиятларидан келиб чиқиб ҳамда ўйин амалиётидан олинган хулосаларга таянган ҳолда ўйин табиатида нима ётади, деган муаммоли саволга эмпирик жавоб беришга интилади. Аммо Й.Хейзинга «ўйин» тушунчасини умумназарий маъно-мазмун жиҳатдан тузилишини, қурилмаларини тўлиғича, албатта онтологик асослардан келиб чиққан ҳолда, бир-бутун назарий тасвирини беришга муваффақ бўла олмаган.

Хейзинга ўйиннинг асосий белгиларни кўрсатиш билан бирга, унга оид атрибутив хусусийлик белгиларини таъкид этувчи сифатларни таҳлил қилмагани боис, чуқур фалсафий таҳлилга асосланмаган жузъий фикрларни билдирди, «ўйин»нинг бир қатор бошқа экзистенциал белгиларини кўрсатиш диққат-эътиборидан четда қолди.

Оқибатда, Й.Хейзинганинг фикрича, ўйин тушунчасида одат, маросим, эҳтиром, байрам, ниқоб байрамлари, турли

хил устомонлик, спорт мусобақалари ва бошқа сифатларгина изоҳланади, шу ғоя қайта-қайта таъкид этилади.

Олимнинг концепциясида маданиятнинг барча шакллари «ўйин»дан келиб чиққанлиги эътироф этилади. Маълум маънода Й.Хейзинга ҳақ, чунки урф-одат, байрамларда «ўйин» унсурларини такрорловчи жиҳатлар ҳам бор. Аммо фалсафий ёндашув меъёрларидан келиб чиқиб олимнинг «ўйин» тушунчасига берган талқинини таҳлил қиладиган бўлсак, айрим етарли асосланмаган фикрлар кўзга ташланади. Й.Хейзингани ўйинга нисбатан берган таърифларини шартли равишда метаназарий маданиятшунослик принциплари асосида тушунтириб берган, деб эътироф этиш мумкин. Лекин ўйин тушунчасига нисбатан берилган изоҳлар уни ҳосил қилувчи маъноларга боғлиқ равишда талқин этилмайди, манба асосида кўрилмайди, балким ҳис-туйғулар тажрибаси билан пайқаладиган ҳодиса сифатида эмпирик ҳолатлар ва шартлардан келиб чиқиб тушунтирилади. Оқибатда, ўйин категорияси ташқи белгиларига таянган ҳолда таҳлил қилинади, уни талқин қилишда бир ёқламалик ҳосил бўлади.

Албатта, «ўйин»ни ташқи аломатларига кўра мустақил фалсафий тушунча сифатида асослаш мумкин. Бизнингча, «ўйин» ижтимоий турмушимизда мустақил фаолият мақомига эга бўлиб, у зарурият қобиғидан узоқлашмаган, эҳтиёжлар фаоллиги билан суғорилган ҳолатда бўлади.

Ўйин ўз субъекти ва объектидаги ҳолатига кўра манфаатсизлик, фойдасизлик жиҳатини касб этадиган хусусиятларга ҳам эга. У ўз замон ва маконида ўйинқароқлар дунёсига хос ташвиш, алоқалардан холисдир. Унинг ўзига тегишли қоидалари, тартиблари шаклланган. Ўйиннинг ўз туркумлари бўлиб, тизимланган хислатга эга, унга барча ўйин унсурлари бўйсунди, агар бу тизимда унинг қоидаларига зид ҳаракат учраб қолса, ушбу унсур ўйин тизимидан чиқарилиб ташланади.

Демак, ўйин ўз тизими, қоидалари ва унсурларига эга бўлган фаолиятдир. Хўш ўйин фаолиятини ҳар қандай эркин

шаклига ўйин деб атай оламизми? Ҳар қандай ўйин турида манфаатсизлик омиллари учрайдими? Ўйин бу ортиқча, кераксиз фаолиятми? Жамият турмушида унинг қандай ўрни бор? Зарур бўлса инсонгами? Қандай инсонга? Балким инсонда жисмоний тан мавжуд бўлгани учун «ўйин» керак эмасдир, башарият фарзанди бўлганлиги учун зарурдир. Бундай фалсафий рефлексияга муҳтож саволларни кўплаб келтириш мумкин.

Шу ўринда айтиш лозимки, ўйиндаги ҳар бир фаолият шунчаки овунчоқ ва айна вақтда, жиддий амалиётни ҳам ўзида акс эттириши мумкин. Ҳарбий ўйинлар (масалан, танк биаталони) жиддий амалиётни билдирадиган фаолият.

Ўйинда жиддий фаолият тури ёки нождий фаолият тури хусусида баҳс юритиш бир ёқламаликка асосланган талқинларни келтириб чиқариши мумкин, холос. Метафалсафий рефлексия ёндашувига таянган ҳолда ўйиннинг экзистенциал мазмун-моҳиятини акс эттирадиган ўйинлар онтологиясини тузиш мумкин. Бундай ёндашувнинг дастлабки таъкидига кўра, жамиятда инсоннинг турмуш ва фикрлаш тарзи, антропологияси қандай бўлса, ўйиннинг ҳам худди шундай ўз тарзи, тузилиши, ижтимоий ва индивидуал мезон-меъёрлари мавжуд.

Дарҳақиқат, ўйиннинг ўз замон ва макони, ўз қурилмаси, ўз архитектураси, ўз дунёси мавжуд бўлиб, бу мавжудлик фалсафа фанида ўз онтологик таҳлилига эҳтиёж сезади.

Фалсафада герменевтика йўналишининг намоёндаларидан бири бўлган Гадамер сўзни борлиққа айлантиради ва сўзни ўйин деб олади⁴¹. Ана шу ўйинда ҳам асосни кўради, ҳам билиш моҳиятини аниқлайди, ҳам тарихни тушунишни ифодалайди. Унинг фикрича, бу қандай ўйин? Унинг субъектлари кимлар? Гадамер дастлаб бу

⁴¹ Янги ва энг янги давр Ғарбий Европа фалсафаси (XVII-XX асрлар): олий ўқув юртлараро фалсафа ва ижтимоий-сиёсий фанлар факультетлари талабалари учун ўқув кўлланма /С.Йўлдошев, М.Усмонов, Р.Каримов ва бошқ. Масъул муҳаррир А.Бегматов. -Т.: Шарқ, 2002.-336 б.

тушунчани субъективликдан халос қилишга уринади. Унинг фикрича, ўйин санъат асари сифатида ижодкорнинг ҳолати ҳамда унинг руҳий тузилишига боғлиқ эмас, уни субъектив эркинлигини акс эттирмайди, аксинча, санъат асарининг борлиғига боғлиқдир. Яъни, Гадамер назарида, ўйин, ўйналувчи ва ўйновчилар орқали намоён бўлмайди, балки ўйин ўйновчилар орқали ўз намоёишини топади. Ўйиннинг ўзи ўйнайди, ўзига ўйин иштирокчиларини жалб қилади, деб таъкидлайди Гадамер. Ана шу мулоҳазаларни Гадамер тарихни билиш жараёнига ҳам татбиқ қилади. У тарихни ҳақиқий тушуниш гўзалликни эстетик мушоҳада этишга ўхшайди, дея изоҳлайди. Айнан ўйинда ҳеч қандай манфаатсиз эстетик ҳузурланиш ҳамда натижада билиш ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам, Гадамер бизнинг тушунчамиз қанчалик ўйинга яқин бўлса, шунча у ҳақиқатдир, деб ҳисоблайди. Ўйин моҳиятини конкретлаштириб, у «герменевтик доира» тушунчасига мурожаат қилади.

Файласуф берган талқинга кўра, герменевтик доира анъана (олдин яратилган қадрият, матн, маънавий мерос) ва шарҳловчи ўртасидаги мулоқотни ифодалашга қаратилган шаклдир. Бундай мулоқот давомида тил ўйини содир бўлади. Тил ўйини жараёнида эса янги маънолар ҳосил бўлади. Демак, ҳар қандай тушуниш (герменевтик маънода) анъана билан шарҳловчи ўртасида пайдо бўладиган тил ўйинининг ҳосиласидир. Шундай қилиб, Гадамер герменевтика фалсафасига ўйин тушунчасини киритади, унинг онтологик мазмунини очиб беришга ҳаракат қилади.

Замонавий фалсафада ўйиннинг экзистенциал борлиғи ва онтологиясини талқин қилиш тадқиқотчиларни қизиқтириб келаётган муаммо бўлиб турибди. Буни қуйидаги мулоҳазаларда кўриш мумкин:

Ўйин шундай маданий тузилишга эгаки, унинг ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатларини тадқиқ этгандан кейингина унинг экзистенциал, яъни конкрет ҳаётий борлиғи ва онтологик мазмун- моҳиятини тушуниб олиш имконияти пайдо бўлади.

Ижтимоий ҳаётимизда спорт ҳордик чиқариш, кўнгилхушликлар қайси бир иштирокчи учун ўйиндир, бошқаси учун фаолият туридир ёки ким учундир бўшлиқдир. У ўйин билан машғул бўлувчининг ақл-идроки ва ички кечинмаларини ўзида муҷассам этади.

Қизиғи шундаки, ўйинни қўл билан кўрсатиб ёки эмпирик материаллар воситасида тасвирлаб бўлмайди. Мана бу ўйин, мана бу ўйин эмас, деб айтиб ҳам бўлмайди. Демак, ўйин ўйинчининг ақл тафаккури ва ички ҳис-туйғулари билан ҳис қилиниши мумкин. Ҳатто, ўйинчи парвоз, эҳтиросни ҳис қилса-да, бу фақат ўйиннинг эмоционал қобиғини ташкил этади, ўйиннинг ташкил этувчиси бўла олмайди.

Ўйин, ўйин бўлмаган фаолиятдан ташқи тузилишига кўра эмас, моҳиятига кўра фарқ қилади. У институтчионал тарзда эмас, ўз-ўзини ташкил қилувчи синергетик феномен тарзида мавжуд. Аниқроқ қилиб айтганда, ўйинда культуругенез, яъни янгидан-янги маданий-маънавий оламларни яратиш социогенездан кучлироқдир. Бу икки жараён ўртасида асосий фарқ шундаки, ўйин оламида социогенезда бўлиб турадиган (масалан, ижтимоий ёки иктисодий қарамлик) четлашиш ва бегоналашиш эффекти йўқ. Ўйинда эса ўйинчи ўзининг ўйнаётганини ва айни пайтда, ўзида ўзининг икки олам устида турганини билади, англаши мумкин.

Агар биз ўйиннинг онтологик мазмун-маъно доирасига чуқурроқ кириб борсак, уни оддий олам эмас, балки доимий ҳаракатда, амалиётда бўлган, янги оламларни, борлиқнинг янги уфқларини туғдирувчи ҳаётий экзистенциал борлиқ эканлигини кўришимиз мумкин. Ўйин олами бу борлиқнинг янги шакли, қайд қилганимиздек, лойиҳасидир. Ўйин оламини ноўйин оламидан нарсалар олами доирасида эмас, балки тафаккур олами доирасида, ташқи белгилар билан эмас, ички ҳиссий-эмоционал ва интеллектуал жараёнлар билан фарқ қилинади. Ўйин ва ўйин эмасга, реал олам ва фантазиялар дунёсига ажратишнинг ўзи ҳам ўйинни

эслатадиган, Гадамер таъкидлаганидек, маънолар ўйинидир. Бундан ташқари, ўйин бу оддий реаллик эмас, балки улкан инсоний, универсал, маданий-маънавий реалликдир. Ўйин ўз мимикасини ўзгартиради, турли ранг ва тусга киради, айёрлик қилиши ҳам мумкин. Шу сабабли ҳам, табиат ўйнамайди, балки ўйиннинг ўзи инсон тафаккури билан ўйнайди.

Онгимизда ўйин образи, намунаси ҳам бор. Шу сабабли, бизга бутун дунё ўйнаётгандек туюлади. Биз баъзи белгиларни кузатиб туриб унга ўйин деб баҳо берамиз. Бу худди инсонни «икки оёқлаб юрувчи мавжудот» деб баҳолаш билан тенг. Яъни унинг ижтимоий маданий жиҳатларини ҳисобга олмасдан баҳо бериш шу каби талқинга олиб келади.

Ўйин феноменини колейдоскопи - инсон турмушининг мазмунини бойитади. Инсоният генезиси жараёнида инсоний сифатларга ўйин ҳаётбахшлилик касб этади. Ўйинни мукаммаллашиб боришининг асосий сабаб ва оқибати - турмушнинг мукаммаллашиб боришидир, озод ва мустақил фаолиятнинг мавжудлигидаги ҳаётий жозибалик, мулоқот ва муносабатларни хилма-хиллигидир.

Ўйин - инсон борлигининг экзистенциал намоишидир. Қайсики усиз инсон онтологиясини ҳам антропологиясини ҳам қуриб бўлмайди. Усиз инсон ҳақидаги билимлар ҳам тўқис бўлмайди. Шу билан бирга, биз бутун маданиятни ва унинг шакллари ўйиннинг феномени деб дейишдан йироқмиз. Ўйин санъат, ритуал олам, спорт, дин билан тенг эмас. Ўйин ўз-ўзича тушунилиши, муҳими, ҳаётнинг қайсидир шаклига кўчириб, у билан таққосламаслик керак. Ўйин ўзининг хилма-хиллиги ва чексиз истиқболи туфайли оламни ҳам горизантал, ҳам вертикал йўналишда қамраб олади, шу сабабли ҳам айрим тадқиқотчилар онгида бутун оламни ўйин сифатида тасвирловчи иллюзия пайдо бўлади. Ўйиннинг субъекти ўйновчи эмас, балки ўйиннинг ўзидир. Гадамер шундай деган «Ўйиннинг таровати, сеҳри бор. Инсон таваккалчилик қилаётганда шундай бўлиши

мумкинки, ўйин уни ўйин қилиши мумкин. Ўйин иккиюзлидир»⁴².

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак, биринчидан, ўйин - инсон ўзлигининг намоён бўлиши, унинг такомиллашув усулидир.

Иккинчидан, ўйин кўп маъноли хислатга эга тушунча бўлиб, ўйин ғоясининг фалсафий рефлексиясини амалга ошириш орқали унинг етарли ўрганилмаган онтологик, гносеологик, эпистемологик томонларини очиш мумкин бўлади.

Учинчидан, ўйин тушунчасининг туб моҳиятига кириб борган сари унинг замирида кенг маънодаги ижтимоий, маънавий, интеллектуал, психологик, эмоционал ва функционал мазмун-маънолар мавжудлиги англанади.

Ўйин - ижтимоий тизим сифатида ва у хусусида ҳозирги замон концепциялар

Ўйин бу маълум бир структурага эга бўлган фаоллик бўлиб, унда турли функциялар ва хислатлар намоён бўлади. Кўпгина, адабиётларда ўйин тушунчасига берилган таърифларда «маҳсулсиз» фаолият сифатида талқин қилинади⁴³. Бундай талқинда ўйиннинг кўп функцияли ҳодиса эканлиги, унинг инновацион имкониятлари ҳисобга олинмаган.

Биз мулоҳазаларимизда ўйиннинг қуйидаги ишчи таърифига таянамиз: ўйин - бу маълум бир мақсадга қаратилган, ўз қонун-қоидаларига эга бўлган ҳамда кишига маънавий ва моддий озуқа берадиган маҳсулдор фаолиятнинг бир кўринишидир.

Инсон руҳиятининг ажралмас қисмини ташкил этган ўйинга мойиллик унга виртуал шаклда “ёзилган” хислат дейиш ҳам мумкин. Мазкур мойиллик унинг ҳаётининг

⁴² Гадамер Г.Г. Актуальность прекрасного. -М., 1991. –С-325.

⁴³Қаранг.: Игра// Большой энциклопедический словарь. -М.: 1998. – с.434.

дастлабки кунлари ва ҳафталариданок шаклланиб, ривожланиб боради. Болани шахс бўлиб шаклланишида турли овунтирувчи, жалб қилувчи, чалгитувчи, кейинчалик бола 2-3 ёшга тўлганида, тўплашни, йиғишни, қуришни ўргатувчи ўйинлар болага илк ҳаётий билимларни беради. Ундан сўнг нутқ шакллана боради.

Тил ўйин фаолиятининг актив шаклларида биридир. Тил ва сўз билан боғлиқ ўйинлар жараёнида инсон ҳаётида ишонч, севги, ирода, каби туйғулар шаклланади. Тил ва сўз ўйинларининг бошқа ўйинлар билан ўхшаш, умумий бўлган бешта белгисини кўрсатиб ўтиш мумкин.

- биринчидан, камида иккита ўйинга киришувчи субъектларнинг мавжуд бўлиши; яъни битта субъектнинг ўзи ўйинни ташкил этолмайди;

- иккинчидан, исталган учинчи киши, агар у ўйнаётган икки кишига яқин масофада бўлса, сўзларни эшитиб, хатти-ҳаракатларни кузатаётган бўлса, ўйин иштирокчисига айланиши мумкин;

- учинчидан, ўйиннинг материали бўлиб хизмат қилувчи, яъни унинг атрофида ўйин фаолиятини ривожланувчи бирор бир нарса бўлиши шарт;

- тўртинчидан, ўйиннинг ҳар бир иштирокчиси шу ўйиннинг қонун-қоидалари доирасида ўйнаши лозим;

- бешинчидан, ўйиннинг ҳар бир иштирокчиси, ўзича, ўзининг шахсий, субъектив хислатлари дунёқарашидан келиб чиқиб ўйнайди. Албатта, бу хатти-ҳаракатларни ўйиннинг умумий қоидалари ва талаблари доирасида амалга оширади. Ўйиннинг муҳим хусусияти шундаки, унда табиийлик сифати бўлиб, бу жиҳат, айниқса, болалар ўйинида яққол сезилади, зеро, улар унда ўзидаги кўплаб табиий эҳтиёжларни қондиришга ҳаракат қилади. Шунинг учун бўлса керак, маълум тараққиёт босқичида болалар тинимсиз ўйнайдилар, ундан чарчамайдилар ва ҳеч қачон улар ўз шеригига маънавий зиён етказмайди. Бу нарсалар ўйиннинг шундай кирраси билан боғлиқки, унда ҳаёл, ҳиссиёт жараёнлари яққол мантиқий тафаккурдан устун келади. Ўйин жараёнида

боланинг психик билиш жараёни, иродаси, ҳиссиёти, эҳтиёжи ва қизиқишлари, таъсирчанлиги – унинг бутун шахсияти шаклланади.

Ўйин нафақат болалар, балки катталар фаолиятига ҳам хос феномендир. Болалар ва катталар ўйинларида қатор умумийликлар мавжуд; яъни, биринчидан, иккаласида ҳам роллар импорвизация қилинади, бошқача қилиб айтганда, ҳаётда бор бўлган у ёки бу ҳаракатлар, хулқ - атвор шакллари қайтарилади.

Иккинчидан, ўйин фаолиятидаги вазиятлар иккала ҳолда ҳам шартлидир. Яъни, бундай фаолиятнинг шартли томони шундан иборатки, ўйин иштирокчилари ҳаракатлар жараёнида ўйин ёки ўйинда роль ижро этаётганларини англайдилар.

Учинчидан, ўйинда меҳнат ёки бошқа турдаги ижтимоий фаолиятнинг энг муҳим томонлари экзистенциал ўйновчи модель сифатида қайта тикланади.

Тўртинчидан, ўйиндаги табиийлик, ҳиссийлик - эмоционал жиҳатларининг борлиги катталар ва болалар ўйинларига хос бўлган умумий жиҳатлардир.

Ижтимоий - психологик аҳамиятга эга бўлган катталар ўйини эса, асосан, иккита вазифани бажаради;

- маълум ижтимоий билимларни эгаллаш;
- зарур ижтимоий кўрсатмаларни (установкаларни) шакллантириш;

Лекин бундай ўйинларнинг болалар табиий ўйинидан фарқли жиҳатлари ҳам бор;

а) болалар ўйинларида ижтимоий роль ўзлаштирилса, катталарникида бу жиҳат янада мустаҳкамланади, такомиллашади; масалан, болаларнинг «меҳмон-меҳмон» ўйинларида меҳмон ва мезбон ҳаракатларига хос бўлган асосий белгилар, ўхшашмалар ўзлаштирилиб, тақлид асосида кўникмалар ҳосил қилинса, катталар шунга ўхшаш «ўйинларда» (масалан, халқаро фестивал қатнашчилари билан мулоқот қилиш сценарийсини волонтерлар, ёрдамчилар томонидан репетиция қилиниши, сценарийда

белгиланган ролни ўйнаш) муомаланинг мукамал ва чиройли жиҳатларини мустаҳкамлаб, давр маданиятига хос хулқ-атвор, мулоқот маданияти ва хатти - ҳаракатларни шакллантирадилар;

б) болалар ўйинларидаги роллар ҳаётий вазиятларни образли умумлаштирган ҳолда, умумий тасаввурлар воситасида қайтарилса, катталарда бу нарса аниқ мақсадга қаратилган ҳолатлар, вазиятлар ва яққол белгиланган роллар воситасида амалга оширилади;

в) болалар ўйинлари маълум маънода стихияли жараён бўлса (“болалар, келинлар, бекинмачоқ ўйнаймиз!”), катталар ўйинида (масалан, кўпқари, ўзбекча кураш ўйинлари) ҳаётий қоидалар, нормалар, меъёрлар атайлаб ташкил қилинади ва унга махсус назоратчилар, мураббийлар кузатадилар, раҳбарлик қиладилар.

г) болалар табиий равишда ўзлари кираётган ролни ҳиссий бошдан кечириб ўйнасалар, катталар кўпроқ у ёки бу ролга ўзини идентификация қилиб, сунъий равишда кирадилар, вазиятни сунъийлигини, ташкил этилганлигини англайдилар, натижа ёки ютуқнинг эҳтимолли қийматларини белгилашга ҳаракат қиладилар;

д) катталар ўйинининг сифати ва самарадорлиги ўйновчининг ҳаётий кузатишлари ва шахсий тажрибасига, ўтказилган машқларнинг самарадорлигига бевосита боғлиқ бўлади, бу ўринда онглилик, ташаббускорлик ва эрудиция, интеллектуал теранлик каби сифатлар, уларнинг комбинацияси муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Ўйинлар тадқиқот объекти сифатида психологларни ҳар доим қизиқтириб келган, чунки ўйин инсоннинг чуқур ва ғаройиб томонларини кўрсатади. Ўйинларга йирик бизнесменлар ҳам бефарқ эмаслар: уларнинг расмий ўйинлари ўз ишларида муваффақият қозонишларига замин тайёрлайди, тадбиркорлик ўйинлари эса бизнеснинг мўмай даромад келтириш манбаи сифатида қаралади. Математиклар ҳам ўйинда нафақат кўнгил очишни, балки мураккаб моделлар, умумлашмалар ва назариялар яратиш учун

унумдор захирани кўришади. Шу ўринда аргентиналик машҳур адиб Хулио Кортасарнинг испан олими Энрике Гонсалес Бермех билан бўлган суҳбатида қолдирган эсдаликларини келтирмоқчимиз. У ўйин тушунчасига шундай изоҳ беради: «Болалар ўйинини мен гўдакларга хос бехуда машғулот эмас, балки ўз ҳолича муҳим ва ўз қимматига эга бўлган ҳамда ўйновчига ўзини бутунлай намоён этишга имкон берадиган ўта жиддий фаолият деб ҳисоблайман. Шу маънода, сиз айтгандек, адабиёт – мен учун ўйин соҳаси бўлиб келгани тўғри. Соатлаб юк машинаси ёки кўтарма кран бўлакларини йиғиб ўйнаб ўтирган боланинг машғулоти (шу яратувчилик билан боғлиқ қониқиш ҳиссини назарда тутяпман) адабиёт соҳасидаги «йиғув» жараёнидан кўп фарқланмайди. Адабиёт, назаримда, энг жиддий ўйинга ўхшайди. Агар биз барча ўйинларни энг оддийларидан бошлаб, уларнинг қимматига кўра поғоналарга қўйиб чиқсак, адабиёт, музыка ва умуман, санъат энг юксак, ақл-идрокни гангитиб кўядиган (ижобий маънода) даражадаги юксакликдан жой олган бўлур эди»⁴⁴. Ўйиннинг ўзига хос фаолият эканлигини бошқа тадқиқотчилар ҳам таъкидлаганлар⁴⁵. Шу тариқа, бадииятда ўйин мавзуси ўзига хос мустақкам образда эътироф этилади. Ўйнаётган кишининг эҳтироси, инсониятнинг кучли изтиробларидан бири ва руҳий борлигининг намоён бўлиши сифатида талқин қилинади. Ўйинни тасвирловчи шундай ажойиб адабиёт дурдоналари борки, улар ҳанузгача инсоният тафаккурининг хазинаси бўлиб келмоқда⁴⁶. Ёзувчилар қаҳрамон ёки персонажни турли виртуал вазиятларга қўйиб, шу вазиятлардан, вазият моделларидан қайси бири жозибали образ, қайси бири мафтункор образлар синтези эканлигини тасаввур қилишади. Шундай ҳам бўладики, одамзод оғир

⁴⁴ Yosh kuch, 2003.-№9-10-Б.10-11.

⁴⁵ Сачков В.Е. и др. Игра как философский феномен человеческой деятельности // <https://moluch.ru/archive/104/24232>

⁴⁶ Гессе Г. Игра в бисер / Герман Гессе. СПб.: Азбука-классика, 2003.-496 с.,

вазиятда бўлишига қарамай, ўйнашда, тақдирига таваккал қилишда давом этади.

Демак, ўйин вақт ва фазо чегаралари билан белгиланган ҳамда шаклланган ёки қабул қилинган қоидалар асосидаги модел кўринишига эга бўлиб, сунъий яратилган ижтимоий феномен ва борликнинг бир кўриниши экан. Соф кўринишдаги ўйин бу инсон эҳтиёжларини қондирувчи реал фаолиятнинг у ёки бу томонини имитация қиладиган эркин фаолиятдир. Соф кўринишдаги ўйиндан ташқари реал ҳаётнинг сунъий ясалган модели сифатида жамиятга киритилган ўйин элементлари мавжуд. Бу ўйин элементлари ҳаёт билан баъзан шу даражада чамбарчас боғлиқки, гоҳида ўйин билан ҳаёт учун кураш орасида чизик тортиб бўлмайди. Ўйин элементлари меҳнат, бизнес, уруш, санъат ва илмий ижодкорликнинг туб-тубига сингиб кетган. Инсон ҳамиша қайсидир ролни ўйнайди, бунда макон оила, ишхона, майдон ва ҳоказолар ўйин фаолияти олиб бориладиган доирага киритилади.

Ўйин модел сифатида бир қатор принципиал хусусиятларга эга бўлади. Улар бўлмаган тақдирда мазкур фаолият ўйин бўлмай қолади. Ўйиннинг ўзига хос хусусиятлари куйидагилар:

- ўйин вақтда олдиндан ўрнатилган мезонлар билан ҳамда маконда бошланишдан олдин чегараланган бўлади. Бу маконли чегараланиш унинг аниқланиш тушунчасига киритилади.

- ўйин қаердадир қатъий белгиланган, қаердадир шартли равишда келишилган қоидалар асосида олиб борилади, улардан четга чиқиш ўйинни бузилишига ёки иштирокчини ўйиндан четлаштиришга олиб келиши мумкин.

- ўйин тартибни яратади, яъни унинг бир кўриниши десак ҳам хато бўлмайди. Шу нуқтаи назардан туриб, ўйинни синергетик жараён деб белгилаш мумкин. Яъни, ўйин ўз-ўзини ташкиллаштирувчи феноменлар қаторига киради. Айтайлик, хужумчи ролини бажараётган команда капитани аттрактор-шахс бўлса (бомбардир сифатида рақиб

дарвозасига интилган ўйинчиларни, тўпни етказиш мақсадида, ўзига жалб қилади, жалб қилиш, ўзига тортиш синергетик аттракторнинг хислатидир), ўйин қоидасини бузилиши ёки дриблингни (рақибни алдаш ҳаракатини) янги турини ўйлаб топиб ишлатилиши ўйинни бифуркация ҳолатига олиб келади. Шу тарзда, ўйинда ўз-ўзини ташкил қилиш ҳолати содир бўлади.

Демак, ўйин эркин, синергетик фаолият бўлиб, фақатгина жисмоний ва ақлий зарурат билан белгиланмайди. У эҳтиёж ва қизиқишларнинг бевосита қондириш жараёни доирасида ётади. Масалан, бокс ўйинини оладиган бўлсак, бу бир қатор қатъий қоидалар билан чегараланган беллашувнинг бир моделидир. Жанг яккама-якка, стандарт белгиланган бокс қўлқопларида (шакл, вазн, материал) олиб борилади. Маълум бир қоидалар асосида белдан пастга, тирсак, бош каби органларга зарба бериш тақиқланади. Мақсад ғалаба, бу ғалаба ё баҳо, ё накоут кўринишида қайд қилинган бўлиши керак. Жанг ҳам макон (ринг)да, ҳам вақт (раунд)да чегараланган. Бонгнинг жаранги жанг - ўйин тугашини билдириб, боксёр (ўйинчи) ўйин маконидан чиқади ва реал ҳаётга қайтади. Демак, ўйин реал ҳаёт хаоси ичидаги сунъий оазис сифатида намоён бўлувчи бошқача ҳаётдир, ўзига хос оламдир.

Ўйин структураси

Таъкидлаш жоизки, ўйин оддийгина тушунча бўлиб қолмасдан, балки кенг қамровли, кўп маъноли, мураккаб семантик структурага эга бўлган тушунчадир. Мазкур семантик структура ўйиннинг содда ва мураккаб кўринишларининг мазмун-моҳиятида намоён булади. Табиийки, ўйиннинг ўйин бўлмаган феноменлардан (бир зайлда амалга ошириладиган функция, зарурият ва ижтимоий талабдан келиб чиққан меҳнат фаолиятидан (ва б.) фарқ қиладиган хусусиятлари мавжуд.

Ўйиннинг белгилари бу: - моҳиятан тақлид қилиш, роль ўйнаш, полиморфлилик (кўп шаклли ва унсурли хилма-хиллик), универсаллик (инсон фаолиятининг биронта соҳаси йўқки, у ўйинга айлантирилмаса), бир бутунлик, воқеликка ва ўз-ўзига нисбатан индефферентлик, яъни бошқа нарсаларга боғлиқ бўлмаган, ўзининг эркин фаолият макон ва замонининг мавжуд бўлиши, жозибали ва мафтункор хислатларга эга бўлиш ва бошқалар.

Ўйин учта - замон (вақт), макон (фазо) ва қисмлардан иборат жабҳаларга бўлинади: ўйин (ўйин вақти), ўйинчи ва томошабинлар. Ўйин макони тарихий-маданий макон бўлиб, бу маконнинг элементлари ўйиннинг унсурларидан иборат бўлади. Ўйинчи ўйин субъекти бўлиб, маълум (ўйиннинг тури ва хислатига қараб) роль ўйнаётган индивидни билдиради. Ўйин ва ўйинчига рағбат, қўшимча ҳаракат импульси, қизиқиш ва руҳланиш энергиясини берадиган учинчи жабҳа томошабин, унинг ўйинга муносабатидир.

Ҳайвонларда мавжуд бўлган ўйин уларнинг тақлид қилиш фаоллиги билан изоҳлашниши мумкин ва ўз даврида бу психо-физиологик феномен ўйиннинг пайдо бўлиши ҳамда такомиллашишида муҳим аҳамият касб этган⁴⁷. Инсонларда эса ўйиннинг шаклланиши ва такомиллашишида меҳнат, мулоқот, тил, ижтимоий хотира ва маданият нормалари ҳал қилувчи асос ва омил бўлган.

Бизнингча, инсон ўйинларининг моҳияти – воқеликка инсоний хислат бериш, уни (воқеликни, табиий ва ижтимоий оламни) инсоний тарзда билиш, ўзлаштириш, ҳаёт лавҳаларини ўйинда тиклаш, компенсаторлик, креативлик ва бошқа функцияларни намоён этиш қобилиятидир.

Ўйинда умуминсоний билиш, ўзгартириш, тақлид қилиш, таъсир кўрсатиш хислатлари намоён бўлади. Ўйин жарёнида илк бор болада бу хислатлар хатти-ҳаракат модели ёки образи, ўрганиш предмети, қувонч манбаи, ибрат олиш

⁴⁷ Крымов А.А. Проблема игры животных в современной зоопсихологии // Психо.журнал.- 1982.-Т.3. -№3-с.132-139.

намунаси (масалан, қизчалар кўғирчоқ ўйнашганда) кўринишларида шаклланади. Ўйин аҳамиятининг энг умумий марказий нуқтаси шундадир.

Умуман, ҳаёт давомида инсон ўйинда ролни ўзига қабул қилади, вазифаларидан келиб чиқиб иш бажаради, ялпи муносабатлар тўдасига дуч келади, провардида, шахсиятини тоблайти, тарбиялайди, ички дунёсидаги барча сарчашмаларни шакллантирди.

Маълумки, «шахсият» ёки «шахс» лотинча «persona» (персона) сўзининг таржимаси бўлиб, бу сўз лотинларга кўра, яъни қадимги этрускили римликларда «рол» деган маънони англатган (унгача актёр ниқоби остида талқин этилган). Римликларда бу сўз жамият вазифасини бажарувчи кўрк сифатида (persona patris, regis accusatoris) қўлланилган. Замонамизда бу сўзнинг шахсият маъносида қўлланилиш эса ижтимоий амалиёт, яъни ўз ижтимоий вазифасини қандай ижро этиш, қандай роль бажариш, ҳаётда бажарилган мажбуриятлардан сифат жиҳатдан қандай бажараётгани изоҳланади, қўлланилади. Демак, шахс ва роль чамбарчас равишда бир-бири билан боғлиқ тушунчалардир. Ўйин орқали ролни индивид ўз зиммасига олади, натижада, унинг ўзи ҳам шахс сифатида шаклланади ва ривожланади.

Ўйин чамбарчас равишда шахсиятнинг ривожланиши билан боғлиқдир, айнан у болаликнинг интенсив равишдаги ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Юқорида таъкид этилганидек, эшик кулоғидан тутиб уни очиб-ёпишни ўзига эрмак қилиб олган бола илк бор ўзини муҳим натижани қўлга киритгандек ҳис қилади, натижа эса, ўз аҳамиятига эга бўлиб, бу фусункорлик аста-секин уни ўйин режасини тузишига олиб келади. Қарабсизки, бола бир маротаба эмас, икки маротаба эмас, балки одатий ҳол сифатида, албатта, ўйин шаклида бу эрмакни такрор-такрор ижро этади, бу ижро унга онгсиз равишда чексиз қувонч эҳтиромларни ҳада этиб қолмасдан, унинг муваффақиятларини белгилайди, натижаларини ривожлантиради, сўнгида ҳаракатлар аҳамияти сўниб бориб,

ўйин мавзусига хос хусусиятлардан узоқлашади, ўйин деб аталувчи фаолиятдан бегоналанади.

Фақат янги ҳосил бўлган, ҳали ҳеч ким томонидан ўзлаштириб олинмаган ривожланиш, янгиланиш ўз ютуқ ва имкониятларига кўра ўйин деб аталувчи фаолиятга тааллуқли ҳисобланади.

Ўйиннинг органик моҳиятига, истикболий оқибатига эътибор берадиган бўлсак, унинг яна бир жиҳати очилади. Яъни, ўйин ўсиб бораётган авлодни олдинги авлод ишини давом эттириш учун тарбиялайди, шакллантиради, сифат жиҳатларини ривожлантириб боради. Келажақда бажарилиши лозим ишларни зарур жиҳатларга кўра йўналтиради, ҳозирлайди.

Ўйиннинг ижтимоий функционал жиҳатлари

Ижтимоий ҳаётда барчамиз ўзимизга хос бўлган маълум бир йўналиш ва услубларга риоя қилган ҳолда хилма-хил ўйинларни ўйнаймиз. Ихтиёрий ўйинда ким ютқазishi мумкин, энг кўп хатога йўл қўйган одам, албатта. Хато ўзи нима? Хато бу - нотўғри қилинган эҳтимолий ёки тасодиф (таваккал) ҳаракат ва аксинча, ҳаракатсизликдан келиб чиққан бўлиши мумкин. Агарда инсон ўз фаолияти давомида мақсадига зид натижаларни кўраяптими, демак, у хато қилаяпти.

Ўйиннинг ўзига хос функциялари ҳам мавжуд. Шулардан бири компенсаторлик ҳисобланади. Тарихан ва мантиқан бу ўйиннинг биринчи функцияси бўлиб, яшаш учун курашда фойдаланилмаган энергиянинг ўрнини босиш назарда тутилади. Ўйин маданиятдан кенгроқ ва каттароқ, ҳайвонлар ҳам худди одамлардек ўйин ўйнашади, яъни ўйиннинг барча асосий хусусиятлари ҳайвонлар ўйинида ҳам иштирок этади. Масалан, Зигмунд Фрейднинг психоаналитик таълимотида алмашинувчи энергия ёки силжиган энергия тушунчалари асосий тушунчалардан бири ҳисобланади. Унга кўра энергиянинг ва асабийликнинг бўшатилиши,

кучсизланиши турли шаклларда амалга ошиши мумкин. Маълум бир сабабларга кўра, субъект инстинктини кондирувчи объект яқинида бўлмаган пайтда инстинкт ихтиёрий равишда бошқа объектга кўчирилиши мумкин. Бу ҳодисани олим «сублимация» деб атайти. Бунда сублимация тушунчаси ҳимоя қилиш механизми сифатида тушунилади. Мазкур механизм инсонга адаптация мақсадида ўз импульсларини ижтимоий мувофиқ фикрлар ва фаолият воситасида ифодалаш мумкин бўлган тарзда алмаштиришга имконият беради. Сублимация шахвоний ҳирсни чегараловчи соғлом ва конструктив руҳий жараён ҳисобланади. Фанда ўйин фаолликнинг кўчиши ёки алмаштирилиши шаклларида бири сифатида сублимация билан боғланади. Ўйин жамият учун хавфли шахсиятли ресурсларни ижтимоий мақбул йўналишига бурадиган сублимация шаклида намоён бўлади. Шахсиятли шахвоний энергиянинг аҳамиятли қисмига эркинлик берилган тақдирда бузғунчилик оқибатларига олиб келиши мумкин. Ўйин потенциал хавфли фаолият кўринишларини қаттиқ қодалар билан чегаралаб, нафақат энергиянинг чиқишига имкон беради, балки унинг хавфли оқибатларини нейтраллаштиради, яъни кучсизлантиради (масалан, спортда якка курашлар). Акс ҳолда, яъни, онг ости қатламдан чиқишга имкон тополмаган энергия шахсиятни бузади. Ўйин бундай вақтда инсон табиати ва жамият орасида компромессор, яъни ўртадаги воситачи вазифасини ўтайди.

Ўйин индивиднинг бевосита у ёки бу эҳтиёжини кондиритиш учун керак бўлмаса-да, аммо унда табиий мавжуд бўлган сифатларнинг, хусусиятларнинг сақланишини таъминлайди. Инсонга табиат томонидан турли шароитларда унинг яшашини таъминлайдиган жисмоний ва интеллектуал хусусиятларнинг йиғиндиси берилган, ҳайвонларнинг ҳеч қайсиси бундай адаптация хусусиятларга эга эмас. Ҳайвонларнинг ҳаёт тарзидан сифат жиҳатдан фарқ қиладиган маданий ва маънавий ҳаёт доирасида адаптация

хусусият янги мазмун олган ҳолда ўйин орқали амалга оширилади.

Цивилизация меҳнатни юқори даражада ихтисослаштириб қўйган бир даврда инсонларнинг жисмоний ва интеллектуал потенциалининг катта қисми ишлатилмай қолди. Бундай потенциалнинг фойдаланилмай қолиши салбий ҳолатларни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Шу ўринда ўйин цивилизациянинг бундай таъсирини кучсизлантирувчи восита бўлиб хизмат қилади.

Ўйин сунъий равишда цивилизация талаб қилмайдиган хусусиятларни (масалан, маданият артефактига айланиб қолган ўйин қуроли, жиҳозларини) сақлаб қолиш ва ривожлантиришга замин ҳозирлайди. У вақтинчалик атроф-муҳит хаосидан чиқиб кетишга имкон берадиган шарт-шароитлар ўрнини ҳам босади. Баъзида унчалик такомиллашмаган бу ҳаётда ўйин гўзаллиги ва мафтункорлиги билан вақтинчалик ва чегараланган такомилликни яратади.

Ўйиннинг яна бир функцияси мавжуд бўлиб, биз уни ривожлантирувчи функция деб белгилаймиз.

Ўйинни соф кўринишларининг кўпчилиги индивиднинг у ёки бу сифатларини мақсадли ривожлантиришга қаратилган хатти - ҳаракат моделини намоён этади. Ҳар хил ўйинлар турли сифатларни: бири кучни, бири чидамликни, яна бири ақлий фаолликни намоён этади. Бу махсус сифатларни ривожлантиришга урғу бериш сунъий йўл билан қилинадиган фаолият моделларини яратиш воситасида амалга оширилади. Аксарият ўйинлар ўз ичида ўзаро алоқадорлик сифатларини ҳосил қилиб, ўзида комплекс хислатини мужассамлаштиради. Шу билан бирга, ўйинга нисбатан, детерминант (вужудга келтирувчи) омил сифатида, ўйинчи - субъект томонидан белгиланган мақсадлар иерархияси мавжуд бўлади. Мақсадлар иерархиясни амалга оширишга қаратилган интеллектуал фаоллик тафаккур креативлигини (ижодкорлигини) оширади, ўйиннинг янги қирралари ёки вариантлари пайдо бўлади. Шу жиҳатдан, элеменлари кўп

вақт ўзгармайдиган анъанавий ўйинлар ва қисқа вақтда кўп вариантли сиймони оладиган (бош қотирмалар, компьютер ўйинлари ва ҳ.к.) ўйинлар бўлади.

Айтиш мумкинки, бир ўйинда инновацион тафаккур керак бўлса, бошқасида у иккинчи даражали фактор сифатида иштирок этади. Ўйинда асосли эҳтиёжларни қондириш нуқтаи назаридан хавфли (масалан, мотоспорт, оғир атлетика, ўт ўчирувчилар мусобақаси), жуда кўп меҳнат талаб қиладиган ёки кераксиз ҳаракатлар қонун - қоида бўйича амалга оширилаётган ҳаракатлар билан алмаштирилади. Бу эса уларни унумли ва самарали қилади.

Шунинг учун, баъзи ўйин сифатларини муносиб хавфсиз шаклда моделлаштириб, ривожлантирса бўлади. Ўйин ўйинчи ёки атрофдагилар учун хавфли ҳисобланган ёки моддий ва молиявий ресурсларнинг етарли даражада эмаслиги туфайли имкониятнинг чегараланишини моделлаштириш ёки виртуал сценарийлар кўринишида самарали фаолият билан алмаштиришни таъминлайди. Яъни бошқа моделлар яратилганлиги сабаб реал ҳаётнинг у ёки бу жараёнларини қайта тиклашда маблағ, вақт тежамкорлигини таъминлаш имкониятини беради.

Ўйин индивидлар учун амалий фаолиятда муҳим бўлган, бироқ етарли даражада ривожланмаган сифатларнинг мақсадли равишда ривожланишини таъминлайди. Масалан, махсус ҳарбий қисмларда хизмат қилувчи омончилар шахсиятнинг физиологик ва психологик сифатларини ривожлантиришга ёрдам берувчи яқка курашлар билан шуғулланадилар. Бу уларнинг мутахассисликлари учун муҳим ҳисобланади. Бунда ўйин меҳнатга тайёргарлик воситаси сифатида намоён бўлади.

Болалар ўйини бу, умуман, ҳар қандай ўйиннинг моделидир, деб таъкидлайди тадқиқотчилар⁴⁸. Ўйинда жисмоний ва интеллектуал фаолликлар қўшилиб нарсалар оламидан белгилар, символлар, метафоралар оламига ўтиш

⁴⁸ Философия игры // mirznanii.com |a|229699| filosofiya-igry.

содир бўлади. Улар орқали эса маданият оламига чиқилади. Бу биринчи хулосамиз.

Иккинчидан ўйинда нарсалар ўз табиатига кўра (масалан, ёғоч от ўйинчок) тўғридан-тўғри (от ўйини) функциясини бажармайди. Нарсалар қайта номланади. Уларнинг вазифаси алмашади. Шунда инсон нарсанинг ўзини ва моҳиятини ажратиб олади ва энди у нарсалар билан эмас, моҳият (ёғоч “отни” тирик от сифатида тасаввур қилиш) билан иш кўра бошлайди. Моҳиятлар оламидаги бу силжиш И.С.Выготскийнинг фикрича, эркинликнинг кафолати ва асосидир. Эркинлик ана шу ерда туғилади. Айнан ўйин бу эркинликни тақдим этади, қайсики унда ғоя, тасаввур қилиш фаолиятга, эффе́ктга айланади. Инсон ўйин оламида ҳақиқатдан ҳам ўзи истаган, ўзи хоҳлаганидек ижод қила бошлайди.⁴⁹ Учинчидан – ўйин жараёнида инсон ўз-ўзини, ўзининг ички оламини ўрганишни бошлайди. Инсон ўзини ўйин жараёнида ўзлаштиради. У ўйинда «ўзининг менини» ўрганади. Ўйиндаги фаолияти давомида инсон нафақат ўз оламини, балки предметлар оламини ҳам ўзлаштиради, ўзининг шахсий, маданий потенциалини, жисмоний ва интеллектуал имкониятларини кенгайтиради, фаоллигининг креативлигини оширади. Шахс бойлиги ўйин бойлиги билан боғлиқ. Ўйиннинг асосий функционал хислати шундан иборатки, у инсоннинг ҳиссий-эмоционал ва интеллектуал такомиллашувини амалга оширади, унинг тафаккури теранлигини, ўз-ўзини англашини ривожлантиради. Шундан келиб чиқиб, И.С.Выготский ўйинни, инсон тафаккури ривожланишининг магистрал йўли деб айтади. Инсон ривожланишининг муҳим тури ёки кўриниши ўйинда, ўйин орқали содир бўлади. Ўйин ўз механизмига кўра ушбу жараённи намоеън этади.

⁴⁹Выготский Л.С. Игра и ее роль в психическом развитии ребёнка. www.dob.1september.ru/article.php?ID=200500510.

Платоннинг «Инсон бу худонинг қўлидаги кўғирчоқ»⁵⁰, - деган фикрини А.Ф.Лосев шундай таърифлайди: «бу метафоранинг маъноси шундаки, борлиқ шўх ўйинқароқ ўйинчига ўхшайди, инсон бу ўйинчининг қўлидаги кўғирчоққа айланади. Буни инсон учун хўрланиш, камситилиш сифатида қабул қилиш керак эмас, агар инсон худо қўлидаги ўйинчоқ экан, уни қандай хоҳласа шундай ўйнатар экан, бу тарихнинг, борлиқнинг тартиботидир»⁵¹.

Турли даврларда турли халқлар, ҳар хил ўйинларни ўйнашган. Улар ўйиннинг тузилишини, сюжетини, яъни манзарасини, қонун-қоидаларини ўзгартиришган. Шундай бўлса-да, ўйин субстанцияси, бирламчи табиати сақланиб қолаверган.

Ўйиннинг тузилиши бу фаолият ёки меҳнат эмас, катталар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар йиғиндиси ҳам эмас, балки ўйиннинг ўзида намоён бўладиган структурадир. Ўйиннинг структурасини яхшироқ англаш учун уни уч қисмга бўлиб ўрганишга ҳаракат қиламиз.

Биринчи қисми қуйи қисм бўлиб, унда ўйиндан ташқаридаги оламдан ўйиннинг қуйи қатлами шакллантирилади. Бу босқичда нарсалар ўйинчоққа айланади ва ўйинчи улар воситасида мураккаб ҳаракатларни амалга оширади. Иккинчи қисми ижтимоий қатламда содир бўлади ва ижтимоий функцияларда намоён бўлади. Демак, ўйиннинг иккинчи қисмини рол деб атаймиз. Учинчиси, энг юқори қисмда ўйин содир бўлади. Бу қисмда ўйин воситалари ёрдамида (ўйинчоқлар) ўйинчи у ёки бу ролни ўйнайди.

Бу уч қатламли ўйин технологияси ўйин маконини ташкил этади. Ўйинда олий мақсад бўлади. Яъни, ўйновчи нима учун ўйнапман? Бу ўйиндан нималар кутаяпман, деган саволларни қўяди. Роже Кайуа ўйиннинг тахминий чизмаси, яъни тузилишини схемасини мана шу тарзда беради⁵². Бу

⁵⁰ Платон. Законы//Платон. Собр.соч.в 4т.Т.1. -М.: Мысль, 1990. –С.803

⁵¹ Лосев А.Ф. Жизненный и творческий путь Платона// www.ancietrome.ru/articl.htm?a=1505157253

⁵² Кайуа.Р. Игры и люди.-М.: ОГИ, 2007.-304с.

Ўйиннинг шаклидан қатъи назар, барча ўйинлар учун умумий схема бўла олади. Бу схема бизга ўйиннинг механизмини тушунишга ёрдам беради.

Ўйин турларининг таснифи ва унинг хусусиятлари

Бизнингча, ўйин турларининг хилма-хиллиги унинг жамиятдаги ижтимоий аҳамияти билан боғлиқ. Яъни, жамиятни ташкил этган асосий тизимлар доирасига кириб борган ўйин жараёни фаолият даражасида кузатилганда турларининг хилма-хиллиги ортиб бораверади. Масалан, сиёсий фаолият доирасида ўйин жараёнларининг ташкил этилиши сиёсий ўйинлар турининг пайдо бўлишига олиб келади. Иқтисодий ўйинлар ушбу тизим доирасига кириб борганда уларнинг шакллари пайдо бўлади. Маданият оламида эса ўйин турлари аниқ бир соҳа даражасида ташкил этилади. Масалан, спорт ўйинлари спорт фаолияти турларидан келиб чиқади. Илмий ва оммабоп адабиётларда эса ўйин тушунчаси кенг маънода ишлатилади. Масалан, актёрлар ўйини, болалар ўйини, шахмат ўйини, стратегик ўйинлар, хаёл ва фантазия ўйинлари ва ҳоказо.

Юқорида ўйин концепцияси, жараёни, унинг структураси, асосий хусусиятлари ва белгилари ҳамда функцияларини кўриб ўтдик. Ўйин таснифи ҳам борки, у ўйин феноменини тушуниб олишда катта аҳамиятга эга. Бироқ, таъкидлаш жоизки, ўйинни таснифлашнинг бир қатор мураккабликлари ҳам мавжуд. Унинг таснифининг мушкул томони – маданиятнинг ҳар қандай ҳодисаси сифатида талқин этилишидир. Чунки у ҳар хил ижтимоий гуруҳлар ғоясининг янги формациясига, ҳар қандай тарихий динамикасига жиддий таъсирни кўрсатадиган фаолиятдир. Ўйин унсурлари инсон фаолиятининг барча турларида иштирок этади. Улар ўзида умуминсоний, миллий, этник, географик, тарихий ва маҳаллий-манتيқий аломатларни акс эттиради.

Ўйинларни таснифлашнинг яна бир мушкул томони, уларни бир-биридан фақат андоза, шаклига қараб эмас, балки, энг аввало, мақсад, миқдорий кўрсаткичлар, қоидалар тўпламининг мавжудлиги каби аломатларига бориб тақалишидадир. Ўйинлар қоидалар, ахборот базасига кўра ҳар хил бўлиши мумкин ёки ҳар хил мақсадларда қўлланиши, ишлатиш ҳам мумкин; бир ҳолатда – системалар функциясининг таҳлили, бошқа ҳолатда – иштирокчиларга таълим бериш; учинчи ҳолатда – андазали вазиятларда тренинг ўтказиш; тўртинчи ҳолатда – кўнгилхушлик қилиш ва бошқа мақсадларда ташкил этиш мумкин.

Ўйинларни таснифлашда алоҳида эътибор қилинадиган жиҳатлар мавжуд. Бу ўйинлардаги умумийлик ва ўзига хосликни аниқлаш, бир – бирига яқин ёки узоқда бўлган гуруҳларга ажратиш, улар ўртасидаги умумий аломатлар ва қонуний алоқадорлигини асослаб беришдир.

Ўйинларни таснифлашни яна бир шарти ўйинлар ҳақида аниқ маълумотга эга бўлиши, уларнинг турлитуманлигини ҳисобга олиш, муомала ҳолатларини тушунишдир.

Ҳар қандай таснифлаш асосида объект турининг аломатлари, белгилари ва функцияларини қайд қилиш, гуруҳлаштириш ётади.

Тур – зоҳирий томон. Тур тизимга оид категориялардан биридир. Баъзан уни гуруҳ, ранг, разряд билан тенглаштиришади. Тур мавжуд объектни бошқаларидан принципаал равишда фарқлайди. Тур ўзида турлар варианти бўйича кўпхилликни жамлайди.

Хил – объект меъёрий хусусиятлари, ташқи ва ички хусусиятлари, бирликлари, ҳодиса, предметлар гуруҳи, бирликлар тақсимоти ва бшқаларни ўзида мужассамлантиради. Хилдаги моделда мавжуд ўйинлардаги умумийлашган образи ифодаланган бўлади.

Таснифлаш сўзи умумилмий соҳаларда «классификация» термини билан ифодаланади. Унинг этимологик маъноси «класс» сўзига бориб тақалади.

Класс – предметлар гуруҳи, тўпламининг йиғиндиси бўлиб, бу жамланма умумий белги, даражанинг бир қисмини ўзида мужассамлаштирувчи, объектни макондаги ҳолатидан қатъи назар тизимлардаги ҳодисалар тенглигини тақозо этувчи, умум тан олган тушунча, категориядир.

Ўйинлар феноменини таснифлашда бизнинг нуқтаи назаримизга кўра, «тур» тушунчасини қўллаш мантиқий жиҳатдан ўринли бўлади. Айнан «тур» тушунчаси ўйинлар моҳиятини акс эттиради, у орқали хиллар аниқланади, намуна шакллари таққосланади.

Р.Кайуа ўйинни қўйидаги тўрт турга ажратади⁵³. Биринчи тур – ағон (кураш, мусобақа). Ўйиннинг бу турига, биринчи навбатда, спорт ўйинлари киради. Бунда икки томон бўлади. Рақиблар ўйнайди. Ўйиндан мақсад ғалаба.

Иккинчи тур – алеа (куръа, ўйин соққаси). Бу турга карта ўйини, куръа ташлаш, рулетка, ҳар хил лоторея, ошиқ ўйини, кимор кабилар киради. Ўйиннинг бу турида омад ва тасодиф роль ўйнайди. Бундай ўйинлар ўйинчини ўзига оҳанрабодай тортади, ўйинга бир кирган киши, ундан чиқиб кетиши мушкуллашади. Кўпинча, тасодиф туфайли ўйинчи ёки ҳамма нарсали бўлиши, ёки ҳеч нарсасиз қолиши мумкин.

Ўйиннинг учинчи тури – мимісгу (ўхшатиш, имитация). Ўйиннинг бу тури саҳна санъати билан боғлиқ. Бунда актёр рол ўйнайди.

Ўйиннинг тўртинчи тури – ілінх (таваккалчилик) таваккалчилик хавф- хатар билан ўйнашиш. Бунда ўйинчи ўлим билан ўйнашади. Ўйиннинг бу турини бошқариб бўлмайди. Ўйиннинг бу турига самолёт синовлари, парашютдан сакраш, рус рулеткасини киргизиш мумкин.

Ўйиннинг ҳар бир турини ўз майдони бор. Биринчидан стадион, иккинчидан, ўйин столи, учинчидан, саҳна, тўртинчидан, ўйинчининг ҳаёти ўйин майдонига айланади. Инглиз тилида ўйиннинг бу турлари «play», «game»,

⁵³ Классификация игр по Роже Кайуа //www.treko.ru/showdict_1478.

«perfo-manse» каби учта атама воситасида ифодаланади. Гарчи бу учала тушунча ҳам «ўйин» деб таржима қилинса-да, моҳиятан биз юқорида кўрсатиб ўтган ўйин турларини ўзида ифодалайди.

Ўйинни бундай тўрт турга ажратиш бир оз баҳсли бўлиши мумкин. Лекин асосийси у тушунарли, мантикий асосланган, энг муҳими қизиқарли.

Шундан келиб чиқиб, ўйиннинг тахминий доирасини чизишга ҳаракат қиламиз. Бундай ҳолда ўйиннинг ҳар бир турини бир-бири билан боғлаб турган жиҳатларни кўришимиз мумкин бўлади. Хилма-хил ижтимоий ва индивидуал эҳтиёжларни қондирар экан, шунга мувофиқ ўйин жуда кўп турларга бўлинади. Масалан: дидактик, спорт ўйинлари, компьютер ўйинлари, муҳаббат ўйинлари, болалар ўйинлари, сиёсий ўйинлар ва ҳоказо. Лекин ўйинни шунча турга бўлганимизга қарамай, унинг барчасини битта универсиумга бирлаштирувчи жиҳат бор. Ўйиннинг ҳар бир тури болалик ўйинлари атрофида жойлашган планеталарга ўхшайди. Ядро болалик ўйинлари. Планета ядродан узоқлашгани сари ўзининг бирламчи табитини йўқотиб, бошқа шакл – шамойилни олиб бораверади.

Ўйин доираси болалар ўйини билан бошланади ва аста-секин унда онглилик, тафаккур даражаси шаклланиб, катталар ўйинига ўтади. Ўйин доирасида болалар ўйинидан кейин *mimesis*, яъни театр туради. Театр ўйин универсиумида генетик жиҳатдан биринчи ихтисослашган тип ҳисобланади.

Театр ҳар доим «ўйинчоқлар» олами сифатида табиий олам билан параллел тарзда ривожланиб келган. Театр оламнинг ойнасидир. Театр ўйинининг охирига етиши билан спорт ўйини бошланади. Бунда рақобат ва ғалаба ўйиннинг маъно – мақсадини ташкил этади. Агар театр олами, борлиқнинг қандайдир моҳиятини изласа, спорт оламида асосий мақсад ғалаба ҳисобланади. Бу ерда маълум қонун-қоидалар, низомларга қатъий амал қилинади. Ўйиннинг бу оламида биринчисига қараганда эркинлик камроқ. Лекин бунда ўзига хос ютуқлари ҳам бор. Бунда инсон ўзига ҳаётий

куч олади, сабр ва чидамга ўрганади. Мусобақага асосланган ва ўйинлар ағон деб номланиб, унга спорт, дипломатия ва дуэлларни киритишимиз мумкин. Ағон фақат спорт майдонидаги мусобақалар билан чекланса, у қадар хавфли эмас, у ўлим билан ўйнашади. Гамлет шундай ўйнаган, Донкихот шундай ўйнаган.

Шу ўринда экстазис ўйин ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Чунки бу ўйинни ўйнаганларнинг тақдири кўпчиликка сабоқ бўларди. Экстазис ўйин бу эҳтирослар ўйини, у, кўпинча, ўйиннинг ҳам, ўйинчи ҳаётининг ҳам охириги нуқтаси бўлади. Бунда ўйиннинг барча чегаралари бузилади. Қартага ҳамма нарса, ҳатто, ўйинчининг ҳаёти ҳам тикилади. Экстазис ўйинларнинг майдони бутун бир тарих бўлиши мумкин. Ўртага ўйинчининг бутун ҳаёти, тақдири қўйилади. Тақдир билан бўладиган ўйин бошланади. Кўнгилочар ўйинлар (қимор, карта, ошиқ) ҳам ана шундай характерга эга бўлган ўйинлар ҳисобланади.

Шундай қилиб, биз ўйиннинг битта механизм атрофида айланадиган уч турини кўриб ўтдик. Ҳар бир турда ўйиннинг ўз йуналиши, ўз ҳаракати бор. Болалар ўйинидан, ўйиннинг ҳар учала турига чиқиш йўллари мавжуд. Ҳар бир тур ижтимоий ҳаётда алоҳида ўз ўрнига эга бўлиши мумкин. Лекин уларнинг ҳаммаси биргаликда ўйин қобиғини, сферасини ташкил этади.

Педагогик ва иқтисодий ўйин турлари ҳамда моделлари

Педагогикада ўйинларни икки катта гуруҳга бўлиш жуда кенг тарқалган: креатив ўйинлар ва қоидали ўйинлар.

Креатив ўйинларнинг мазмунини болаларнинг ўзлари ўйлаб топадилар ва уларда ўз таассуротларини, борлик ҳақидаги тушунчаларини ҳамда унга муносабатларини акс эттирадилар.

Қоидали ўйинлар катталар томонидан яратилади ва бола ҳаётига олиб киритилади. Мазмунли қоидаларнинг мураккаблигига қараб, улар турли ёшдаги болаларга

мўлжалланган бўлади. Тайёр қоидали ўйинларнинг катта гуруҳини халқ ўйинлари ташкил этади, уларнинг кўплари авлоддан-авлодга ўтиб, бизга етиб келган.

Ўз навбатида, ўйинларнинг ҳар иккала гуруҳи ҳам ўзининг хилма-хил кўринишларига эга. Ижодий ўйинлар гуруҳини сюжетли-ролли ўйинлар ташкил этади (бу ижодий ўйиннинг асосий туридир), қуриш-ясаш ўйинлари (уларда болалар атроф-муҳит ҳақидаги ўз таассуротларини ўзига хос тарзда акс эттирадилар), болалар адабий асарлар мазмунини эса ижодий қайта акс эттирадиган драмалаштирилган - ўйинлар ва бошқалар ташкил этади.

Ўйинлар ўз мазмуни ва қоидалари, тарбиявий таъсир кўрсатишига кўра шартли равишда дидактик ўйинлар ва мусикий ўйинларга бўлинади. Дидактик ўйинларда, аввало, болаларнинг ақлий фаолияти ривожланади, улар билимлари чуқурлашади ва кенгаяди; ҳаракатли ўйинларда болаларнинг турли ҳаракатлари такомиллашади; мусиқали ўйинларда эса мусикий қобилиятлар ривожланади ва ҳоказо.

Шунингдек, ўйинлар орасида кўнгил очарлари ҳамда ўйин овунмачоқлари ҳам бўлади. Ҳар бир ўйиннинг ўзига хос сифатлари, ўзига жалб қилиш, яъни синергетика тили билан айтганда, аттракторлик хислатлари мавжуд. Шу билан бирга, улар бир қатор умумий хусусиятларга ҳам эгадирлар.

Креатив ўйинлар бу - болаларнинг мустақил ижодий, ўзлари ўйлаб чиққан ўйин мажмуидир. Бунда болалар ўз таассуротлари, воқелик ва ҳаётга оид тушунчалари, уларга бўлган ўз муносабатларини акс эттирадилар. Креатив ўйинлар қуйидаги туркумларга бўлинади:

- сюжетли-ролли;
- драмалаштирилган;
- қурилиш;
- табиат материаллари билан ўйналадиган ўйинлар.

Ўйин мазмунининг ўзига хослиги унинг энг муҳим хусусиятларидан биридир. Педагог ва психологларнинг тадқиқотлари шуни кўрсатадики, катталарнинг ижтимоий ҳаёти ўзининг ранг-баранг кўринишлари билан сюжетли-

ролли ўйинларнинг мазмуни бўлиб хизмат қилар экан. Улар бола-лар катталар ижтимоий ҳаётининг намунасини оладиган фаолият тури ўйин эканлигини асослаб бердилар.

Ҳолат, вазият бажарадиган функциясига кўра ўйинни бир қанча бошқа таркибдаги турларга ажратиш мумкин. Хусусан, операцион ўйинлар, имитацион ўйинлар, ишбилармонлик ўйинлари ва ҳоказо.

Операцион кетма кет бажариладиган амаллар ўйинларда аниқ асосий операцияларни бажаришни қайта ишлашга ёрдам беради. Масалан, ижодий ишларнинг ёзилиш методикаси, иқтисодиётда баланснинг тузилиши, ҳуқуқий консултациянинг ўтказилиши ва шу кабилар. Уларда операцияларнинг кетма-кетлиги, вазифалар, кутилаётган ютуқлар, натижалар моделлаштиради. Бу типдаги ўйинлар воқеликдаги жараёнларга ўхшатилиб ўтказилади.

Имитацион ўйинлар, бунда маълум бир нарсанинг ўхшатилиб бажарилиши тушунилади. Мураккаб технологиялар билан ишлашни моделлаштириш, самолётни учуришни виртуал кабинада ўрганиш, компьютер графикаси воситасида компьютер ўйинини ишлаб чиқиш, театрда пантомимни ўйини имитацион ўйин турларига киради. Бунда реал объект ва жараёнлар виртуал образ ёки модель тарзда ўзлаштирилади, англанилади.

Ишбилармонлик ўйинлари. Бу барча дидактик ўйинлардан энг мураккаби ҳисобланади. Уларда аниқ белгиланган бир вазият ўйналади. Ишбилармонлик ўйинларини инсонларнинг замонавий фаолиятини имитация қилиш усули деб ҳисоблаш мумкин. Бу ўйинлар ўқитиш, ечимларни қабул қилиш, режалаштириш, тадқиқот ўтказиш жараёнларида ишлатилади. Уларнинг турлари бошқарув, ишлаб чиқарув, иқтисодий тадқиқот ўйинлари кабилардир.

Ташкилий ўйинлар - бу белгиланган умумий меъёрлар ва қоидаларга риоя қилишга асосланган ўйинлардир. Бу типдаги ўйинлар эргономика, яъни меҳнатни илмий ташкил қилиш ҳақидаги фаннинг тадқиқот предмети доирасига киради.

Комплекс ўйинлар – бунга кўпгина интеллектуал ўйинлар киради. Масалан, шахмат ҳам чидамлик, ҳам ақл заковат интеллектуал кучни кўп томонлама ривожлантирувчи ўйиндир. Шундай сифатни спортда биатлон, кўпкураш (многоборье) ўйинлари, талабалар ўйнайдиган зукколар ўйини шакллантиради.

Иқтисодий модель ўйинлар - иқтисодий жараёнларни моделлаштиришда ўйин назарияси ишлатилади ва бу ҳам комплекс характерга эга бўлади.

Ўйин хилларидан яна бири азарт ўйинларидир. Жиддий қилиб айтганда, қимор ўйинлари ўйин назариясининг тадқиқот предмети бўла олмайди. Буни осонгина тушунтириш мумкин: қимор ўйинида натижа ўйинчининг ишчан ва ўйланган ҳаракатларига эмас, балки тасодифий омилларга боғлиқ. Қимор ўйинларига қизиқишни, асосан, унинг тадқиқотчини четга суриб қўядиган йирик ютуқлари амалга оширади. Фақатгина айтишимиз мумкинки, қимор ўйинлари қизиқарли, ўзига жалб қиладиган ва ҳеч кимни бефарқ қилмайдиган ўйинлар ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, қимор ўйинларини тадқиқ қилиш янги ўйинлар яратишга қизиқишни оширади, натижада, математиклар учун янги изланиш объектлари очилади.

Аслини олганда, қайси ўйинларнинг бошқаларига қараганда кўпроқ ўзига жалб қилишига бир қанча омиллар бўлиши мумкин. Бунга ўйин вазиятларининг янгилиги ҳам, расмийлаштирилишининг ўзига хослиги ҳам, ўз имкониятларидан фойдаланиш ҳам бунга сабаб бўлади. Ўйинларда динамиклик мавжуд: кўпчилик ўйинлар ғаройиб натижаларга олиб келадиган экстремал вазиятларга жуда бой.

Ҳар бир ўйин тури, шакли, даражаси, таснифига кўра инсон амалиётидан жой олган суянчиқ сифатида, инсон ҳаётининг ўрни, аҳамияти ва белгиланишида муҳим хусусиятга эга. Унда ҳаракатдаги (динамик) ҳаёт жараёни жамлангандир: орзуга интилиш (ўйин истиқболлари), фикрлар парвози, мушаклар тобланиши, тасодиф ўйинларда табиат маромини туташишларини кузатиш мумкин.

Демак, ўйин шунчаки фикрда ифодаланган модель эмас,
у ташқи ва ички хотиржамликка эга бўлишнинг универсал,
умуминсоний шаклидир.

3. ЎЙИН ВА УНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ КОНЦЕПЦИЯЛАРИ

Ўйин феномени, унинг моҳияти, инсон ва жамият ҳаётидаги роли ва аҳамияти ҳар доим мутафаккирлар ва олимларнинг диққат-эътиборида бўлган. Ишимизга кўриб ўтилганидек, ўйин хусусида дастлабки назарий мулоҳазалар фалсафа доирасида амалга оширилган. Антик, ўрта аср ва Янги замон файласуфлари ўйиннинг гуманитар, эстетик ва ижтимоий-маданий томонлари ҳақида қимматли фикрлар айтишган. Янги замонда эса ўйиннинг айрим жиҳатларини тадқиқ қилиш учун зарур бўлган илмий аппарат ва ёндашувлар ишлаб чиқилди. Масалан, азарт ўйинларда ютуқнинг содир бўлиш частотасини (даражасини) аниқлаш учун тасодиф ва эҳтимол ҳодисалар, уларни ўлчаш ҳақидаги тасаввурларга эга бўлиш зарур эди.

Бир турдаги ўйиннинг битта жиҳати (ютуқлар частотаси) математик билиш объектига айланди. Шу эпистемологик ҳолатдан ўйин моҳияти ва хусусиятини тавсифловчи назариялар яратилгунча яна бир неча асрлар ўтди. XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб ўйин ҳақида бир-бутун концепциялар ва назариялар ишлаб чиқишга қаратилган илмий фаолият бошланди. Математика ва ижтимоий – гуманитар фанларда ўйин феноменини ўрганиш жиддий тус олди. Олиб борилаётган тадқиқотлар гносеология ва методология олдига янги, постноклассик характерга эга бўлган муаммоларни қўймоқда. Ўйин фалсафаси ва эпистемологияси фалсафий рефлексиянинг метаназарий умумлаштириш ва синтез даражасига кўтарилди, дейишимиз мумкин.

Ўйин – илмий билиш предмети сифатида

Ўйиннинг ташқи формаси ва намоён бўлиш турларининг мураккаблашиши, уларнинг янгидан-янги кўринишларини ўйлаб топиш ва ҳордиқ чиқариш амалиётига

татбиқ қилиниши, ўйинлар функцияларининг ўзгариши ўйинга бўлган илмий жамоатчилик муносабатининг ҳам ўзгаришига олиб келди.

Дастлаб математикада ўйин назариясининг вужудга келиши тарихини кўздан кечирадиган бўлсак, 1654 йил 29 июлда атоқли олим ва файласуф Б.Паскалнинг П.Ферма исмли шахсга ёзган хатида карта ўйинида ютукли ҳолатни олдиндан аниқ айта олиш мумкинлиги ёки йўқлиги, бунда олдиндан ҳисоб қилинган тахминий ютуқ қанчалик ҳақиқатга яқин келиши ҳақида ёзган эди. Математика фани тарихчилари хатида билдирилган ғояларни математикада эҳтимоллар назариясининг вужудга келишининг бошланиши деб ҳисоблайдилар. Х.Гюйгенснинг “Азарт ўйинларни ҳисоблаш тўғрисида” асари эса эҳтимоллар назариясига оид биринчи қўлланма сифатида баҳоланади.⁵⁴ Кейинчалик 1712 йилда Вальдеграв ўйинда оптимал стратегияни топиш ғоясини, 1732 йилда италиялик Д.Бернулли бир қанча ўйинлар таҳлилини, 1814 йилда П. Лаплас оптималлик принципига оид қарашларини, 1888 йилда Ж.Бертран бақара ўйинига назарий ёндашувни илгари сурди.

Ўйин назарияси математиканинг бошқа бўлимларига ҳам асосий масала сифатида жорий қилинди. Хусусан, геометрияда П.Л.Чебышевнинг геометрик кўпбурчакларга доир ишида, Г.Минковскийнинг чизиқли нотенглик назариясида ўйин назариясига янада яқинлашув кўзга ташланди.

1911 йилда Э.Цермело ўйин назарияси нуқтаи назаридан шахмат ўйинини илмий жиҳатдан кўриб чиқди. 1921 йилда Э.Борел матрицали ўйинни маълум тартиб асосида ўрганиб, турли тасодифий мавжуд бўлган оптимал аралаш стратегияларни кўрсатиб ўтди. 1928 йилда Жон Нейманнинг «Стратегик ўйинлар назарияси» номли иши дунё юзини кўрди. Унда ҳозирги замон ўйин назариясининг асосий ғоялари мужассамланган эди. Бу ғоялар Жон Нейман

⁵⁴ Қаранг: [www.dekoder.ru|list_sid/all/section_0_4_2_8/topic_136/](http://www.dekoder.ru/list_sid/all/section_0_4_2_8/topic_136/).

ва О.Моргенштернлар томонидан батафсил ишлаб чиқилган. Ушбу тадқиқотлардан сўнг, ўйин назарияси замонавий математиканинг бўлимларидан бирига айланди. Шу тариқа ўйиннинг ютуқ билан боғланган миқдорий томонлари масаласи математиканинг тадқиқот предмети бўлиб шаклланди⁵⁵. Айтиш керакки, рақобат кучли бўлган бозор иқтисодиётида иқтисодий жараён ва бозор агентлари (юзлаб, минглаб ишлаб чиқарувчилар, сотувчилар ва сотиб олувчилар)нинг ўзаро муносабатлари катта ўйин моделини беради, қарорлар маълум ва эҳтимолий ахборотлар асосида қабул қилинади, номуайян (номаълум) вазият ҳам бўлиши мумкинлиги ҳисобга олинади. Табиийки, бундай шароитда интуиция ёки шахсий тажрибага таяниб қарор қабул қилиш (рақобатбардош ўйин ўйнаш) ниҳоятда мушкул ишга айланади. Мана шундай вазиятда математик ўйин назарияси ёрдамга келади.

Бу борада файласуфлар ва олимлар томонидан ўйин феноменининг эстетик, маданий, иқтисодий, педагогик ва психологик таҳлиллари ҳам кўриб чиқила бошланди. Олдин фалсафий мулоҳаза предмети бўлган ўйин тушунчаси энди ижтимоий-гуманитар фанларнинг тадқиқот объекти доирасига кириб борди.

Ўйин тушунчасига қизиқиш XVIII асрнинг иккинчи ярми – XIX асрда Шиллер ва Спенсерларнинг тадқиқотларида кўзга ташлана бошлади. Немис маърифатчилигининг йирик вакилларида бири Фридрих Шиллер ўйиннинг эстетик жиҳатларига кўпроқ урғу бериб, унда инсоннинг умумий борлигини акс этилишини таъкидлаб ўтди. У гўзалликнинг моҳиятини ўйинда кўрди. Ўйин деганда инсоннинг ижодкорлик табиати намоён бўладиган, маданият яратадиган эркин фаолияти назарда тутилади. Қадимги Юнонистондаги Олимпия ўйинлари бунинг

⁵⁵ Қаранг: Нейман Дж., Моргенштерн О. Теория игр и экономическое поведение. - М.: Наука, 1970. -983 с.; Фон Нейман Дж. К теории стратегических игр //В сб.:Матричные игры. -М.: Физматгиз,1961. С.173-204.

мисолидир. Бунинг қарама-қаршиси эса, Римдаги гладиаторлар урушидир. Шиллер таълимотига кўра, инсон том маънодаги инсон ҳолатидагина ўйнай олади. Мана шу ҳолда ўйнаганда ҳақиқий инсон бўлади. Демак, унинг фикрича, ўйин ташқи эҳтиёжлардан, заруриятчиликдан озод бўлган лаззатланишдир⁵⁶. Герберт Спенсер эса ўйин тушунчасига ўзига хос эволюцион ёндашиб, унинг машқ қилдириш функциясига алоҳида эътибор қаратган⁵⁷.

Ўйинни алоҳида тадқиқот предмети сифатида биринчи марта немис файласуфи ва психологи К.Гросс 1899 йилдан бошлаб ўргана бошлаган. У ўйиннинг машқ қилдириш функциясига алоҳида урғу беради. Спенсернинг ғояларини давом эттирган ҳолда К.Гросс ҳайвонлар ва инсонлар ҳаётида ўйиннинг ролини кўрсатиб берувчи бир бутун концепция ишлаб чиқишга ҳаракат қилди. Гросснинг концепцияси ХХ асрнинг 30 йилларигача етакчи ғоя сифатида мавжуд бўлди. Шу билан бирга, тадқиқотчиларнинг берган баҳоларига кўра, К.Гросс назарияси ўйиннинг аҳамиятини тавсифласа-да, лекин унинг моҳияти, ўзига хос жиҳатлари хусусида фикр билдирилмаган⁵⁸. Шу вақтда ўйин муаммосига эътибор қаратган Ф.Бойтендайка ҳам Гросс назариясини танқид қилиб, инстинктив фаолият шакллари ҳеч қандай машқ қилишга муҳтож эмаслигини, бу фаолият инсонларда ҳам, ҳайвонларда ҳам ўз-ўзича шаклланишини айтиб ўтган. Олим ишлаб чиққан ўйин назарияси асосида боланинг ривожланаётган организмга хос бўлган, нерв-психик структурасининг етилиб пишишини намоён этаётган эҳтиёжларини қондиришга қаратилган фаоллик ғояси ётади. Бойтендайканинг фикрича, боланинг нерв-психик структураси қуйидаги ҳолатлардан иборат:

- 1) ҳаракатнинг йўналтирилмаганлиги;
- 2) импульсивлик;

⁵⁶Қаранг: Шиллер Ф. Письма об эстетическом воспитании //Ф.Шиллер.- URL:http://vanako.lib.ru/books/culture/shiller_4_letters.htm/

⁵⁷ Қаранг: www.andreyland.com/2017/08/24/philosofy/

⁵⁸ Қаранг: www.tetki-mama.ru/gross

- 3) атроф-муҳит билан аффектив алоқаларнинг мавжудлиги;
- 4) тортинчоқлик, нотаниш предметдан хавфсираш⁵⁹.

Ўйиннинг фанлараро тадқиқот объектига айланиши

Ўйин жисмоний ва интеллектуал фаолиятнинг бир тури ва замонавий культурологиянинг асосий тушунчаларидан бири сифатида кенг илмий жамоатчилик орасида Й.Хейзинганинг 1938 йилда чоп этилган «Homo ludens» асаридан сўнг оммалашди, деб айтиш мумкин. Ўйин муаммоси турли фанларнинг предметига айлана бошлади, хусусан, маданият тарихи, этнография, педагогика, психологияда атрофлича ўрганила бошланди.

Ўйин устида мулоҳаза юритган файласуф – экзистенциалист Ж.П.Сартрнинг фикрича, у инсон эркинлиги мавжудлигининг кўринишларидан биридир, Ортега-и-Гассет фалсафасида эса ўйин фақат элита қатламга хос бўлган машғулот сифатида талқин этилади.

Умуман олганда, ўтган асрнинг ўрталарида олимлар томонидан ўйинни ё болалар ўйини, ё кўнгилочар фаолият тарзида тушуниш кенг тарқалди. Бу эса ўйиннинг илмий техникадан, билишдан, ижтимоий-сиёсий ҳаётдан чегараланишига олиб келди.

Кейинчалик ижтимоий-сиёсий, иқтисодий муносабатларнинг ўзгариши, мураккаблашиши ўйинга бўлган муносабатга таъсир этди. Унинг илмий билишлик, бошқарувчилик функциялари эътироф этила бошланди. Ўйин муаммоси билан шуғулланиш ва илмий рационал методларнинг яқинлашуви, фанлараро ҳамкорлик бир қатор яхши натижаларини берди. Бу ижтимоий фаолиятга тизимли ёндашувни шакллантирди. Ўз-ўзини ташкиллаштирувчи тизимларнинг ўзаро мураккаб алоқаларини ўрганишда назарий-ўйинли ёндашув қўл келди. Бунинг натижасида,

⁵⁹ Қаранг: www.tetki-mama.ru/gross

ўйин тушунчасига бўлган муносабат ҳам ўзгарди. Ўйин тушунчаси бугунги кунда математика, компьютер технологияси, иктисодиёт, сиёсатшунослик, фаншунослик (фандаги жараёнларни ўйин модели сифатида қабул қилиш) ва маданиятшунослик фанларида умумилмий категория даражасига кўтарилди. Шу билан бирга, ўйин тушунчасининг онтологик ва гносеологик аспектларини тадқиқ қилиш ишлари ҳам ўйин фалсафаси доирасида олиб борилмоқда.⁶⁰ Онтологик планда ўйин тизимнинг динамик ҳолати ёки тизимлараро ички тизимли алоқанинг бир кўриниши, деб белгилаш мумкин. Гносеологик томондан олиб қараганда, ўйин ўзига хос тадқиқот объекти, статистик ва эҳтимолли хислатларга эга бўлган объектларни ўрганадиган фанларда қўлланиладиган назарий-ўйинли метод эса муаммога янгича ёндашув сифатида эътироф этилади.

Мураккаб тизимлар фаолияти ва кўп факторли муаммоли вазиятларни ўрганиш борасида махсус ўйинга оид моделлар ва сценарийлар тузилган. Бундай моделлар ёрдамида, масалан, табиат ва инсон, организм ва ташқи муҳит, дунё майдони ва давлат, биосфера жараёнлари назарий – ўйинли ёндашув асосида тадқиқ қилина бошланди. Глобал тадқиқотларда ўйин сценарийларидан, методларидан фойдаланиш шуни кўрсатадики, инсон тафаккури бир вақтнинг ўзида кўп параметрлар билан ишлашга мослашмаган. Инсон тафаккури кўникиб қолган бир чизиқли, қатъий сабабиятларни ўрганувчи тафаккур тарзи кўп факторлар билан ишлайдиган, динамик ва синергетик ҳолатини тез – тез ўзгартириб турадиган тизимларни ўрганишга ожиз экан. Шу сабабли ҳам, ЭҲМлар компьютер технологиялари сифатида бундай объектларни ўрганиш имкониятларини кенгайтди.

Бугун инсоният интеллектининг кўпгина функциялари, масалан, хотира, комбинацион тафаккурлаш, вариантларни

⁶⁰Қаранг: www.dynacon.ru/content/articles_idk/363; becmology.ru/blog/warrior|game_phy|01.htm

баҳолаш ва танлаш сунъий интеллект зиммасига юклатилган. Шу сабабли ҳам, билиш параметрлари кенгайган. Айни пайтда, ўйин моделларида ўрганилаётган мураккаб тизим элементларининг ўзаро алоқаларини, муносабатларининг алтернатив вариантлари кўриб чиқилади. Демак, мураккаб тизимлардаги ҳолатлар, хатти-ҳаракатларнинг сценарийси яратилиб, ушбу сценарийдаги кўрсатмаларнинг амалга ошиш қонун-қоидаси ишлаб чиқилади ва бир бутун ўйин моделига айланади. Шу тарзда ўйин модели ёрдамида бундай тизимларнинг кўп вариантли ҳаракати ёки таъсиринининг оптимал йўналиши (ечими), прогноз қилинган, оқибати очиб берилади⁶¹. Шундай қилиб, билиш объектининг мураккаблашиши эвазига, билиш жараёни ва методлари ўзгарди. Агар авваллари тадқиқотчи бир чизик бўйлаб, оддийдан мураккабга томон ҳаракатланса, энди кўп параметрли мураккаб комбинацион тадқиқот олиб боришга имконият яратилди.

Ўйин ва билиш жараёнининг бир-бирига бу тахлит яқинлашуви, билиш жараёни, структураси ва мақсадлари хусусидаги қарашларни ўзгартириб юборди. Эндиликда билиш кенг қамровли тизимли фаолият, ўз ичига қадриятли, башорат қилиш, лойиҳалаш, бошқариш элементларини бирлаштирган фаолиятга айланди. Шу тарзда ўйин жараёни ва уни моделлаштириш ҳам шартли мақсадлар ва нормалар асосида қурилган фаолият турига айланиб боради.

Бу ўринда ўйиннинг иккита асосий жиҳати юзага чиқади, яъни ҳам жалб қилувчилик, ҳам ташқи оламга мослашувчанлик. Бу икки жиҳат намоён бўлганда исталган фаолият ўйинга айланиши мумкин. Ишлаш, дам олиш, ўқиш, суҳбатлашиш ҳам «жиддий», ҳам «ўйин» тарзида амалга ошиши мумкин. Ўйин минимал даражада танлаш имконияти бўлган жойда, яъни экстремал вазиятларда ҳам бўлиши

⁶¹ Қаранг: Демьяненко Е.В. и др. Практическое применение теории игр//www.rusnauka.com/2_kand_2011/Economics/78492doc.htm; Райнер Фелькер. Использование теории игр в практике управления//https://www.cfin.ru/management/game_theory.shtml?ck_url=1.

мумкин. Ўйин қандай ҳолда содир бўлмаслиги мумкин? Қайсики фаолият, ҳатти-ҳаракат тўлиқ табиий физиологик жараёнда бўлса, масалан: уйқуда, оғир касал бўлган ҳолда (кома, стресс, шок) ўйин ҳолати бўлмаслиги мумкин. Шу билан бирга, ўйин бир бутун, тугалланган, асосан, мустақил тарзда рўй берадиган жараёндир. Ўйинда инсон эркин бўлади, лекин шу билан бирга, ўйиннинг структураси, тузилиши ва қатъийлиги билан ажралиб туради, инсонни ўзига тўлиқ буйсундиради.

Ўйин – илмий билиш предмети сифатида

Инсон билиш фаолиятини ҳам ўйин қондалари асосида қуриши мумкин. Билишга оид бўлган қандай мураккаб масалалар ўйин назарияси ёки ёндашуви ёрдамида яхшироқ ҳал қилинади? Бу саволларга жавоб беришдан олдин, ўйин феноменини яхшироқ ўрганишимиз, уни билиш билан таққослашимиз лозим.

Илмий нуқтаи назардан ўйин ва билиш ўз мақсади ҳамда амалга ошириш воситаларига кўра бирлаштириб таққослаб бўлмайдиган, ҳаттоки, бир-бирига зид бўлган икки феномендек кўринади. Билиш тафаккур ва ирода маҳсули, қийин ҳамда жиддий фаолият сифатида эътироф этилса, ўйин дам олиш, кўнгил ёзиш ҳодисаси ҳисобланади. Билишнинг мақсади ҳақиқатга эришиш, борлиқни англаш, объектларнинг хоссаси ва структурасини ўрганишдан иборат. Ўйин эса, ўзидан ташқарида бирон бир мақсадга эга эмас. У ноутилитар ҳодиса ҳисобланса ҳам, лекин, уни бойлик орттириш, фойда манбаига айлантириш мумкин. Билиш объектив реалликнинг инъикосини берса, бу ҳали ўйин эмас⁶², қачонки, билиш жараёни ўйинга тортилса, объектив реаллик ўйиннинг элементига айланса, яъни ўйин модели яратилса, ўйин ва билиш жараёни қўшилиши мумкин.

⁶² Қаранг: Петрова И.В. Соотношение феноменов “игра” и “исследование” // <https://ciberleninka.ru/articl/n/sootnoshenie-fenomenov-igra-i-issledovanie>.

Билиш жараёни қачон мавжуд бўлади? Қачонки, ҳақиқатга интилиш мавжуд бўлса, ҳақиқат ва “ночин” мазмунлар бир-биридан ажратилса, фактларга таянилса, билиш жараёни ҳосил бўлади. “Ночин” маълумотлардан ташқари (тажрибада тасдиқланмаган илмий фараз) ёлғон мазмун ҳам бўлиши мумкин. Ёлғон, сохта хулосалар, ҳақиқатни онгли тарзда яшириш, билиш жараёнига хос бўлмаган хислатлардир. Ўйин эса шундай жараёнки, унда ҳақиқатни яшириш, рақибни алдаш, ўйин учун зарур бўлган барча хатти-ҳаракат амалга оширилади, ўйинда бу қораланмайди. Масалан: футболда ўйинчилар хатти-ҳаракати (“финт”, “дриблинг” ва бошқалар) билан бир-бирини алдайди, шахматчилар рақибни чалғитиш мақсадида алдамчи юришлар қилади. Уларни фарқлайдиган яна бир муҳим томони шундан иборатки, билишда конкрет натижага эришиш вақт жиҳатдан чегараланмаган, масалан, ёруғлик тўлқиними ёки заррачалар оқимими, деган муаммонинг ечилиши 200 йилдан ортиқ вақтга чўзилди, ўйин эса, албатта, тугайди. Ўйин вақт ва мақсад жиҳатидан аниқ чегараланган, вақти келиб, у ёки бу якунини топади.

Ҳар хил ўйинлар ўзида билишга оид турли функцияларни, характеристикани намоён қилади. Жисмоний ва ақлий, икки кишили ва гуруҳий, катталар ва болалар ўйинлари турлича шароит, турлича билиш жараёнини ва фаоллик турини келтириб чиқаради.

Мураккаб тизимларнинг ўйин модели асосида моҳиятини очиш жараёнида предметларни, одамларни, шароитни, физик ва математик қонунларни ўйинга қандай таъсир кўрсатишини ўрганиш ва билиш ҳам мумкин. Лекин ўйин пайтида ўйинчи унга шу қадар берилиб кетадики, бевосита ўйинга таалукли бўлмаган нарсаларга, ҳолатларга эътибор бермайди. Масалан, ўйин пайтида футболчи тўпнинг нимадан яралганлигига эътибор бермайди, бу ҳақда ўйламайди ҳам. Шундай бўлиши ҳам керак. Чунки ўйин жараёнида, ўйиндан ташқари нарсаларни ўйлаш, ўйиннинг

бузилишига, керакли натижага эриша олмасликка сабаб бўлиши мумкин.

Бугунги кунда урбанизация, илмий-техник тараққиёт таъсирида ўйиннинг айрим анъанавийлари йўқолиб, янгилари вужудга келаётганлиги тез-тез таъкидланади. Бу эса яшаш тарзининг ўзгариши оламни ўйин орқали хис қилишнинг, ўйин элементларининг ижтимоий ҳаётнинг энг юқори қобиғига кўтарилганлиги билан ҳам боғлиқдир. Шу сабабли, ўйин феноменини янада тўлароқ тушуниш, унинг моҳиятига чуқур кириб бориш учун уни илмий ва фалсафий рефлексия предмети даражасида ўрганиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Ўйин ва фан: ўхшашлик ва фарқ

Илмий билишнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлган фаннинг ўйин билан боғлиқ томонларини кўриб чиқадиган бўлсак, уларнинг доимо бири иккинчисини тақозо қилишига гувоҳи бўламиз. Тўғри, фан ва ўйиннинг ўзаро муносабатлари масаласи адабиётларимизда махсус тадқиқот предмети бўлмаган. Бу масаланинг қўйилиши, дастлаб қараганда, жиддий муаммо эмасдек кўринади. Дарҳақиқат, фан бутун борлиғи билан диққат талаб қиладиган, кўп куч ва иродани тақозо этадиган меҳнат жараёни билан боғлиқ. Ўйин эса унинг акси ўлароқ, беташвиш болаликнинг алоҳида имтиёзи, шунингдек, катталарнинг ишдан бўш вақтларида дам олишлари ва кўнгил ёзишларининг бир кўринишидек туюлади. Ўйин қизиқарли бўлса-да, жамият учун тўғридан-тўғри фойда келтирмайдиган, унумсиз ва нојиддий фаолият ҳисобланади.

Аксарият энциклопедик луғатларда ўйин сабаби натижасида эмас, балки жараёнда ётадиган каммаҳсул фаолият тури, дея эътироф этилади⁶³.

⁶³ Игра //Большой энциклопедический словарь. -М.; 1998.-С.434.

Бундай нуқтаи назарларга қарамай, юқоридаги масаланинг қўйилиши ҳам маълум бир маънодан йироқ эмас. Фан ва ўйин орасидаги ўхшашликдан етарли даражада фойдаланиш фан ва билиш жараёнининг кейинги тараққиётига ижобий таъсир кўрсатади. Фан ва ўйин орасидаги ўзаро нисбат масаласи тадқиқотчилар томонидан бот-бот тилга олиниб турилиши ҳам бежизга эмас. Масалан, В.Налимовнинг фикрича фан агар бошқа оламдан келган метакузатувчи нуқтаи назари билан қараганда бу - «шу пайтгача бирон марта таснифланмаган ва кодификация қилинмаган бўлса ҳам, 300 йилдан буён ҳаммага маълум ва тушунарли бўлган қоидалар бўйича ўйналадиган ўйиндир.

Ўйиннинг бош қоидаларидан бири унинг зерикарли бўлмаслигидадир. Бу ўйин ўзининг кескинлигини йўқотган пайтданок мураккаб фаразлар вужудга келиб, ўйин қоидалари алмаштирилган⁶⁴.

Я.А.Смородинский фан масаласида худди шунга ўхшаш фикрларни билдириб, қуйидаги мулоҳазани илгари суради: «Фан исталган вақтда изчил ва барқарор фаолият сифатида кўринса ҳам, аслини олганда, театр саҳнасидагидек шартли кўрсаткичларга тўла. Фақат ўйин қоидаларини англаб, қабул қилиб, фан тараққиётини кузатиш ва авж олаётган ҳаракатни тайёрлашда фаол иштирок этиш керак⁶⁵. Фаннинг ана шу «театрга ўхшашлик» масаласига алоҳида тўхталган Д.Бом «теория» ва «театр» сўзларининг этимологик жиҳатдан яқинлигини кўрсатади. У актёрнинг ўз ролига ҳамда театр намоёйишига кўникишига ўхшаш бўлган табиий назарияни уларнинг келгусида концептуал қайта тиклашлари билан аниқланган кўринишлар оламига хос кўникиш усулларига

⁶⁴ Налимов В.В. Структура науки и логика принятия гипотез; теорема научного критицизма. -В кн: Будущее науки: Естествознание и экология. -Дубина, 1974 г. -с. 117

⁶⁵ Смородинский Я.А Развитие основных понятий в физике 20 века. – Вопр. философии, 1977. -№5. -с.67.

ўхшаш усуллари кўрсатиб ўтади⁶⁶. Яъни, бунда фан орқали яратилган назарияни ҳам худди ўйиндаги каби рол ўйнаш орқали барчага бирдек сингдириш кераклиги назарда тутилмоқда.

К.Вайцезеккернинг хотирлашича, Гейзенберг бир неча марта унга «Гроссмейстерларнинг шахмат партиялари»га ўхшаш ном билан аталадиган китоб ёзишни таклиф қилган. Гейзенбергнинг ғоясига биноан, бу китоб фалсафага замонавий физиканинг қўшган катта ҳиссасини тасвирлаши керак эди. Унинг мазмуни «шахмат партиялари» қатори шаклида, турли анъанавий фалсафий йўналишлар: платониклар, томистлар, позитивистлар, кантчилар, гегелчилар ва бошқаларни ёқловчиларга қарши мазмунга эга бўлиши керак эди. Бу ғоя фан ва ўйинни ўзаро қиёслаштиришга бўлган уриниш эди, десак хато бўлмас. Айтиш жоизки, бу ғоя қисман Гейзенбергнинг «Қисм ва бутун» асарида ўз ифодасини топди. У бу асарида XX асрда атом физикасининг туғилиши ва тараққиёти жараёнини Платон диалогларнинг эркин, ўйноқи оҳангида тасвирлайди. Гейзенберг хотирасига бағишланган ўз эсдалик мақоласида К.Вайцеккер физика мазмунининг фалсафий бойиши билан у ёки бу фалсафий дастурнинг тарафдорлари орасидаги муносабатни «шахмат партиялари»нинг ўзига хос даврий сафланиш доимийлигининг ўхшашлигидан фойдаланиб тасвирлади⁶⁷. Умуман олганда, бу мазмундаги, яъни «шахмат ўхшашлигидан» фойдаланишга доир қарашларни бошқа муаллифларнинг олиб борган тадқиқотларида ҳам кузатиш мумкин. Илмий тадқиқотларни кроссворд, топишмоқ ва бошқотирмаларни ечиш билан қиёслаш кенг тарқалган. Фан ва ўйин орасидаги у ёки бу даражадаги ўхшашлик ўйиннинг

⁶⁶ Bohm D. On the creation of a deeper insight into what may underlie quantum physical law. -In: Quantum mechanics, determinism and particles. Dordrecht, Holland, 1976, p.1.

⁶⁷ Weizsacker.C.F. von. Notizen uber die philosophische Bedeutung der Heisenbergschen Physik. -In: Weizsacker.C.F.von, Waerden.B.L. van der. Werner Heisenberg. Munschen; Wien, 1977.

барча асосий аломатлари муносабатида текшириб борилади. Улар орасидаги диққатга сазовор муқобилларни истаганча келтириш мумкин. Фан ва ўйиннинг ўзаро муносабати масаласининг қўйилишига асосий сабаб, ўйин учун белгиланган фаолиятга кишилиқ жамияти маънавий маданиятнинг турли тараққиёт босқичларида уларнинг муҳим ва ажралмас таркибий қисми сифатида қараш, замонавий социологик ва маданий тадқиқотларда ўйин феноменига сўнгги йилларда қизиқишнинг сезиларли даражада ўсиши билан боғлиқ. Бундай ёндашув ибтидоси сифатида Ф.Шиллернинг ўйин муносабатлари орасида инсон моҳиятини ифодалашнинг олий усули эканлигини кўрсатувчи қуйидаги фикрларини яна алоҳида таъкидлаш жоиз: «Инсон инсонлигини англаб етгандагина ўйнайди ва у ўйнаётган пайтидагина тўлалигича инсон бўла олади».⁶⁸ Ўйин фаолиятининг асосий ғояси XX асрда Р.Кайюа ва Е.Хейзингаларнинг тадқиқотларида ўзига хос концептуал шаклига эришган бўлса, бу ғоя Г.Гессеннинг «Маржон ўйини» фалсафий романида ўзининг ёрқин бадиий ифодасига эга бўлди.

Ўйин инсон маданиятининг кўп қиёфали ва барчага тушунарли феномени сифатига эга бўларкан, ўзининг кутилмаган чуқур мазмунини намоён қилиб боради. Фан билан ўйинни ахлоқий соҳада қиёслаш эътиборга лойиқдир. Одатдаги ўйинга ахлоқ меъёрларидан маҳрум, «соф» машғулот сифатида қаралади. Ана шундай тизимли, атрофлича умумлашган хулосаларга эътиборнинг ошаётганлигидан келиб чиқиб, шунини айтиш мумкинки, ўйин фаолиятининг таҳлили кўпгина Ғарб тадқиқотларида «соф руҳият» жабоҳасидагина эмас, балки инсоннинг моддий ва маънавий жиҳатларига кўра унинг фаол ҳаётига ҳам тааллуқли эканлиги ўз тасдиғини топмоқда ва бу кейинги пайтларда чоп этилган адабиётларда сезиларли даражада

⁶⁸ Шиллер Ф.Письма об эстетическом воспитании человека. Собр.соч. -М., 1957.-Т.6. -С.302.

кўзга ташланмоқда⁶⁹. Шу йўналишда олиб борилаётган тадқиқотлардан келиб чиқиб, айтишимиз мумкинки, меҳнат жараёни ҳам жисмоний ва интеллектуал кучлар ўйини эканлиги билан характерланади.

Кейинги пайтларда замонавий фалсафа, эстетика ва социология учун жамоа маданий ҳаётининг турли қирралари билан ўйинни боғловчи кластерли ҳодисалар ҳалқаси жуда кенгайиб кетди. Бу ҳолат ўйиннинг маданий - маънавий бойликларни ишлаб чиқариш жараёнига боғлиқлигини кўрсатиш имконини берди.

Ҳозирда бундай қараш сиёсат ва иқтисодиётдан тортиб, молекуляр биологиягача бўлган соҳаларда кенг қўлланилмоқда. Шу билан бирга, илмий тараққиёт ва илмий ижодиёт жараёнларини режалаштириш ишларида расмий имкониятларга мос келмоқда.

Тадқиқот қанчалик асосий бўлса, шунча юқори даражадаги эркин ижодий муҳит ва креатив тафаккурни талаб қилади. Шундагина, у ташқи қатъий белгилаш ва мажбур қилишга шунча кам йўл кўяди. Қисқа қилиб айтганда, киши нон топиш учун ёки бошқа бирон хил мажбурият юзасидан фан билан шуғулланмаслиги керак, агар у бунга мажбур бўлса, унда фан мажбур берилган топшириқни бажариш фаолиятига, яъни бир зайлда, бир хил воситалар билан амалга ошириладиган меҳнатга айланади. Ўзининг бевосита сабабий боғланиш хусусияти нуктаи назаридан мажбур қилиш борасида меҳнат ҳамда ўйин фаол ва онгли инсон фаолиятининг икки қутбини акс эттиради.

Фан меҳнат фаолияти сифатида иккинчи қутбга киритилади. Таъкидлаш жоизки, худди шу қутбга эркинлик, ҳиссийлик, кўтаринкилик унсурлари билан тўлиқ бўлган ва ўйинни эслатадиган ҳамда инсон меҳнатини ижодга айлантирадиган ҳар қандай меҳнат фаолияти кўринишлари

⁶⁹ Қаранг: Ретюнских Л.Т. Философия игры // <https://www.ozon.ru/cjntext/detail/id/6496469>; Философия игры и реальность // www.dynacon.ru/content/articlis_idk/363 ва бошқалар.

хам киради. Бу икки кутб кундалик ҳаётда ҳам ўз аксини топган. Масалан, ўз касбида камолотга эришганлар ҳақида «ишини ўйнаб бажаради», - дейишади.

Илмий иш билан машғул бўлмаган кишилар учун «фундаментал» - «асосий» сўзи, маъносида кўпинча, моддий ва руҳий ҳодисаларнинг янги хоссалари ва кўринишларини тадқиқ қилишнинг аҳамиятга моликлигини ва бартараф қилиб бўлмайдиган муаммовийлиги, фаразийлиги ҳамда кафолатланмаганлиги биринчи ўринга чиқиб кетади. Бироқ бу ҳол кўпчилик олимлар томонидан жиддийлик билан тан олинган. Бунинг исботи учун физик олим Нютоннинг куйидаги иқрори етарли: яъни, у ўзини ҳали тадқиқ қилинмаган маконларда ёйилиб ётган ҳақиқат уммони соҳилида майда тошчаларни ўйнаб ўтирган ёш болага қиёс қилади.

Билиш фаолиятининг ички мушкуллигини, доимий олдиндан ҳал қилиб қўймаслигини ҳис қилиш Г.Гессеннинг «Маржон ўйини» асарида ҳам учрайди. Асар қахрамонларидан бири бўлган Тегуляриус томонидан унинг ўзи ўйлаб топган ўйинлари ҳақида шундай фикр айтилади: «Унинг ҳар бир ўйини шунчалик қизғин ва чуқур қатъийлик билан ўз қарорига интилардики, охир-оқибатда ўйинлар олижаноблик билан ўз яратувчисидан воз кечарди. Натижада, бу ҳол худди фонийлик учун мутлақо мавжуд бўлган барча гўзалликка хос ғамгинликка ва инсон руҳиятининг юксак интилишини баҳоловчи муаммовийликка айланарди»⁷⁰.

Бу ўринда ўйиннинг муқобили илмий фаолиятнинг бошқа томонига диққатни қаратаёпти. Бу нарсаларнинг катта қисми мантиқий сайқалланган илмий нашрларда умуман акс этмайди. Аммо улар илмий мунозаралар ва илмий-эсдалик адабиётида етарли даражада очиқ-ойдин акс эттирилади. Фаннинг мана шу томонларини инглиз файласуфи Майкл Полани ўзининг “Шахсиятли билим. Посттанқидий фалсафа

⁷⁰ Гессе Г. Игра в бисер. -М., 1969. -с.158.

томон” деб номланган (1958 й.) китобида баён этилган ноошкора билим концепциясида батафсил таҳлил қилади⁷¹.

Ички муаммовийлик, илмий изланишнинг мунтазам тугалланмаганлик ҳисси, эришилган натижаларни қайта – қайта таҳлил қилиш, баҳолаш туфайли ҳар қандай ҳақиқий тадқиқотнинг танқидий руҳини таъминлайди. Шу сабабли, таниқли олим С.Аверинцев тўғри таъкидлаб шундай ёзади: «Фаннинг ўзи ёки уни яратувчи илмий онгининг етарлича жиддий тарзда ўзи учун даврий равишда ўйин муҳитини, ўйин фаолиятини талаб қилишини инкор этиш мумкин эмас»⁷².

Илмий фаолиятнинг ўйиндан кўзга яққол ташланувчи ва катъий фарқларидан бири унинг жиддий, режали, кўп босқичли жараён характерга эга эканлиги билан боғланган. Одатдаги кундалик нутқда ўйин аксарият ҳолларда ҳар қандай жиддий ва фойдали машғулотга зид қўйилади («Бу сенга ўйинчоқ ўйнаш эмас», «ўйин қилма!», «Жиддий иш билан шуғуллан», «ўйинни бас қил!»).

Ўйин ишлаб чиқариш ёки моддий бойликни қўлга киритиш билан боғлиқ бўлмаса-да, аммо, жуда бўлмаганда, ўйин қатнашчиларининг ўз шахсий ҳиссаларининг қайта бўлиниши (лоторея ва қимор ўйинлари) ёки ғолибларнинг жамият жамғармаси ҳисобидан тақдирланиши тарзида (спорт ўйинлари) юз беради. Фақат ривожланаётган, ҳатто, барча тадқиқотчилар ўзларини мантиқий хатолардан, хурофот таъсирлари ва эски қарашлардан сақлашга кафолат берадиган восита сифатида қўлласалар ҳам фанда (хусусан, назарий тадқиқот босқичида) каммаҳсул қатламнинг мавжудлигини рад қилиб бўлмайди.

XIX асрнинг бошларида француз олими Эварист Галуа яратган математик гуруҳлар назарияси (аникрофи, назарий – ғоявий асоси) фақат XX асрнинг иккинчи ярмида кўпмаҳсул

⁷¹ Қаранг: Полани М. Личностное знание. На пути к посткритической философии Пер. с англ. -М.:Прогресс, 1985. -344.

⁷² Аверинцев С.С. Культурология Йохана Хейзинги. -Вопр.философии, 1969. -№ 3. -с. 174.

илмий йўналишга айланди, ҳаттоки, ўйин назариясига татбиқ қилиш ҳаракатлари бошланди⁷³. Мазкур назарий – муаммовий қатлам ҳар қандай исталган тадқиқий, асосий илмий изланишлар натижаларини «амалиётга жорий қилиш»нинг ноўрин ўртага ташланган талаблари сифатида намоён бўлади. Бу натижаларнинг катта қисми фақат ички илмий қизиқишдан бошқа нарса эмас ва уларни амалга жорий қилишга уриниш бирон-бир самарали натижа келтирмайди.

Умуман олганда, фанга оддий ишлаб чиқариш муҳити сифатида ёндашиш ишончли эмас. Бу нарса кўз ўнгимизда фан ва ишлаб чиқариш интеграциясининг кучайиши билан фан ўзига хос хусусиятларини йўқотаяпти, дегани эмас. Ўзининг изланишга хос хусусиятига кўра, фан ўйин ҳаракати билан боғлиқ бўлган интеллектуал фаолиятнинг ноишлаб чиқариш муҳити бўлиб қолаверади.

«Илмий ўйин» қоидалари ўзбошимчалик билан ўйлаб чиқарилган ва ўзгартирилган бўлиши мумкин эмас, улар ўрганилаётган борлиқ билан мос бўлиши шарт, улар исботлаш ва асослашни талаб қилади. Вақт ўтиши билан уларнинг ўзгаришларини ўрганиш, четдан туриб кузатувчига зерикарли бўлиб туюлган ҳолатлардан уни чалғитишни эмас, балки, биринчи навбатда, объектив борлиқнинг илмий қурилиши билан мослик талабини таъминлайди. Бу ўзгаришлар жараёнида юз берувчи илмий фаолият қонун - қоидаларидан четга чиқиш унга ўзгача драматизм, диққат ва ҳатто ортиқча қизиқиш унсурларини олиб келади. Иштиёқ талаби билан бу ҳолат маиший ҳаётнинг янги уфқларига олиб боради. Шунга қарамай, фанда шаклланган қонун-қоидалардан четга чиқиш азалий тартибларни бузишдангина иборат эмас, балки янада кенгроқ ва аниқроқ табиат қонунлари ҳисоби катта ёки кичик даражада бир қанча оддий ўйинлар учун ҳам характерли бўлиши мумкин. Бу борада Г.Штаунденгер шундай ёзади: «Токқа саёҳат қилишда ўйин

⁷³ Қаранг: Аллен Р. Математическая экономия Пер.с англ. -М.: Изд.иностр.лит.,1963. Гл.14. – с.404 - 416.

инсоннинг табиатга, табиий вазиятларнинг беқарорлигига қарши «жангга кириши» билан ифодаланади. Дорбоз оғирлик кучига қарши «ўйнайди», жонглёр эса оғирлик кучи ва марказдан қочма кучга қарши «ўйнайди». Шубҳасиз, бу ҳалол бўлмаган, ғирром, мусобақа ўйинларидир»⁷⁴. Бу таърифга кўра, ушбу ўйинларда «ўйинчилар» табиат ҳодисаларини кузатувчилар сингари қонун-қоидаларни танлашда эркин бўлмайдилар. Ниҳоят, ўйин фаолиятининг бошқа белгиларидан бўлган «хаёлий», шартли моҳияти билан боғлиқ аломатида ўйинчи ҳар доим ўзининг кундалик ҳаётдан фарқ қилувчи шартли воқеликда ҳаракат қилаётганини билиб туради. Кундалик, одатдаги нутқда бу ўйин ахлоқи сохта, ясама хулқ сифатида тез-тез табиий феъл-атворга қарама-қарши туради.

Илмий фаолият муайян маънода икки - ҳақиқий ва шартли олам орасидаги ҳудудда ривожланади. Илмий қонунлар таърифланади ва ҳар доим эмпирик воқеликнинг бевосита кўринишида мавжуд бўлмаган идеал назарий объектларга конструктларга боғлиқ ҳолда ўзига хос аломатли шаклда намоён бўлган ҳолда ишлаб чиқилади. Фан олами бу назариялаштирилган, тартибга солинган, «маданийлаштирилган» олам бўлиб, илмий фаолият машғулотларидан бири бўлиши мумкин бўлган кундалик ҳаёт ва кундалик шуурнинг оламга муносабатига зид туради. Бу ҳолат А.Эйнштейн томонидан бир неча марта таъкидланган: «Санъат ва фандаги ижодиёт борасида мен Шопенгауэрга тўлиқ қўшиламан; унинг фикрича, бундай ижод ҳаётнинг бир хиллиги ва зерикарли эканлигидан қочиш натижасида, инсон ўзи яратган тимсоллар билан тўлиқ оламдан паноҳ излаши натижасида юзага келади. Бу олам худди мусиқа ноталари сингари математик формулалардан ҳам яратилиши мумкин. Биз ўзимизни эркин ҳис этадиган ва кундалик ҳаётда эришмаган қатъиятни эгаллаш мақсадида

⁷⁴ Staudinger H. Op. cit., s. 276-277

ақлга мувофиқ келадиган ҳаёт манзарасини яратишга интиламиниз»⁷⁵.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, фан билан ўйин ўртасидаги ўхшашлик чуқур асосга эгадир.

Хуллас ўйинни илмий билиш предмети сифатида таҳлил қилиб, шундай хулосага келиш мумкин: *биринчидан*, инсон билиш фаолиятини ҳам ўйин қоидалари асосида қуриши мумкин ва ҳар хил ўйинлар ўзида ҳар хил билишга оид функцияларни, характеристикани намоён қилади. Жисмоний ва ақлий, икки кишилик ва гуруҳий, катталар ва болалар ўйинлари турлича шароит, турлича билиш жараёнини ва фаоллик турини келтириб чиқаради.

Иккинчидан, назарий ва амалий фаолият учун самарали натижани берадиган фикрлаш жараёнига ўйин концепцияси ўзига хос туртки вазифасини ўтай олади;

Учинчидан, фан ва ўйин ўртасидаги қиёслаштиришдан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, фан ва ўйин ўзаро чамабарчас боғлиқ жиҳатларга эга, ҳамда фан ўйин учун ҳам объект, ҳам тадқиқот предмети бўла олиши мумкин;

Тўртинчидан, билиш ўйин жараёнида ахлоқий, ижтимоий ва психологик функцияларни бажаради. У ёки бу ўйиннинг ижтимоийлашиш ва институтлашиш даражаси унинг билишли имкониятларига таъсир ўтказади ҳамда кишиларнинг ички ҳолати уларнинг қандай ижтимоий ўйинларга тортилганликлари таъсирида бўлади.

Ушбу ўринда хилма-хил фанларда турли-туман ўйин концепциялари ва назариялари мавжудлигини эътироф этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўйин назариялари: эпистемологик ва методологик таҳлил

Ўйин назарияси ва унинг моҳияти, ўйин ҳақидаги билимнинг воқеликка бўлган муносабати, унинг умумий ва

⁷⁵ Эйнштейн А. О науке. - Собр.науч.тр., 1967, т. 4. -с. 143.

назарий асослари каби масалаларни кўриб чиқар эканмиз, бу ўринда икки хил ёндашув мавжудлигини қайд қилишимиз мумкин. Биринчидан, номологик ёки моҳиятли ёндашув, яъни бунда ўйин моҳияти, структуравий ва функционал қонуниятлари ҳақидаги турли назарий қарашлар, ўйиннинг умумназарий асослари ва ўйин назарияларининг таҳлили кўздан кечирилади. Иккинчидан, соҳавий ёндашув, яъни турли соҳаларда яратилган ўйин назариялари, хусусан, иқтисодий ўйин назарияси, педагогик ўйинлар назарияси, математик ўйинлар назарияси кабиларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Демак, ўйин назариясининг эпистемологик таҳлилини бериш орқали унинг моҳиятига чуқурроқ кириш имконияти туғилади.

Кенг маънода, ўйин назарияси уни ташкил этувчи асосий тушунча ва тамойиллардан, ғоялар, ёндашувлар комплексидан иборат.

Тор маънода ўйин назарияси:

- а) асосий фундаментал тушунчалар;
- б) тамойиллар (ўйин қоидаларининг инъикоси);
- в) ўйиндаги қонуниятларни акс эттирувчи доимий намоён бўладиган қонун даражасидаги ўйиннинг хоссаси, хислатларини акс эттирувчи қонунларнинг мавжудлиги;
- г) ўйиннинг мазмуни, моҳияти, сабабий томонларини тушунтирадиган (нима учун даражасида) ғоялар, умумлашмалар;
- д) башорат (назариялик хислатидан келиб чиқадиган) ёки функционал хулосалар ва умумлашмалардан иборат, деб белгилаш мумкин.

Ўйин назариясининг функциялари:

- тавсифланадиган ўйинларни баён қилиш, тасвирлаш, моделини ишлаб чиқиш (педагогикада, математикада);
- тушунтирадиган ўйин назариялари; ўйиннинг моҳиятини, сабабий боғланишларини, қонуниятларини (нима учун ва қандай деган саволларга жавоб берадиган назариялар);

- башоратомуз функцияни бажарадиган ўйин назариялари (математикадаги ўйин назариялари).

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўйин назарияси ёки ўйин тушунчасига қизиқиш кеча ёки бугун пайдо бўлган эмас. Бу борадаги тадқиқотларнинг илдизи анча олисга бориб тақалади. Ўйин билан боғлиқ бўлган физиологик, энергетик хислатлар ва хоссалардан келиб чиқиб, ўйин назариясининг концептуал асослари ҳамда манбаларини қуйидагича белгилаб олиш мумкин:

- нерв кучининг ортиқчалиги назарияси (Г.Спенсер, Г.Шурц);

- машқ қилиш функцияси, физиологик ва психик эҳтиёжлардан келиб чиққан фаоллик (К.Гросс, В.Штерн, Ф.Бойтендейк ва бошқалар);

- функционал мароқ олиш ва туғма интилишларни амалга ошириш назарияси (К.Бюлер, З.Фрейд, А.Аддер);

- диний ибтидо назарияси (Хейзинга, Вселоводский-Генграсс, Бахтин, Соколов ва бошқалар);

- ўйинда дам олиш назарияси (Штейнталь, Шалер, Патрик, Лацерус, Валдон);

- ўйинда боланинг маънавий ривожланиши назарияси (Ушинский, Пиаже, Макаренко, Левин, Выготский, Сухомлинский, Эльконин);

-ўйин орқали воқеликка таъсир кўрсатиш назарияси (Рубинштейн, Леонтьев, Узнадзе);

- санъат ва эстетик маданиятнинг ўйин билан алоқадорлиги (Платон, Шиллер, Фребель, Спенсер, Рид ва бошқалар);

- меҳнат ўйинни пайдо бўлиш манбаи сифатида (Вунд, Плеханов, Лавров, Лафарг, Мазаев ва бошқалар);

- ўйиннинг маданий аҳамиятини мутлоқлаштириш назарияси (Й.Хейзенга, Ортега-и-Гассет, Гессе, С. Лем).

Аслида, ўйинга оид назарий манбалар XVII аср ўрталарида Баше да Мезирак тадқиқотларига бориб тақалади. Зиддиятнинг математик назарияси - ўйин назариясини яратиш ғояси XX аср бошларида шаклланди. Бу жараёнда

К.Бутон, Е.Ласкер, Е.Мур, Э.Цермело, Е.Борел, Г.Штейнгаузларнинг тадқиқотлари муҳим ўрин тутади. Замонавий ўйинлар назариясига алоқадор бўлган биринчи илмий иш Э.Цермело (1913 йил)нинг «Шахмат ўйинида кўплик назариясининг қўлланиши» ҳақидаги рисоласи ҳисобланади. Ўша даврдан математика, иқтисодиёт, биология, кибернетикада қўлланила бошланган ўйин назарияси бўйича тадқиқотлар вужудга кела бошлаган. Шу тарзда бугунги кунда замонавий фанлар тизимида ўзига хос ўрин эгаллаган катта билим жабҳаси – ўйинлар назарияси вужудга келган.

Ўйин назарияси ўйин ҳолатида намоён бўладиган рационалликнинг умумий ва ягона мезонини топишга интилиш натижасида пайдо бўлди. Турли шароитларда, бирор-бир иштирокчи (ўйинчи) вазият ҳақида тўлиқ информацияга эга бўлмаган ва рақибининг эҳтимолий ҳатти-ҳаракатларини ҳисобга олиши шарт бўлган ҳолатлар эҳтиёжи ўйин назарияси пайдо бўлишига турки бўлади. Ўтган асрнинг 60-йилларига келиб ўйин назариясини «ўлаётган фан» деб таъкидлаша бошлашди. Бунинг асосий сабаби ўйин назариясининг башорат қилиш, олдиндан тахминий ҳулосалар бериш қобилияти ниҳоятда паст, ўйинни олдиндан тахмин қилиш, нима билан тугашини олдиндан баҳолаш ниҳоятда мушкул, деб ҳисобланарди. Кўпинча, рационал ўйинчи, қатъий қоидалар асосида ҳаракатланувчи ўйинчи ютқазиб, иррационал таваккал ҳаракат қиладиган ўйинчи ғолиб келади. Бундан ўйин назарияси рационал қарорларга асосланадиган назария эмас, деган ҳулосалар ҳам вужудга кела бошлади.

Ўйин назариясини классик даражада (намунавий маъносида), лекин ноклассик ёндашув асосида 1960-йилларда инглиз математиги Н.Ховард ишлаб чиқди. У мета ўйин назариясини яратди. Метаўйинлар бу шундай ўйинларки, натижалари бошқа ўйинчилар учун қоидалар мажмуи ҳисобланади. Метаўйинларнинг мақсади – қоидалар мажмуи фойдасини кўпайтириш (кучайтириш). Метаўйинларнинг

математик моделини ишлаб чиқиш оптимал механизмлар назарияси билан узвий боғлиқдир.

1970-йилларда канадалик аналитиклар Н.Фрезер ва К.Хайпел ҳам амалий жиҳатдан қўлланилиши қулай бўлган метаўйин назариясини ишлаб чиқишди. Улар турли конфликтлар ва уларнинг ечими хусусида фикр юритишди. Шу сабабли ҳам улар яратган назариянинг амалий аҳамияти кучли. Н.Фрезер ва К.Хайпел турли конфликтлар ва уларнинг ечимиде етарлича рефлексия мавжудлигини исботлашди.

1990 - йилларнинг бошига келиб, Н.Ховард ва унинг бир қатор ҳамкасблари ҳамда ҳамфикр шогирдлари ўйин назариясининг янги йўналиши - драма назариясини таклиф қилишди. Бундан кўзланган асосий мақсад шунда эдики, муаллифлар рационал хатти-ҳаракатнинг чегараларини янада кенгайтиришни, ўйинда ижодкорлик фаолиятини кучайтиришни вазифаси қўйилди. Бу борада муаллифлар томонидан конфликтни ҳал этишнинг ҳар икки томонга маъқул тушадиган ечимини берадиган турли, янгидан-янги усуллари, йўллари таклиф этилди.

Ўйин назарияларининг илмий, ижтимоий ва функционал моҳияти

XX асрнинг охирига келиб шундай муаллифлик ишлари нашр этилдики, уларда ўйин назарияси тизимли бир ҳодиса сифатида эътироф қилинди. Бунда асосий ғоя шундан иборат эдики, ўйин назарияси, бориб-бориб конфликт назариясига айланиши таъкидланди.

Аслида, ўйинлар назарияси экстремал вазиятларда маъқул қарорларни қабул қилиш, ихтилофлар шартлари мавжуд ўзига хос ва мураккаб вазиятларда фаолият юритиш ҳамда улардан чиқиб кета олиш моделларини, йўлларини, шартларини ўрганувчи, уларни тушунтириб берадиган илмий ёндашувдир.

Ўйин назарияси ўз олдига ижтимоий масалалар ва зиддиятли вазиятларда ҳар бир иштирокчи хатти-

ҳаракатининг оптимал (стратегик) қодаларини қайта ишлашни тадқиқ қилиш билан шуғулланишни мақсад қилиб қўйилган катта билим жабҳаси ҳисобланади. Шу билан бирга, ўйинлар назарияси ўйинлардаги оптимал стратегияларни ўрганиш усули ва икки ёки ундан ортиқ томонлар иштирокида ўтадиган ўз ғалабасини амалга ошириш йўлида кураш талаб этадиган жараёнларни ўрганадиган йўналишдир. Улар ўйин ичидаги бошқа иштирокчилар ҳақидаги тасаввурларни уларнинг имкониятларини ва кейинги хатти-ҳаракатларини ҳисобга олган ҳолда энг яхши ўйин йўллари танлаб олишга ёрдам беради. Ўйинлар назарияси бу амалий математиканинг бўлими ҳисобланса-да, кўпинча, усул тарзда иқтисодда, айрим ҳолларда социология, политология, психология, этика ва бошқа фанларда ишлатилади.

1970 йилдан бошлаб ўйинлар назариясидан биологлар жониворлар хулқ-атворини ўрганиш ва эволюция назариясида фойдаланганлар. Ўйинлар назариясига ҳақиқий қизиқиш неоклассик иқтисодда ҳам ўз ифодасини топди. Илк математик аспектлар ва назария иловалари 1944 йилда Джон фон Нейман ва Оскар Моргенштерннинг «Ўйинлар назарияси ва иқтисодий муомала» деб номланган классик китобида баён қилинган. Ушбу америкалик олимлар томонидан ишлаб чиқилган ўйиннинг тизимли математик назарияси рақобатли иқтисодиёт ҳодисаларига математик ёндашув куроли сифатида фан ва амалиётнинг кўп соҳаларида татбиқ этилди. Математиканинг бу соҳаси жамият маданиятида ўз аксини топди. 1968 йилда Ереван шаҳрида ўйинлар назарияси бўйича биринчи халқаро конференция ўтказилди. 1998 йилда америкалик ёзувчи ва журналист Сильвия Назар иқтисод бўйича Нобель мукофоти лауреати ва ўйинлар назарияси соҳаси олими Джон Нэшнинг тақдири ҳақидаги китобни нашр қилди. 2001 йилда эса ушбу китоб асосида «Тафаккур ўйинлари» номли фильм суратга олинди. Ўйинлар назариясининг математик талқини иқтисод бўйича Нобел

мукофоти совриндори Томас Шеллингнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Ўйин назарияси ўз тараккиёти давомида тобора юксалиб бориб, умумий математик ихтилофлар назариясига айланди. Ўйин назарияси доирасида жанг ва ҳуқуққа доир зиддиятлар, спорт мусобақалари, кимор ўйинлари, шунингдек, яшаш учун биологик кураш ходисаларининг математик моделлари ишлаб чиқилди.

Онгли фаолияти давомида инсон, кўпинча, бирон-бир амалий мақсадга эришиши учун ҳал қилувчи қарорларни қабул қилишига тўғри келади. Бунда, албатта, табиий равишда интилиш мақсадни юқори даражада олиб боришни таъминлайдиган ижодий ёндашув асосида ишлаб чиқилган қарорларни қабул қилиш тақозо этилади. Шу сабабли, ўйин назарияси ноаниқлик шароитида оптимал масалаларни ечиш назарияси сифатида қаралади. Бунда у техника, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт ва социологияда бир қатор муҳим масалаларни ҳал қилишни математикалаштириш имкониятини беради. Ўйин назарияси бошқариш, режалаштириш, олдиндан айтиш муаммоларига ёндашиш вазиятида муҳим аҳамиятга эга.

Ўйин назариясида зиддият ҳақидаги шаклланган тасаввурлар ҳисобланадиган ўйин тушунчаси асосий ўринда туради. Ўйин кўринишидаги зиддиятнинг аниқ тасвири кимнинг зиддиятда қандай иштирок этаётганлиги, зиддиятнинг келиб чиқиш эҳтимоллари қандайлиги, шунингдек, бу зиддиятга кимнинг қай даражада қизиқишини кўрсатишдан иборат. Зиддиятда қатнашувчи томонлар ҳаракат коалициялари деб номланади; уларга хос ҳаракатлар стратегиялари дейилади. Зиддиятни келтириб чиқарадиган вазият эҳтимолли вазият деб аталади. Одатда, ҳар бир вазият ҳаракат коалицияларнинг ўз стратегияларидаги вариантларни танлаш натижаси сифатида тушунилади. Зиддиятнинг келиб чиқишидан манфаатдор тарафлар қизиқишлар коалицияси дейилади. Уларнинг қизиқишлари у ёки бу вазиятлар билан белгиланади. Бу танлаш, одатда, сонли ютуқлар билан

ифодаланади. Санаб ўтилган объектлар ва улар ўртасидаги алоқаларнинг аниқлаштирилиши ўйиннинг хусусий синфларидаги хилма-хилликни вужудга келтиради.

Шундай қилиб, математик фанлар ўйинли ҳодисаларни математик аппарат ёрдамида қайта ишлаш мумкин бўлган ҳодиса сифатида тадқиқ қилинган алоҳида фанни, яъни ўйинлар назариясини ажратиб чиқаради.

Ўйинлар назарияси математик талқинда эҳтимоллик ва статистик ноаниқлик шароитидаги экстремал, ўта ўткир масалалар ечими бўлган назарияларнинг табиий ривожланишидир.

Шуни ҳам айтиш керакки, турли томонлар иштирок этадиган, турли манфаатлар ва имкониятлар билан ҳамда шу манфаатларга хос бўлган стратегиялар билан бойитилган ҳодисалар тавсифи бўлган ихтилофлар модели ана шу ўйинлар назарияси доирасида янада ойдинлашади. Жамиятда, табиатда – умуман, борликда ҳар бир тизим ўзаро диалектик алоқадорликда, зиддиятли муносабатда, доимий ҳаракатда бўлади. Айнан ана шу жиҳатлар ихтилофлар моделида тасвирланиши мумкин. Бу масалага ўйин назарияси нуқтаи назаридан ёндашиш муаммонинг бир мунча осон ечилишига олиб келади.

Математика учун ўйин - бу, энг аввало, моделдир ва у модел сифатида кундалик амалиётда ўз қийматиغا эга бўлиши керак. Ўйиннинг математик назарияси кўп ҳолларда бу зиддиятларни ҳал қилишнинг оптимал йўлини кўрсатишга, айрим ҳолларда, уларнинг натижаларини олдиндан айтишга ҳам қодирдир.

Ўйинчиларни ҳаракатга келтирувчи маънавий куч ва боис ютуққа бўлган умиддир. Демак, ўйинлар назарияси доирасида ишлаб чиқилган моделлар ёрдамида турли кўринишдаги ижтимоий-маданий ҳодисалар мазмунини ёритиш мумкин. Масалан, спорт мусобақалари, иқтисодий кураш, ҳарбий, ҳуқуқий ва синфий ихтилофлар, инсоннинг табиат билан кураши, ҳаёт учун биологик кураш ва ҳоказоларни ўйин назарияси асосида моделлаштириб

тушунтириш мумкин. Шундай моделларнинг барчасини ўйинлар назариясида «ўйин» деб аташ қабул қилинган.

Ўйинларнинг анчагина кенг гуруҳи учун мувозанат шароитига интилиш ўйинчиларнинг хатти-ҳаракатида мақсадга мувофиқликни белгилайди. Ўйинчиларнинг шундай бир вақтли танлови бўладикки, бунда ҳеч қайси ўйинчига бу вазиятдан чекиниш фойдали бўлмайди. Айни мувозанат шароити ўйинчилар орасидаги шартномавий муносабатларнинг предмети бўлиши мумкин. Шунинг учун, ўйинчиларнинг мувозанат шароитига интилиши мақсадни амалга ошириш тамойили деб номланади. Кўп ҳолатларда ўйинлар мувозанат ҳолатига эга бўлмайди. Бу, бир томондан, ўша ўйинларда ўйинчилар мақсадга мувофиқ фаолият кўрсатиш имкониятларидан маҳрум бўлганлигини билдиради, иккинчи томондан эса, ўйинчилар учун хатти-ҳаракатнинг табиий ёки инновацион кўшимча имкониятларини излашга ундайди. Ўйинлар назариясида яна бир тамойил алоҳида таъкидланади. Бу максимин тамойили, яъни бунда минимал ютуқни максималлаштиришга интилиш, энг ёмон, экстремал вазиятлардан яхши натижани кўлга киритишни билдиради. Бу тамойил жамиятнинг барча соҳаларида инсон фаолиятининг ҳар қандай кўринишига тааллуқли бўлиши мумкин. Бу эса, ўз навбатида, инновацион лойиҳаларнинг яратилишига сабаб бўлади.

Демак, ўйин нафақат жисмоний, кўнгилочар фаолият, балки тафаккур билан бевосита боғлиқ бўлган, маҳсулдор, янгиликни тақозо этадиган инновацион интеллектуал фаолият турларидан бири ҳам экан.

Ўйинлар назариясида информация тушунчасининг асосий ўрни унинг кибернетика билан узвий алоқада бўлганлиги билан ифодаланади. Бу билан айримлар ўйинлар назариясини кибернетиканинг бир бўлими сифатида белгилайдилар. Шу билан бирга ўйинлар назариясини математиканинг тармоғи сифатида, амалий жиҳатдан эса тадқиқотлар операцияларини аниқ даражаси сифатида қабул қилиш мумкин.

Назарий ўйинли моделлар ҳам фалсафий, ҳам ғоявий нуқтаи назардан алоҳида кўриб чиқилишни талаб қилади. Чунки уларнинг катта қисми муаммоларнинг математик модели бўлиб ҳисобланади. Муаммолар эса фақат онгли индивидумлар ва мақсадга мувофиқ ҳаракатларни амалга оширишга қодир бўлган гуруҳлар, жамоалар орасида бўлиши мумкин. Айти пайтда, ўйинлар назарияси инсоният жамиятида содир бўладиган ҳодисалар моделининг назарияси сифатида иқтисодий, ижтимоий – маънавий, сиёсий хислатларга эга бўлади. Шунинг учун, ўйиннинг ихтиёрий ҳодисасини ихтиёрий моделлаштирилиши аниқланган ғоявий позициялардан илмий ижодкорликка айланади.

Ўйин жозибаси муҳим даражадаги ноаниқлик натижасидан иборат. Бу ноаниқлик одамларда зиддиятли вазиятларга нафақат ўйинчи, балки мухлис сифатида ҳам қатнашишларига иштиёқ уйғотади.

Зиддиятларга дахлдор алоҳида математик масалаларга олимлар XIX асрдан буён мурожаат қилиб келишмоқда. Хўш, аслида зиддият нима, деган ҳақли савол туғилади. Конфликтология (ихтилофшунослик) бўйича мутахассислар зиддият тушунчасининг кенг кўламдаги «резинали» тушунчага яқин эканлигини қайд қилиб, айтадиларки, конфликт кенг маънодаги зиддият, урушдан тортиб сутли ёки қаймоқли музқаймоқни танлашгача бўлган жараёни ўз ичига олади, ҳаттоки, табиатда ҳам ихтилоф мавжуд, деб талқин қилиш кенг тарқалган⁷⁶.

Демак, зиддият барча предмет ва ҳодисаларга хос бўлган хислат, ҳар қандай ўзгариш ва ривожланишнинг манбаи бўлиши билан бирга, у борликда турли кўринишда намоён бўлади. Ўйин назарияси эса ўз доирасида зиддиятли вазиятларга изн беради. Жорж фон Нейман шундай таъкидлайди: «...агар шахмат назарияси тўлиғича маълум

⁷⁶Қаранг: Анцупов А.Я., Шипилов А.И. Конфликтология.-М.: ЮНИТИ, 2000. – С.80 – 81.; Шу муаллифлар. Конфликтология. -СПб:”Питер”, 2016. – 528 с.

бўлганида, бу ўйинни ўйнаш ҳеч қандай қизиқишга эга бўлмасди».

Умуман олганда, ўйинга изланиш муносабати борасида математиклар олдинда боряптилар. Бошқача айтадиган бўлсак, тадқиқотчи-математикни ғолибнинг аслида ҳақиқий олтинними ёки қалбакисиними олиши ҳам, мағлубни қатл этишадими (мағлубни қатл этилиши кўнгил очар ўйин оқибатими?) ёки унинг виртуал оламини олиб қўйишадими, бу каби масалалар қизиқтирмайди. Математикни фақат ўйинчиларнинг ўйин жараёнида ўзларини қандай тутишлари, қандай қарор қабул қилишлари, воситаларни қандай сарфлашлари ва уларнинг хатти-ҳаракати ўйин мақсадига эришишда оптимал бўла оладими-йўқми, сингари саволларга жавоб топиш қизиқтиради.

Бунинг устига, математикка жиддий ҳаётий масалани ҳал қилишни таклиф қилсалар, у ишни бир қатор мукамаллаштирилган модел доирасида қараб чиқишдан бошлайди ва шу йўсинда топшириқни ўзига хос ўйинчоққа айлантиради. Уни «ўйнаб» бўлганидан, яъни зарурий хулосаларга келганидан сўнг, у таъминотчини келиб чиққан хулосаларнинг муаммоларга нисбатан муносабатларида бутунлай ҳаққонийлигига ишонтиради. Шу йўсинда тафаккурда инсон эҳтиёжларини қондиришга қаратилган янги ғоялар, фикрлар ва лойиҳалар яратилади. Бу эса интеллектуал фаолият самарадорлигини оширади.

Ижтимоий – гуманитар фанларда ўйин муаммоси

Энди, ўз навбатида, ижтимоий-гуманитар фанларда ўйин муаммосига эътиборни қаратиб, шунга доир назарий моделлар ва амалиёт тўғрисида тўхталиб ўтсак.

Дарҳақиқат, ўйин тушунчаси, ўйинлар назариясини нафақат аниқ - математик фанларга, балки ижтимоий-гуманитар фанларга ҳам бевосита алоқаси мавжуд. Бу ўринда ўйин муаммосини иқтисодиёт, психология, педагогика каби фанлар билан мавжуд алоқасини таъкидлаш жоиз.

Ўйин назариясининг ижтимоий фанларни тадқиқ қилишга қай йўсинда боғлиқлигини англаш учун ундан фойдаланиш мумкин бўлган вазиятлар типологиясига ва бу назариянинг турли бўлимлари имкониятларига эътиборни қаратиш керак.

Иқтисодиёт - бу сон ва ҳисобларни ўз қамровига оладиган, кенг қўламда ишласа бўладиган конкрет ишларни ўз ичига олган, жонли амалиётга суюнадиган, нафақат назарий, балки чуқур амалий билим талаб қиладиган фан. Шунинг учун, иқтисодий билим дунёсига кириб бориш, иқтисодий ҳақиқатни ўзлаштириш ва иқтисодий фикрлашни шакллантириш конкрет иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ бўлган назарий билимни талаб қилади. Шу маънода, амалий жараёнларни, яъни уларнинг моделини ишлаб чиқиб ўйин тарзида олиб бориш катта аҳамиятга эга. Иқтисодий билимларни эгаллаб боришда ишбилармонлик ўйинларининг самарали томони шундан иборатки, киши қаерда бўлмасин иқтисодий дунё жабҳасида ушбу жараёнларнинг (иқтисодий ўйинларнинг) узвий иштирокчиси бўлиб қолаверади.

Иқтисодий ўйинлар ўрганилиши ва кўнгил очарлиги билан ҳам кишини ўзига жалб қилади. Бу ўйинлардаги беллашув кишини ўз қамровига олиши билан бирга, рақобат дунёсига ҳам олиб киради. Бугунги бозор иқтисодиётига асосланган жамият қуриш йўлидан бораётган давлатимизда шундай ўйинларнинг маъносини англашнинг аҳамияти катта деб ҳисоблаймиз. Бу, айниқса, иқтисодий ҳаёт, жараёнлар ва структураларни либераллаштириш йўлидан бораётган жамиятимиз учун ўта долзарб вазифа ва муаммодир.

Иқтисодий ўйинлар мазмунини билиш нафақат бизнес мактаблар, иқтисодий мактаблар, олийгоҳлар талаба ва ўқитувчиларига, балки бозор иқтисодиёти мазмун-моҳиятини эгаллаш истагидаги кишилар учун фойдалидир. Айтиш жоизки, бу, албатта, кишиларнинг иқтисодий тафаккур маданиятини юксалтиришга, унинг инновацион жиҳатларини янада кенгайтиришга хизмат қилади. Чунки барқарор ижтимоий-иқтисодий таракқиётни инновацион

ривожланишсиз, кенг кўламли илмий-техник кооперациясиз ва янги технологиялар, илм-фан ва техника ютуқларини жорий этмасдан тасаввур қилиб бўлмайди. Бугунги кунда дунёда инновацион ғоясиз, илм-фан ютуқларисиз биронта соҳанинг ривожланиши мумкин эмас.⁷⁷

Ўйин назариясида белгиланишича, иқтисодий жараён қатнашчиларининг ўзаро бир-бирига боғлиқлиги шароитида оптималлаштириш назарияси сифатида бошланган ва иқтисодий ўйин жараёнида ўйинларни ютуққа элтувчи танловни юзага келтирувчи иштирокчиларни сонига кўра иқтисодий ўйин феноменини тадқиқ қилиш ва таснифлаш мақсадга мувофиқ.

Ўйинларни ютуқларнинг хусусиятига қараб ҳам таснифлаш мумкин: масалан, ютуқ турининг кўринишига боғлиқ бўлган ўйинлар. Баъзи ўйинларга доимий ютуққа эга масалалар сифатида қараш мумкин: агар иштирокчилар муайян альтернатив тўпламини танлашса, ютуқ бир хилда тақсимланади, агар бошқа альтернатив танланса, ўша ютуқ бошқача тақсимланади. Бунга ўхшаш ўйинлар барча иштирокчиларнинг умумий ютуғи нолга тенг деган кўринишга олиб келади, яъни биринчи иштирокчилар ижобий ютуқни, бошқалари салбий ютуқни кўлга киритадилар, шунинг учун, барча иштирокчиларнинг ютуқлари миқдори нолга тенг бўлади. Бундай ўйинлар ноль суммали ўйинлар дейилади ва «менинг мағлубиятим - сизнинг ютуғингиз, менинг ютуғим - сизнинг мағлубиятингиз» принципини акс эттиради; улар, ҳақиқатан ҳам, ўзларида ҳамкорликнинг ҳеч қандай унсури бўлмаган соф зиддиятни ифодалайди. Ниҳоят, икки ёки ундан кўп иштирокчиси бўлган суммаси нолга тенг бўлмаган, яъни бир альтернатив тўплам ютуқлари суммасининг унга мос

⁷⁷ Мирзиёев Ш. Демократик ислохотларни чуқурлаштириш, барқарор ривожланишни таъминлаш - халқимиз учун муносиб ҳаёт даражасини яратишнинг кафолатидир. //«Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз». Т. - «Ўзбекистон» - 2017.-87 б.

келадиган бошқа альтернатив тўплам суммасидан кўп бўлган ўйинни кўриб чиқамиз. Бундай ҳолатда иштирокчилардан бири ютуқнинг дастлабки суммасини қўлга киритиш мақсадида бошқасини худди шундай альтернативни танлаши учун уни «сотиб олиш»ни хоҳлайди. Маблағни, албатта, кутилган ютуқдангина тўлаши мумкин, шу сабабли ютуқ бир ўйинчидан иккинчисига ўтадиган кўринишда («пул» шаклида, ammo «ҳокимият» кўринишида эмас) бўлиши лозим. Шу тариқа, ўйинларни ўзига хос тўловлари билан фарқлаш мумкин ва уларсиз ютуқни бир ўйинчидан иккинчисига эркин ҳолда узатиш ҳам мумкин бўлади.

Икки шахс орасидаги тўғридан тўғри зиддиятли ўйин масалалари учун ҳар доим қатъий аниқланган қарор мавжуд. Бу ўйинлар иқтисодий назариянинг икки йўналиши, яъни айнан ўзгарувчан фойда назарияси ва нокооператив муқобиллик назариясининг тараққиётига мослашган. Бу ерда иқтисодий назариянинг математик ўйин назариясига янги мазмундаги масалаларни бераётганлигини, эпистемологик акс таъсир сифатида ўйин назариясининг концептуал ва категориал таркибини, энг муҳими, мазмунини бойиб боришини таъкидлаш лозим.

Иқтисодий ўйинлар таъсирида жамиятда содир бўлаётган иқтисодий жараёнларнинг моҳиятини англаш, ўтказилаётган ислоҳотларга мослашиш ҳамда ҳозирги замон ишлаб чиқариш ва ижтимоий тизимлари талабларига жавоб бера оладиган ижтимоий-иқтисодий механизмлар лойиҳаларини яратишга қаратилган ғояларни берадиган инновацион тафаккур шакллантирилиб борилади.

Ижтимоий-гуманитар фанлар доирасида, айниқса, иқтисодий соҳаларда, кўпинча, ишбилармон ўйинлар кенг ишлатилади. Тарихан ишбилармон ўйинлар ҳарбий бошлиқларни тайёрлаш учун қўлланиладиган ҳарбий ўйинлар билан боғлиқ бўлган. Ишлаб чиқариш ташкилотларига қўлланилган биринчи ишбилармон ўйин 1932 йил Москвада ўтказилган бўлиб, «Ташкилий ишлаб чиқариш тажрибаси» деб номланган. 1956 йилда АҚШда

саноатда имитацияли ишбилармон ўйинларни моделлаштирилган шакли ЭХМда қўлланилган биринчи ўйин дастури ишлаб чиқарилган эди.

Назарий асосларга кўра, ишбилармон ўйинларда кўйидаги йўналишларни ажратиб олиш мумкин:

Тизимли психологик ёндашув бўйича ишбилармон ўйинлар табиий ўйинлар турига киритилади (болалар ўйини, спорт ўйинлари) ва шу билан бир вақтда, ташкилотларнинг фаолиятини ўрганиш учун хизмат қиладиган сунъий тизим бўлиб ҳисобланади. Ўйин бунда фаолият сифатида кўрилади. Иштирокчиларнинг гуруҳи тажрибавий шароитда фаолият юритадиган ижтимоий организмга айланади, ўйин стратегиясини танлаш ва қарор қабул қилиш жараёнида уларда инновацион тафаккур ҳолати пайдо бўлади.

Семиотик ёндашувда ишбилармон ўйинларнинг синтаксиси (ўйин структураси), семантикаси, ўйин интерпритацияси ва прагматикаси (ўйинларни ишлаб чиқиш ва фойдаланиш) ажратиб олинади ва алоҳида – алоҳида кўриб чиқилади. Бунда инновацион тафаккур ўйиннинг структураси ва натижасида мужассамланади.

Иқтисодий-математик ёндашув - ишбилармон ўйинларнинг модели хислатига, математик аппарат ва миқдорий маълумотларни қайта ишлаш воситаларига урғу беради. Асосий эътибор бунда имитацион тизимлар назариясига, шу жумладан, интеллектуал жараёнларни мантикий моделлаштириш тиллари муаммоси ва рефлексив жараёнларга қаратилади.

Ҳозирги пайтда, ишбилармон ўйинлар бир қатор муҳим хўжалик ва ижтимоий масалаларнинг ечимини топишда фойдали интеллектуал-инновацион усул, восита ҳисобланади.

Ўйиннинг психологик-педагогик аспекти ҳам ўзига хос жиҳатларда намоён бўлади.

Педагогик технологияларда интерфаол методлар турли ўйин жараёнларидан ташкил топади. Бу эса, бир жиҳатдан, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида ҳамкорлик фаолиятини ташкил

этса, иккинчи томондан, ўқув жараёнида ўқувчи - талабанинг мустақил фикрлай олиши, ижодий ишлай олишига ҳам замин яратади.

Мактабда шундай ўйин шакллари асосий ўрин тутадими, улар дарсда ҳар бир ўқувчининг фаол қатнашишини таъминлаб, унинг билимини ва ўқув меҳнати учун шахсий жавобгарлигини оширади. Бу масалани таълимда ўйин технологияларини қўллаш орқали муваффақиятли ҳал қилиш мумкин.

Таълимнинг ўйин шакли билимни ўзлаштиришнинг барча сатҳларидан - ишлаб чиқарувчи фаолиятдан асосий мақсадга элтувчи ижодий-тадқиқот фаолиятини ҳосил қилувчи томонлардан фойдаланишга имкон беради. Агар ишлаб чиқарувчи ва қайта ҳосил қилувчи фаолият ижодий-тадқиқот фаолияти билан ўзаро мос келса, бу ҳол ўқувчилар томонидан таълим усуллариининг эгалланишида кўпроқ самара беради.

А.С.Вигодский ва А.Н.Леонтьевларнинг назарий қарашлари доирасида фаолиятнинг психологик назарияси инсон фаолиятининг уч асосий шаклини - меҳнат, ўйин ва таълимни ажратади. Фаолиятнинг бу учала шакли ўзаро бири-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Ўйиннинг шаклланиши назарияси бўйича яратилган психологик-педагогик таҳлил шуни кўрсатадики, ўйин болаларнинг ўсиши ва ўз хатти - ҳаракатлари учун жавобгарлигининг шаклланишидаги тавсиялар спектрини гавдалантириш имконини беради.

XIX асрнинг охирида ўйинларни тизимли ўрганишни биринчи бўлиб амалга оширган немис психологи К.Гросс ўйинни ахлоқнинг дастлабки мактаби деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, ўйинлар ташқи ва ички томондан қанақа кўринишда бўлмасин, уларнинг маъноси битта - у ҳам бўлса, болалар учун ҳаёт мактаби вазифасини ўташдир. Рус психологлари ва педагоглари ўсиш жараёнига умуминсоний тажрибаларни қўлга киритиш сифатида қарайдилар. Бу ҳақда Л.С.Вигодский шундай ёзади: «Индивиднинг жамиятдан тор

маънода холи бўлиши мумкин бўлмаганидек, ундан кейин келадиган ижтимоийлаштириш ҳам бўлмайди»⁷⁸.

Демак, ўйин айнан ўзида қатъий анъаналар ва меъёрларни мужассамлаштирган қоидалар ва шартлиликни стабил ҳолда акс эттиради. Ўйин қоидаларининг такрорийлиги эса боланинг ўсишида тренингли асосни яратади.

Рус психологи Д.Б.Элкониин «Нима учун болалар ўйнайдилар» деган саволга тўлақонли жавоб топиш мақсадида ўзининг кўп йиллик илмий изланишларини 1960 йили чоп этилган «Ўйин психологияси» номли асарида умумлаштирган. Унда муаллиф ўйинлар генезиси - келиб чиқиши, унинг моҳияти, бола тараққиёти ва шахс шаклланишидаги ўрни ва аҳамиятини ёритишга ҳаракат қилган. «Болалар, - деб ёзади олим, - ўйинда катталарнинг ижтимоий хулқ-атвориға тақлид қилиш йўли билан улар фаолиятини қайтарадилар»⁷⁹.

Ўйин тушунчасини очиб беришда турли илмий мактабларнинг педагог ва психологлари қатор умумий ҳолатларни ажратиб кўрсатадилар:

Ўйин турли ёшдаги болалар фаолиятининг ривожланувчи мустақил кўриниши ҳисобланади. Киши тафакқурида инновацион фикрлашға ундайдиган объектив ва субъектив омилларни ҳосил қилишға мойиллик шу босқичдан шакллантирилиб бориши мумкин.

Болалар ўйини улар фаолиятининг энг эркин шакли бўлиб, унда улар атрофдаги оламни англайдилар, ўрганадилар, уларнинг шахсий ижоди, ўзликни англашдаги фаоллигининг кенг кўлами очилади. Бу эса кейинчалик, ўздан замон талабига мос бўлган инновацион тасаввурлар ва лойиҳаларни берадиган ғояларнинг туғилишиға замин бўлади.

⁷⁸ Выгодский Л.С. Воображение и творчество в детском возрасте. - СПб, 1997. - С.79

⁷⁹ Эльконин Д.Б Психология игры. -М – Л.: Просвещение, 1978. -С. 304.

Ўйин - мактабгача ёшдаги бўлган бола фаолиятининг биринчи даражаси бўлиб, унинг биринчи ахлоқ мактаби, кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари, ўсмирлар ва ёшларнинг ўсиши жараёнида мақсадларини ўзаро алмашиш мезонида меъёрий ва тенг ҳуқуқли фаолияти ҳисобланади. Бу ўринда босқичма-босқич фикрлашнинг юқори фазасига кўтарилиш содир бўлиши кутилади.

Ўйин - ривожланиш амалиётидир. Болалар ривожланаётганликлари учун ўйнайдилар ва ўйнаётганликлари учун ривожланадилар. Айнан мана шу ҳолат тафаккурнинг такомиллашувига олиб боради.

Ўйин - онг, тафаккур ва санъатда ўзликни англаш, ўзликни ривожлантириш эркинлигидир. Бунда ўйин ўзига хос восита вазифасини ўтайди.

Бизнинг нуқтаи назаримизга кўра, ўйин усулларида ҳар қандай таълим турида фойдаланса бўлади. Ўйин услублари «амалий таркиб»га эга фанларни ўқитиш доирасида муҳим аҳамиятга эга. Бундай фанлар, назария билан ривожланганларидан ташқари, ўзида амалий ҳаракат меъёрларини мужассам этади.

Ижтимоий психологик билимдонликни оширишга хизмат қилувчи ўйинлар, асосан, икки турга бўлинади: операционал ўйинлар ва ролли ўйинлар.

Операционал ўйинлар ўз моҳияти жиҳатидан, яъни ушбу фаолият мотиви, унда ақлий операцияларнинг иштироки ва ҳиссий кўриниши билан муаммоли вазиятларни таҳлил қилишга ўхшайди. Лекин айни тизимга туширилмаган, спонтан мунозарадан фарқли, унда ўйиннинг умумий сценарийси бўлиб, оқибатда қабул қилинадиган қарорлар ижтимоий нормаларга мос келиши, «тўғри» ёки «нотўғри»лиги алгоритмик белгилаб қўйилади. Шунинг учун ҳам бундай ўйинларда ҳаёт синовларидан ўтказилган, ижтимоий тажрибага асосланган вазиятлар ишлатилади. Масалан, ҳозирда кенг тарқалган ишбилармонлик ўйинлари (business game) ёки бошқарув ўйинлари шулар жумласига киради. Агарда бошлиқнинг ходимни қабул қилиши вазияти

ўйналаётган бўлса, унда бошқарув тажрибасида илгари юз берган бир неча алтернатив муомала шакллари олдиндан келишилган ҳолда ўйналади ва шулар асосида ўйинга баҳо берилади. Чунки амалий ўйинларда шахслараро бевосита муносабатлар нисбатан чекланган бўлиб, уларда расмиятчилик элементлари кўп бўлади. Демак, амалий ўйинлар қуйидаги вазифаларни бажариши керак;

1. Қарор қабул қилиш билан боғлиқ бўлган типик ҳаётий вазиятларни моделлаштиради.

2. Профессионал фаолиятда учрайдиган муомала, хатти – ҳаракат шакллари ва мулоқотнинг турли қирраларини очиб беради. Ижтимоий муомала, юриш - туришда мавжуд бўлган янги қирралар бўйича башорат қилади ва профессионал фаолиятнинг янги хусусиятларини очади.

Ролли ўйинлар ҳам кенг тарқалган ўйин методларидан бири бўлиб, улар моҳият жиҳатдан образларга кириш, ўша образга хос бўлган ҳиссиётларни ўз бошидан кечиришни тақозо этади. Ролли ўйинларда, энг аввало, иштирокчи шахс сифатида ўзлигини намоён қила бошлайди. Ролли ўйинларнинг ўз -ўзини намоён қилиш ва шу орқали ўз хулқини тузатишга имкон бериши хусусиятига ўз вақтида америкалик олим Жон Морено ҳам эътибор қаратган ва ўзининг психодраматик техникасида унга катта аҳамият берган эди. Техниканинг моҳияти шундан иборат эдики, иштирокчи ички зиддиятларга бой вазиятни ўзига ўхшаш шахслар билан биргаликда ҳис қилиш ва ўйнаш орқали тўлароқ ҳамда аниқроқ англайди⁸⁰. Ролли ўйинларнинг ижтимоий психологик аҳамияти ҳам айнан шу нарсага боғлиқ. Шунинг учун ҳам, санъаткорлар, драматик актёрлар ўз маҳоратларини такомиллаштиришда шундай психо-таҳлил усулидан кенг фойдаландилар, зеро, ўзини англамагунча, ўзга бўлаолмайди ва аксинча, «ўзга бўлиш санъати» - ўзликни англамоқдир.

⁸⁰ Морено Ж. Детская психология для специалистов// childpsy.ru/lib/authors/id/22919.php

Бугунги кунда ўйин ва ижодий тафаккур ўртасидаги алоқадорликни англаш, жамият соҳаларидаги ўзгаришлар ва жараёнларга ўйинлар назарияси нуқтаи-назаридан ёндашиш ҳамда уни инновацион тафаккурни шакллантириш масаласига қўллай билиш мақсадга мувофиқ бўлади.

4. ЎЙИН ВА ТАФАККУРДА КОГНИТИВ ИННОВАЦИЯ: МУАММОЛАР ВА ТАЛҚИНЛАР

Тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатларнинг ривожланишига асосий омил бўлаётган инновациялар, юртимизда ҳар бир соҳага қўйилаётган инновацион ривожланиш усули бугун биздан айнан инновацион тафаккурлашни талаб этмоқда. Зеро, Президентимиз Ш.Мирзиёев “халқимиз дунёқарашида инновация муҳитини яратиш – энг муҳим вазифамиздир”,⁸¹ дея таъкидлаётганлиги бежизга эмаслигини англаш мумкин. Инновациянинг асоси инновацион муҳитдан ташкил топади, бунга эса инновацион ғоялар туртки бўлади, ўз-ўзидан маълумки, бундай ғояларга тафаккурнинг инновацион тарзда амалга оширилиши орқали эришилади. Тафаккур шакллари бўлган тушунча, ҳукм, хулоса чиқариш жараёнларида когнитив инновация содир бўлиши мумкин. Бу ўйин фаолияти давомида ҳам юзага келадиган ҳолат ҳисобланади, назаримизда.

Ўйинда семантик инновация, тафаккурда маънолар ўйини ва трансформацияси ҳозирги замон фалсафа ва ижтимоий-гуманитар фанларда жиддий тадқиқотлар предметига айланиб бормоқда. Қўлга киритилган дастлабки натижалар ўйин ва тафаккурда инновация феноменининг намоён бўлишини, айниқса, интеллектуал, коммуникатив, компьютерли ва креатив ўйинларнинг моҳияти ва функцияларини, уларнинг назарий ва амалий томонларини чуқур ўрганиш ва англаш имкониятини беради.

Тафаккур ва унинг хислатлари

Ўйин инсонга хос бўлган ижтимоий, интеллектуал фаолият сифатида тафаккурга бевосита таъсир кўрсатади. Аммо бу биз айтмоқчи бўлган ҳолат эмас, эътиборимизни тортган жиҳат инсон ақлий фаолиятдан келиб чиқадиган

⁸¹ //http:// uza.uz/oz/politics/shavkat-mirziyeev.

тафаккур юритиш жараёнида ўйин элементлари учрайдими, йўқми? Мана шу масала ҳақида сўз юритар эканмиз, баъзан қайси бир ўйин жараёнларида тафаккур комбинацияларининг ўйинга хос бўлган эркин, мутлақ чегаралаштирилмаган даражаларини учратамиз. Бу тафаккурнинг ўзига хос инновацион ҳолатини келтириб чиқаради. Аслида, инсон жон, рух ва тана бирлигидан иборат бўлган ақлли мавжудот сифатида айнан интеллектуаллик хислати билан бошқа мавжудотлардан фарқланади. Интеллект деганда (лотинча - интеллестус - билиш, тушуниш, идрок қилиш) - инсоннинг ақлий қобилияти, ҳаётни, атроф-муҳитни онгда айнан акс эттириш ва ўзгартириш, фикрлаш, ўқиш- ўрганиш, дунёни билиш ва ижтимоий тажрибани қабул қилиш қобилияти, турли масалаларни ҳал қилиш, бир қарорга келиш, оқилона иш тутиш, воқеа-ҳодисаларни олдиндан кўра билиш лаёқати тушунилади⁸². Бундан келиб чиқадики, инсон интеллектининг ўзи бевосита турли параметрлардан ташкил топган жараён бўлиб, бу жиҳатдан ўйин тушунчаси билан чамбарчас боғланган. Чунки керакли вазиятларда қандай йўл тута билиш қонун-қоидалари, зиддиятларни ижобий ҳал қилишга интилиш, яъни, доимий ютуққа бўлган интилиш, экстремал вазиятлардан оқилона чиқа олишга ҳаракат қилиш ҳам инсоннинг интеллектуал салоҳиятига боғлиқ бўлади. Интеллект таркибига идрок қилиш, хотирлаш, фикр юритиш, сўзлаш ва бошқа руҳий жараёнлар киради. Интеллектнинг ривожланиши туғма истеъдод, мия имкониятлари, жўшқин фаолият, ҳаётий тажриба каби ижтимоий омилларга боғлиқ. Интеллект савияси, даражаси инсон фаолиятининг натижаларига, шунингдек, психологик тестларга қараб ҳам белгиланади. Ижодий фаолият маҳсули интеллектуал мулк ҳисобланади. Бу эса тафаккур жараёнининг муҳим жиҳатини ташкил этади.

⁸²Гуревич П.С. Интеллект// Психологический словарь. -М.: ОЛМА Медиа групп, 2006. – С.281-283

Тафаккур - инсон ақлий фаолиятининг юксак шакли, объектив воқеликнинг онгда акс этиш жараёни. Тафаккур атроф-муҳитни, ижтимоий ҳодисаларни, воқеликни билиш куроли, шунингдек инсон фаолиятини амалга оширишнинг асосий шарти саналади. У сезги, идрок тасаввурларга қараганда воқеликни тўла ва аниқ акс эттирувчи юксак билиш жараёнидир. Тафаккур инсон миясининг алоҳида функцияси. Унинг нерв физиологик асоси биринчи ва иккинчи сигнал системаларнинг ўзаро муносабатларидан иборат.

Тафаккур жараёнида инсонда фикр, мулоҳаза, ғоя, фараз қабилар вужудга келади ва нутқ билан чамбарчас боғлиқ равишда намоён бўлади. Инсон ўзининг тафаккури, нутқи ҳамда онгли хатти-ҳаракати билан бошқа мавжудотлардан ажралиб туради. У фикр юритиш фаолиятида ўзида акс эттирган, идрок қилган, тасаввур этган нарса ва ҳодисаларнинг ҳақиқийлигини аниқлайди, ҳосил қилинган ҳукм, тушунчалар, хулосалар чин ёки чин эмаслигини белгилаб олади.

Инсон тафаккури орқали воқеликни умумлаштириб билвосита акс эттиради, нарса ва ҳодисалар ўртасидаги энг муҳим боғланишлар муносабатлар, хусусиятларни англаб етади. Бинобарин, инсон муайян қонун, қонуният ва қоидаларга асосланган ҳолда ижтимоий воқеа ва ҳодисаларнинг вужудга келиши, ривожланиши ҳамда оқибатини олдиндан кўриш имкониятига эга.

Тафаккур, кўпгина, фан соҳалари фалсафа, мантиқ, педагогика, психология физиология, кибернетика, нейробиология, сунъий интеллект, когнитология каби фанларнинг тадқиқот предмети ҳисобланади. Психологияда тафаккур воқеликни умумлаштириш даражасига, муаммони ечиш воситаси хусусиятига, ҳолатларнинг инсон учун янгилиги, шахснинг фаоллик кўрсатиш даражасига кўра бир неча турларга ажратиб таҳлил қилинади. Масалан,

кўрғазмали ҳаракат, кўрғазмали-образли, амалий, назарий, ихтиёрӣ, ихтиёрсиз, мавҳум, ижодӣ ва ҳоказо⁸³.

Ижтимоӣ ҳаётда таълим жараёни ва ишлаб чиқаришда одамлар ўртасидаги алоқа ва муносабатлар ҳам тафаккур ёрдамида намоён бўлади. Жамоада танқидий қараш ўзини ўзи танқид, баҳолаш, текшириш, назорат қилиш, ўзини ўзи назорат қилиш, гуруҳий мулоҳаза юритишдан иборат тафаккур сифатлари вужудга келади.

Инсоннинг инсон томонидан идрок қилиниши ҳам тафаккур билан узвий алоқададир. Ижодӣ ишлар, кашфиётлар, ихтиролар, таклифлар тафаккурнинг маҳсули ҳисобланади. Психология тафаккурнинг филогенетик (одамларнинг антропологик тур сифатида эволюцион тараққий этиши) ва онтогенетик (киши умри давомида ривожланиши) билишга оид тарихий жиҳатларини ҳам ўрганади. Ҳозирги замон фанининг жуда кўп мураккаб масалалари тафаккурдаги рационал, нораціонал ва мантиқий жараёнлар хусусиятини янада чуқурроқ ўрганишни тақозо этмоқда.

Шу боисдан, эндиликда фан-техника жадал суръатларда илгарилаб бораётган бир пайтда тафаккур ва унинг моҳияти, тафаккур жараёнларининг турли томонларини таҳлил этиш долзарб масалалардан биридир. Кўп қутбли, турфа хил жараёнлар, албатта, янгича тафаккурнинг шаклланиб боришига ўзининг таъсирини ўтказади.

Маълумки, тафаккур инсоннинг ақлий билиш қобилиятини амалга оширадиган руҳий жараён бўлиб, у туфайли олам ва ундаги қонуниятлар ўрганилади, ўзлаштирилади, ҳаёт ва яшашнинг сунъий муҳити («иккинчи табиат») яратилади. Тафаккур мураккаб руҳий жараён сифатида ўзининг унсурлари бўлган тасаввур, тушунча, ҳукм ва хулосаларни аналитик, синтетик, комбинатив, ассоциатив ҳаракат ва ўзгаришларда намоён этади. Инсоннинг

⁸³ Мышление// Психологический словарь. -М.: ОЛМА Медиа групп, 2006. – С.384-385

ижодкорлик фаолияти эса бевосита унинг тафаккури билан боғлиқ. Тафаккур атроф-муҳитдаги воқеликни нутқ ёрдами билан бавосита, умумлашган ҳолда акс эттирувчи руҳий жараён, ижтимоий-сабабий боғланишларни англашга, янгилик очишга ва башорат қилишга йўналтирилган ақлий фаолиятдир. Мазкур таърифда тафаккурнинг энг муҳим жиҳатлари кўрсатиб ўтилган.

Қайси вазият ва мотивация асосида ҳамда фикрлашда қандай интеллектуал (мантиқий, методологик, образли ва ҳоказо) унсурлардан фойдаланилаётганлигини ҳисобга олиб, тадқиқотчилар аутив (вазиятли), вербал, кўргазмали ва беихтиёрий, унумли ва тикловчи тафаккур турларини фарқлайдилар⁸⁴. Б.О.Тўраевнинг фикрича, ҳозирда воқеликка кенгроқ миқёсда, очиқ система нуқтаи назаридан, оламнинг хилма-хиллиги ва ранг-баранглилиги, жараёнларнинг ўзаро тартибли ва тартибсиз иплар билан мураккаб, кўп тармоқли боғланиб кетганлигини ҳисобга олувчи тафаккурнинг яна бир тури - синергетик тафаккурга эҳтиёж туғилган⁸⁵. Биз эса мазкур тадқиқотимизда тафаккурнинг хусусиятлари ва имкониятларига янгича баҳо бериш орқали эндиликда тафаккурнинг ушбу турлари орасида инновацион тафаккур тури ҳам мавжуд эканлигини алоҳида эътироф этиш ўринли, деб ҳисобладик.

Мустақиллик йилларида инновацион тафаккур муаммосининг қўйилиши, унинг назарий-методологик аҳамияти

Кейинги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламдаги ижтимоий-иқтисодий ислоҳатлар Ватанимиз кудратини юксалишига ва жаҳон ҳамжамятида мустаҳкам мавқени эгаллашига замин бўлмоқда. Биринчи

⁸⁴ Онтогенез психологияси. Тошкент

⁸⁵ Тўраев Б., Убайдуллаев У. Жамият тараққиётида янгича тафаккурнинг хусусиятлари // Фан ва фалсафада инновацион тафаккур муаммолари. Илмий мақолалар тўплами. – Самарқанд.: СамДУ, 2010. – Б. 7

Президентимиз И.Каримов жамиятимизни янгилашда, чуқур иқтисодий ва ижтимоий, сиёсий ислохотларни амалга оширишда янгича фикрлашни шакллантиришнинг ўрни ниҳоятда катта эканлигини қайта-қайта таъкидлаб ўтган эдилар. Зеро, «янги мафқуранинг асл маъноси ҳам эскича акидалардан холи бўлган, мустақил ва янгича фикрловчи кишиларни тарбиялашдан иборатдир»⁸⁶. Мустақиллик йилларида халқимизнинг дунёқараши, тафаккури ва уни янгилаш масаласи алоҳида аҳамият касб этди. Ҳар бир соҳада ислохотлар ўтказилди. Ислохотлар эса ўзгариш ва янгиланишни, янгилик киритишни, айнан инновацияни талаб қиладиган жараён эканлиги бугунги кунда ҳамма учун тушунарли тамойил ва заруриятдир. Мамлакатимиз иқтисодиётининг бозор ислохотларига ўтиши илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантиришга бўлган янгича ёндашувларга йўл очиб берди⁸⁷. Ўзбекистон учун мақбул бўлган инновацион юксалиш, инновацион тараққиёт ва ривожланиш модели, ҳамда унинг концептуал асослари, уларни ҳаётга тадбиқ қилиш стратегияси Биринчи Президентимиз И.Каримовнинг асарларида ва Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёевнинг маърузаларида ўз ифодасини тошган. Жамиятимизда содир бўлаётган туб ўзгаришлар кишиларнинг онги, дунёқарашида ҳам инъикос этаётган бир вақтда вужудга келаётган ижтимоий тараққиёт муаммоларини ва масалаларини инновацион тафаккурга асосланиб таҳлил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Моҳиятан инновация ҳозиргача мавжуд бўлган барча ижтимоий тизимлар, шу жумладан цивилизацияларнинг вужудга келиши ва тараққиётини таъминлаб берадиган ижтимоий-маданий ҳамда ижодий жараён ҳисобланади.

⁸⁶ Каримов.И «Ўзбекистон буюк келажак сари». Тошкент.: Ўзбекистон. 1999. 311бет.

⁸⁷ Мирзиёев Ш. Илм-фан ютуқлари ватанимиз равнақиға хизмат қилсин. //«Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз» Т.: Ўзбекистон. - 2017. 169 б.

О.Файзуллаев бундан ўн икки аср илгари яшаган олимларнинг яратган асарларига қараб уларни уч тоифага бўлган: 1) ўзидан аввал ўтган олимларни шарҳловчилар, қийинларини осонлаштирувчилар, тушунарлироқ ривож топганларини изоҳловчилар; 2) аввалгилар асарларидан нуқсонлар топувчилар, сочилиб ётган фикрларни умумлаштирувчилар; 3) фанда янги йўналишлар, номаълум қонун-қоидаларни кашф этувчилар. «Уларнинг ҳар бири олим деб ёзади, - О.Ф.Файзуллаев, - лекин учинчи тоифадаги олимлар – фанни янги инновацион фикрлар билан ривожлантириб боровчи кашфиётчилардир»⁸⁸.

Демак инновацион тафаккур эгалари ҳар бир даврда илм-фан ва техника тараққиётининг давомийлигини таъминлаб турган. Инновация янгиланиш ва янгиланишни англатар экан, уни фақатгина янгиликни яратилиши, ёйилиши ва ундан самарали фойдаланиш деб билмасдан, балки янада кенгроқ тушуниш ўринли бўларди. Сабаби жамиятда катта ижтимоий ўзгаришлар, ишлаб чиқаришнинг янги эҳтиёжларини қондиришга имкон берувчи илмий кашфиётлар инновациянинг натижаларидир.

Эндиликда содир бўлаётган жараёнларни англашда инновацион тафаккур муҳим аҳамият касб этади. Биринчи Президентимиз И.А.Каримов ўз асарларида мазкур жараёнларга инновацион ёндашиш масаласини илгари суради. Масалан «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида шундай ёзади: Ҳаётнинг мазмунини тушунишга турлича ёндошишларнинг ёнма-ён мавжуд бўлиши эҳтимол инсоният дунёсининг маънавий ҳаётининг бойлиги ва хилма-хиллигини таъминлаб берган ҳамда унинг ривожланишини рағбатлантириб тургандир. Зеро, фақат бир хил фикр юритувчи одамлардан таркиб топган жамият ўз

⁸⁸ Файзуллаев О.Фанда инновацион фикрлаш: тарихимизда ва ҳозирги замонда.,// Ўзбекистон фани ва технологияларида инновация: муаммолар, ечимлар ва истиқболи. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. - Самарқанд.СамДУ 2007й.- 4 бет.

ранг-баранглигини йўқотган бўлур эди⁸⁹. Демак фикрлар хилма-хиллиги, тафаккурнинг креатив хислати, янгилик ва янгиланишга мойил бўлган фикрлаш тарзи яъни инновацион тафаккурлаш тарзини инсоният дунёсини ривожлантириб турувчи интеллектуал механизмлардан бири эканлиги яна бир эътироф этилади. Шу билан бирга давлатимизда иқтисодий ислохотлар ўтказилар экан, бунда биринчи навбатда одамларнинг қотиб қолган фикрлаш тарзини ўзгартириш, эскича фикрлаш усулидан холи қилиш ғоят муҳим. Чунки одамларнинг ўзида жамиятни янгилаш ва ўзгартириш зарурлигига ишонч туғдирмасдан туриб, ҳаракатлантирувчи кучларни ва кадриятларга муносабатни, далилий сабабларини ўзгартирмасдан туриб, ислох қилиш йўлидан амалда олға бориш, айниқса, янги жамият барпо этиш, тамомила янги муносабатларни жорий этиш мумкин эмас.

Энг аввало айтиш керакки, инновация зиддиятли, мураккаб жараёндир. Бунда анъанавийлик ва янгилик ўртасида ихтилоф мавжуд. Демак янгиликнинг ғалабасига осонликча эришилмайди. “Катта-ю кичик барча барча ҳаётий муаммоларни ҳал этишда пухталиқ, мулоҳазалиқ бизнинг кишиларимизга хос хусусиятлардир. Бу воҳалар ва чўлу саҳролар Осиё маданий дунёси ишлаб чиқариш усулининг тажрибаси, ислом фалсафаси, кўп миллатли жамият тажрибаси ва унга ташқаридан келтирилган инқилоблар тажрибасидир. Уларнинг барчаси кишиларга, янгиликларга юз бураётганда аввал қўлга киритилганларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш имконини беради. Дастлаб янгини куриш, уни амалда синаб кўриш, сўнгра эса эскини барбод қилмасдан синаб кўрилганларни янгича қўллаш лозимдир⁹⁰”, дея таъкидлайди Ислом Каримов. Анъана авлоддан авлодга ўтадиган, бериладиган моддий ва маънавий кадриятлар,

⁸⁹ Каримов И. Ўзбекистон 21 аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Т.: «Ўзбекистон»; 1997 й.- 36 бет.

⁹⁰ Каримов.И. Ўзбекистон буюк келажак сари.-Тошкент:Ўзбекистон.-1999й.- 64 бет.

маданий мерос бўлиши билан бирга айни пайтда инновациянинг пойдевори⁹¹ ҳам ҳисобланади. Бу пойдеворсиз инновация жараёнини тасаввур қилиб бўлмайди. Инновацион тафаккур кўп функцияли хислатларни ўзида мужассам этади. Мустақиллик йилларида маънавий тикланиш масаласида эътироф этилган жиҳат бу - фикрлаш тарзини эркинлик руҳи белгилайдиган, янги авлодга мансуб ижодий зиёлиларнинг пайдо бўлиши ва мутаасибона ақидалардан, бир ёқлама тор фикрлашдан воз кечган креатив тафаккур эгаларининг тарбияланиши бўлди. Баъзан ўтмиш тартиб – қоидалари билан боғлиқ бўлган анъаналарни сақлаб қолишга уриниш инновация жараёнига маълум даражада ҳалақит бериши мумкинлиги эҳтимоли ҳам назарда тутилади. Аммо, инновацион тафаккур асосида жамиятдаги янгиланиш, ўзгартириш ва уларни амалиётга жорий этиш билан бирга маънавий ўзликдан келиб чиққан ҳолда ўтмишдан қолган ва мавжуд анъаналардан кераклича фойдаланиш мақсадга мувофиқ албатта.

Бугун ривожланаётган, янгиланаётган Ўзбекистонда инновацион тафаккур соҳибларига эҳтиёж ниҳоятда юқори. Инновацион ривожланиш модели вужудга келтирган илмий-техникавий салоҳиятдан кенг ва самарали фойдаланишга, фундаментал ва амалий фаннинг ютуқларини, чуқур илм талаб қиладиган технологияларни ижтимоий ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида амалиётга кенг жорий этишга, юқори малакали иқтидорли илмий кадрлар сонини кўпайтиришга асосланади.

Инновацион ривожланиш бир қатор сифат ўзгаришларида намоён бўлади. Бунда жамиятнинг барча жабҳаларида структуравий функционал янгиланишлар устувор жараёнга айланади. Бундай ўзгаришлар палласига кирган жамиятда янги технологияларни жорий этиш

⁹¹ Нормуродов Б. Инновациянинг ҳозирги замон асослари., Ўзбекистон фани ва технологияларида инновация: муаммолар, ечимлар ва истиқболи. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари.-Самарқанд. 2007й.-6 бет.

инновацион фикрлаш ва фаолият кўрсатиш илғор ишлаб чиқариш усуллари, воситаларидан кенг фойдаланиш ижтимоий эҳтиёж даражасига кўтарилади ва барқарор амалиёт тусини олади.⁹²

Ўзбекистонда иқтисодий инновацион ислох қилишнинг энг муҳим стратегик мақсадларидан бири деб, кишиларда янгича иқтисодий фикрлашни шакллантириш, уларнинг дунёқарабини ўзгартириш, ҳар бир кишига ўз меҳнатини сарфлаш соҳаси ва шакллари мустақил белгилаш имконини бериш⁹³, ҳисобланади. Бу эса инновацион тафаккурни кенг ижтимоий онг йўналишига айланишига асосий сабаб ва туртки бўлди. Жамиятимиз инновацион тараққиёт йўлининг ўзига хос йўналишидан бормоқда. Информацион жамиятга ўтиш даврида маҳсулотларни ишлаб чиқариш, истеъмол қилиш, уларни янгилаб туришга кетадиган вақтнинг қисқариши ва жадаллашиб бориши фаолиятга, хусусан ижодкор интеллектуал фаолиятга бўлган талабни кучайтириб, инновацион тараққиётни ташкил этади. Инновацион тараққиёт ва ривожланишнинг асосида инновацион фикрлаш қобилияти ва амал қилиш механизмлари ётади. Бу ўринда биринчи навбатда қилиниши керак бўлган вазифа одамларнинг тафаккурини ўзгартириш, уларнинг онгида демократик кадриятларни қонунга бўйсуннишни мустаҳкамлаш ва қонун устуворлигига эришишдан иборат. Бу масаланинг аҳамиятли жиҳати шундаки, кишиларнинг тафаккурини, одат тусига кирган қоидаларини ўзгартириш жуда муҳим. Ҳар бир босқичда – дейди И.Каримов, кишиларнинг тафаккурини ўзгаришларни қабул қилишга тайёрлаб, уларни амалий ишлар билан янги тузумнинг афзаллигига ишонтириб, бошқа мамлакатларда юз

⁹² Қўшоқов Ш. Инновацион тафаккур концепцияси// Фан ва фалсафада инновацион тафаккур муаммолари. Илмий мақолалар тўплами.- Самарқанд.:СамДУ, 2010 й.- Б.18

⁹³ Каримов И.Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида .- Тошкент.; Ўзбекистон.-Б.18

йиллар давомида барпо этилган кадриятларга эришиш мумкин⁹⁴.

Дарҳақиқат, шу жиҳатдан олганда ҳам инновацион тафаккурни шакллантиришнинг аҳамияти беқиёс. Чунки юқорида айтиб ўтганимиздек, инновацион тараққиёт инновацион тафаккурни шакллантиришни тақозо этади. Биринчи Президентимиз мазкур фикрларида масаланинг ана шу жиҳатларини кўзда тутди. Шу асосда жамият аъзоларида инновацион тафаккур шаклланиб, тараққиёт янгидан янги босқичларга илгарилаб бораверади.

Бу жараёни атрофлича ўрганган ва кузатган Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ўзининг рисоаларида шундай ёзади: «Биз учун энг муҳими шуки, одамларнинг дунёқарашида сифат ўзгаришлари рўй бермоқда, бу ўзгаришлар ҳозирги замон воқелиги талабларига монанд келади»⁹⁵. Бу эса ислохотларнинг биринчи босқичини алоҳида ажралиб турадиган белгиси сифатида эътироф этилади. Ислохотларни амалга оширишнинг муҳим шартини эса инновацион тараққиёт ва жамиятнинг барча қатламларида инновацион тафаккурни шакллантириш ташкил этади. Эндиликда мана шундай ислохотларни изчил ва шиддат билан давом эттираётган давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев шундай таъкидлайдилар: “Ҳаммамиз яхши биламиз, бугунги давр юқори технологиялар, инновациялар замонидир”⁹⁶.

Дунёдаги ривожланган мамлакатлар ўз олдига нафақат кўплаб маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни бозорга олиб чиқишни, балки чуқур билим ва илмий ютуқларга асосланган инновацион иқтисодиётга ўтиш вазифасини қўймоқда. Яъни, ўз иқтисодиётини мавжуд табиий ресурсларни сарфлаш

⁹⁴ Каримов.И «Ўзбекистон буюк келажак сари». Тошкент.: Ўзбекистон. 1999.- Б.122

⁹⁵ Каримов И.Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида .- Тошкент.; Ўзбекистон.

⁹⁶ Мирзиёев Ш. Илм-фан ютуқлари ватанимиз равнакига хизмат қилсин.

//«Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз» Т.: Ўзбекистон. - 2017. 170 б.

эвазига эмас, инновацион маҳсулотлар яратиш, ўзлаштириш ва илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш орқали ривожлантириш тараққиётнинг асосий омилига айланмоқда. “Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади. Инновация - бу келажак дегани”⁹⁷ деб ёзади давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев. Таъкидлаш ўринлики, мамлакатни инновацион ривожлантириш стратегияси ва механизмлари энг аввало шу давлатда яратилган интеллектуал ва илмий-техникавий салоҳиятдан қанчалик самарали фойдаланиш билан чамбарчас боғлиқ. Ҳозирги давр инновацион тафаккурни шакллантирадиган ва уни мутахассислар онгига сингдирадиган давр. Тадқиқотчи олимларимиз таъкидлаганларидек, инновацион жараёнлар ижтимоий жараёнларнинг ўзгариш моҳиятини фодолайди ва жамиятнинг ривожланиш манбаси ҳисобланади⁹⁸.

Инновацион тафаккур концепцияси

Ўйин инсонга хос бўлган ижтимоий, интеллектуал фаолият сифатида тафаккурга бевосита таъсир кўрсатади. Аммо бу биз айтмоқчи бўлган ҳолат эмас, эътиборимизни тортган жиҳат инсон ақлий фаолиятидан келиб чиқадиган тафаккур юритиш жараёнида ўйин элементлари учрайдими, йўқми? Мана шу масала ҳақида сўз юритар эканмиз, баъзан қайси бир ўйин жараёнларида тафаккур комбинацияларининг ўйинга хос бўлган эркин, мутлақ чегаралаштирилмаган даражаларини учратамиз. Бу тафаккурнинг ўзига хос

⁹⁷ Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Т.2. Тошкент.: Ўзбекистон, 2018. Б-88.

⁹⁸ Туленова К.Ж. Расулев Э.Х. Образование и инновации: взгляд в будущее // Ўзбекистон фани ва технологияларида инновация: муаммолар, ечимлар ва истиқболи. – С.: Самарқанд, 2007. – Б. 120. (118-120)

инновацион ҳолатини келтириб чиқаради. Масалага бошқа жиҳатдан ёндашсак, яъни шиддат билан тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатларнинг ривожланишига асосий омил бўлаётган инновациялар, юртимизда ҳар бир соҳага қўйилаётган инновацион ривожланиш усули бугун биздан айнан инновацион тафаккурлашни талаб этмоқда. Зеро, Президентимиз Ш.Мирзиёев “халқимиз дунёқарашида инновация муҳитини яратиш – энг муҳим вазифамиздир”,⁹⁹ дея таъкидлаётганлиги бежизга эмаслигини англашимиз мумкин. Инновациянинг асоси инновацион муҳитдан ташкил топади, бунга эса инновацион ғоялар туртки бўлади, ўз-ўзидан маълумки, бундай ғояларга тафаккурнинг инновацион тарзда амалга оширилиши орқали эришилади. Тафаккур шакллари бўлган тушунча, ҳукм, хулоса чиқариш жараёнларида когнитив инновация содир бўлиши мумкин. Бу ўйин фаолияти давомида ҳам юзага келадиган ҳолат ҳисобланади, назаримизда.

Аслида, инсон жон, руҳ ва тана бирлигидан иборат бўлган ақли мавжудот сифатида айнан интеллектуаллик хислати билан бошқа мавжудотлардан фарқланади. Интеллект деганда (лотинча - интеллестус - билиш, тушуниш, идрок қилиш) - инсоннинг ақлий қобилияти, ҳаётни, атроф-муҳитни онгда айнан акс эттириш ва ўзгартириш, фикрлаш, ўқиш- ўрганиш, дунёни билиш ва ижтимоий тажрибани қабул қилиш қобилияти, турли масалаларни ҳал қилиш, бир қарорга келиш, оқилона иш тутиш, воқеа-ҳодисаларни олдиндан кўра билиш лаёқати тушунилади¹⁰⁰. Бундан келиб чиқадики, инсон интеллектининг ўзи бевосита турли параметрлардан ташкил топган жараён бўлиб, бу жиҳатдан ўйин тушунчаси билан чамбарчас боғланган. Чунки керакли вазиятларда қандай йўл тута билиш қонун-қоидалари, зиддиятларни ижобий ҳал

⁹⁹ // <http://uza.uz/oz/politics/shavkat-mirziyeev>.

¹⁰⁰ Гуревич П.С. Интеллект// Психологический словарь. -М.: ОЛМА Медиа групп, 2006. – С.281-283

қилишга интилиш, яъни, доимий ютукқа бўлган интилиш, экстремал вазиятлардан оқилона чиқа олишга ҳаракат қилиш ҳам инсоннинг интеллектуал салоҳиятига боғлиқ бўлади. Интеллект таркибига идрок қилиш, хотирлаш, фикр юритиш, сўзлаш ва бошқа руҳий жараёнлар киради. Интеллектнинг ривожланиши туғма истеъдод, мия имкониятлари, жўшқин фаолият, ҳаётий тажриба каби маънавий ва ижтимоий омилларга боғлиқ. Интеллект савияси, даражаси инсон фаолиятининг натижаларига, шунингдек, психологик тестларга қараб ҳам белгиланади. Ижодий фаолият маҳсули интеллектуал мулк ҳисобланади. Бу эса тафаккур жараёнининг муҳим жиҳатини ташкил этади.

Тафаккур, кўпгина, фан соҳалари фалсафа, мантиқ, педагогика, психология физиология, кибернетика, нейробиология, сунъий интеллект, когнитология каби фанларнинг тадқиқот предмети ҳисобланади. Психологияда тафаккур воқеликни умумлаштириш даражасига, муаммони ечиш воситаси хусусиятига, ҳолатларнинг инсон учун янгилиги, шахснинг фаоллик кўрсатиш даражасига кўра бир неча турларга ажратиб таҳлил қилинади. Масалан, кўргазмали ҳаракат, кўргазмали-образли, амалий, назарий, ихтиёрий, ихтиёрсиз, мавҳум, ижодий ва ҳоказо¹⁰¹.

Ижтимоий ҳаётда таълим жараёни ва ишлаб чиқаришда одамлар ўртасидаги алоқа ва муносабатлар ҳам тафаккур ёрдамида намоён бўлади. Жамоада танқидий қараш ўзини ўзи танқид, баҳолаш, текшириш, назорат қилиш, ўзини ўзи назорат қилиш, гуруҳий мулоҳаза юритишдан иборат тафаккур сифатлари вужудга келади.

Инсоннинг инсон томонидан идрок қилиниши ҳам тафаккур билан узвий алоқададир. Ижодий ишлар, кашфиётлар, ихтиролар, таклифлар тафаккурнинг маҳсули ҳисобланади. Психология тафаккурнинг филогенетик (одамларнинг антропологик тур сифатида эволюцион

¹⁰¹ Мышление// Психологический словарь. -М.: ОЛМА Медиа групп, 2006. – С.384-385

таракқий этиши) ва онтогенетик (киши умри давомида ривожланиши) билишга оид тарихий жиҳатларини ҳам ўрганади. Ҳозирги замон фанининг жуда кўп мураккаб масалалари тафаккурдаги рационал, нораціонал ва мантиқий жараёнлар хусусиятини янада чуқурроқ ўрганишни тақозо этмоқда.

Маълумки, тафаккур инсоннинг ақлий билиш қобилиятини амалга оширадиган руҳий жараён бўлиб, у туфайли олам ва ундаги қонуниятлар ўрганилади, ўзлаштирилади, ҳаёт ва яшашнинг сунъий муҳити («иккинчи табиат») яратилади. Тафаккур мураккаб руҳий жараён сифатида ўзининг унсурлари бўлган тасаввур, тушунча, ҳукм ва хулосаларни аналитик, синтетик, комбинатив, ассоциатив ҳаракат ва ўзгаришларда намоён этади. Инсоннинг ижодкорлик фаолияти эса бевосита унинг тафаккури билан боғлиқ. Тафаккур атроф-муҳитдаги воқеликни нутқ ёрдами билан бавосита, умумлашган ҳолда акс эттирувчи руҳий жараён, ижтимоий-сабабий боғланишларни англашга, янгилик очишга ва башорат қилишга йўналтирилган ақлий фаолиятдир. Мазкур таърифда тафаккурнинг энг муҳим жиҳатлари кўрсатиб ўтилган.

Қайси вазият ва мотивация асосида ҳамда фикрлашда қандай интеллектуал (мантиқий, методологик, образли ва ҳоказо) унсурлардан фойдаланилаётганлигини ҳисобга олиб, тадқиқотчилар аутив (вазиятли), вербал, кўргазмали ва беихтиёрий, унумли ва тикловчи тафаккур турларини фарқлайдилар¹⁰². Тадқиқотчилар ҳозирда воқеликка кенгрок миқёсда, очиқ система нуктаи назаридан, оламнинг хилма-хиллиги ва ранг-баранглилиги, жараёнларнинг ўзаро тартибли ва тартибсиз ишлар билан мураккаб, кўп тармоқли боғланиб кетганлигини ҳисобга олувчи тафаккурнинг яна бир тури - синергетик тафаккурга эҳтиёж туғилганликни

¹⁰² Ғозиев Э.Онтогенез психологияси. //Noshir//.Тошкент,2010, - Б.111-135.

таъкидлайдилар¹⁰³. Биз эса мазкур тадқиқотимизда тафаккурнинг хусусиятлари ва имкониятларига янгича баҳо бериш орқали эндиликда тафаккурнинг ушбу турлари орасида инновацион тафаккур тури ҳам мавжуд эканлигини алоҳида эътироф этиш ўринли, деб ҳисобладик.

Кейинги вақтларда фан ва техниканинг жадал ривожини туфайли инновацион ўзгаришлар жамият ҳаётининг барча соҳаларига бирдек кириб бормоқда. Шу боисдан айтиш мумкинки, инновациялар объектив реалликни ва инсоннинг ўзини ҳам ўзгартирувчи қурол ва восита сифатида жамият ва унинг барча соҳалари ривожланишининг келажагини белгилаб беради¹⁰⁴. Бу жараён эса бевосита тафаккурга боғлиқ равишда кечади.

Чунки, ҳар бир инсоннинг интеллектуал фаолиятида ижодий фикрлаш мавжуд. Ҳақиқадан ҳам, ҳар қандай янги тасаввур, хулоса чиқариш ижодий фикрлашни, фикрлаш жараёнига инновацион ёндашишни талаб қилади, назаримда. Мана шундай ижодий интеллектуал фаолият ижтимоий ишлаб чиқариш соҳаси ёки жараённинг таркибий қисмини ташкил қилганда жамиятда узлуксиз моддий-техникавий ва маънавий – интеллектуал тараққиёт содир бўлади. Тарихан бундай ҳолат индустриал жамиятга хосдир.

Индустриал жамиятнинг шаклланиши янгиликка нисбатан ижобийлик ва яратувчанлик муҳитини юзага келтирди. Бундай жамият машинали ишлаб чиқариш, бозор иқтисодиёти, меҳнатни илмий ташкил қилиш, техник, ташкилий ва иқтисодий рационалликка (оқилона иш юргизишга) асосланган. Янгиликка бўлган интилиш, янгиликни тадбиқ қилиш орқали такомиллашиб бораётган эҳтиёжларни қондириш, турли хизмат кўрсатиш соҳаларини яратиш доимий жараён тусини олади. Табиийки, ижтимоий янгилашиш, унинг назарий ва амалий масалалари тадқиқот

¹⁰³ Тўраев Б., Убайдуллаев У. Жамият тараққиётида янгича тафаккурнинг хусусиятлари // Фан ва фалсафада инновацион тафаккур муаммолари. Илмий мақолалар тўплами. – Самарқанд.: СамДУ, 2010. – Б. 7

¹⁰⁴ Делия В. П. Инновационное мышление в XXI веке. – Балашиха 2011. – С. 63-72.

предметига айланди. Бу эса, ўз навбатида, инновацион тафаккур ғоясининг шаклланишига олиб келди.

Бугунги кунда информацион жамиятга ўтиш даврида маҳсулотларни ишлаб чиқариш, истеъмол қилиш, уларни янгилаб туришга кетадиган вақтнинг қисқариши ва жадаллашиб бориши инновацион фаолиятга, хусусан, ижодкор интеллектуал фаолиятга бўлган талабни кучайтирмоқда¹⁰⁵. XX асрда инновацион тафаккур ғоясининг ижтимоий, руҳий-маънавий ва илмий-назарий заминлари, манбалари вужудга келди. Инновацион тафаккур концепциясига олиб келган илмий-назарий манбалардан бири унумли тафаккур ғоясидир, деб ёзади Ш.С.Қўшоқов¹⁰⁶.

Дарҳақиқат, унумли тафаккур гарчи тўлиқ янгилик яратишга қаратилган фикрлаш жараёни бўлмаса-да, амалий ва назарий фаолият учун самарали натижалар келтира олади. Демак, қайсидир маънода, унумли тафаккурда у ёки бу даражада янгилик ҳосил бўлади. Тафаккурда вужудга келадиган янгилик эса интеллектуал ижодиётнинг намоён бўлишидир. Шунини ҳисобга олиб, унумли тафаккурни ижодий тафаккур деб ҳам аташ ўринли бўлади.

Унумли тафаккур инсон ва жамият тараққиётини ҳаракатлантирувчи кучларидан бири бўлиб, у орқали ижтимоий уюшмаларнинг ўзгариши ва такомиллашиши, шунга олиб борадиган янги ғоялар, таълимотлар ва мафкураларни ишлаб чиқиш амалга оширилди. Бу, айниқса, ҳар бир соҳада ислохотларни бошидан кечираётган мустақил Ўзбекистонга хосдир. Эндиликда жамиятимизни янгилашда, чуқур иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислохотларни амалга оширишда янгича фикр юритиш механизмини

¹⁰⁵Кубаева Ш.Т. Ўйин назарияси ва унинг ижтимоий-инновацион моҳияти//Ўзбекистон фани ва технологияларида инновация: муаммолар, ечимлар ва истиқболи. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. - Самарқанд: СамДУ, 2007. -31 б.

¹⁰⁶ Қўшоқов Ш.С. Инновацион тафаккур концепцияси // Фан ва фалсафада инновацион тафаккур муаммолари. Илмий мақолалар тўплами. – Самарқанд.: СамДУ, 2010. – Б. 17

шакллантиришнинг роли ниҳоятда катта. Бундан кутилган мақсад мустақил ва янгича фикрловчи кишиларни тарбиялашдан иборатдир.

Маълум бўладики, ижтимоий янгиланишнинг назарий ва амалий масалалари тадқиқ этилиш жараёнида “Инноватика” фани вужудга келган бўлса, бу фанга параллел равишда XX асрнинг ўрталарига келиб ижод муаммосини тадқиқ этувчи “Эвристика” фани ривож топди. Ушбу фан орқали янгилик яратишга қаратилган ижодий фаолиятнинг умумий қонуниятлари, структураси ўрганиб чиқилди. Эвристиканинг асосий вазифаси маълум тизим учун янгиликни қидириш жараёни моделини тузишдан, шу жараён тафсилотини беришдан иборатдир. Эвристикада диққат-этибор бирор-бир жузъий шаклга эга бўлган ижодни эмас, балки ҳар қандай ижодий фаолиятнинг умумий хоссаси ёки структурасини, яъни қидириш ва муаммонинг ечимидан келиб чиқадиган янги ғояни яратиш жараёнини ўрганиш ва моделини тузишга қаратилган.

Эвристиканинг яна бир йўналиши - ижодий тафаккурни тадқиқ қилишдир. Бу соҳада олимлар интеллектуал ижодни моделлаштириш, унинг структураси ва моҳиятини тушунтириб бериш масалалари билан шуғулланади. Эвристика ва инноватика инновацион тафаккур хоссалари ва қонуниятларини тадқиқ қилиш учун зарур бўлган назарий ғоялар ва ёндашувларни ишлаб чиқди.

Кўриниб турибдики, XX асрда инновацион тафаккур ғоясининг ижтимоий, руҳий-маънавий ва илмий-назарий заминлари, манбалари вужудга келди. Масаланинг яна бир томони шундаки, юқорида биз ижодий тафаккур деб аташимиз мумкин бўлган унумли тафаккур жараёнининг ихтисосланиб, такомиллашиб бориши натижасида ақлий меҳнат соҳасида кашфиёт, ихтиро, янги ғоя ёки лойиҳалар ишлаб чиқилиши давомий жараёнга айлангач, унумли тафаккур инновацион тафаккурга айланади. Бундай ўзгаришни албатта, бир қатор ижтимоий шарт-шароитлар ва сабаблар тақозо этади. Мисол учун XX асрнинг 40-50

йилларида АҚШнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида жиддий янгилаш жараёнлари содир бўлди. Саноат соҳасида кўплаб илғор фан ютуқлари асосида лойиҳалаштирилган корхоналар пайдо бўлди, университетлардан лабораториялар ва консултив фирмаларга олимлар ва тадқиқотчиларнинг ўтишлари оммавий тус олди. Мана шундай вазиятларда илмий-техник ижод муаммоларини ўрганиш ва олинган натижаларни ишлаб чиқаришга татбиқ қилишга қаратилган тадқиқот ва амалий фаолият йўналиши – синектика (турли манбалардан келиб чиққан хилма-хил унсурлар бирикмаси маъносида) вужудга келди. Бу йўналишга америкалик муҳандис ва олим В.Ж.Гордон асос солди. У 1952-йилда ихтирочиларни тайёрлаш бўйича ижодий гуруҳни ташкил қилди. Айти пайтда, Гордон ихтиро қилиш усули ва технологияси масалалари билан шуғулланади. 1960-йилда у ўз тарафдорлари билан биргалашиб ижодий инновацион тафаккурни шакллантириш бўйича махсус фирмани – «Синектикинкорпорейтид»ни ташкил қилди. Бу фирманинг бирдан бир маҳсулоти янгича (инновацион) тарзда фикрлайдиган ихтирочилар бўлган. Жамиятда ҳар бир соҳада ўсиш суръатини инновациялар белгилаб беради. Шу ўринда тафаккурнинг бу хил турини нега айнан “инновацион” дея атаётганимиз, умуман олганда, бу ибора тўғрисида ҳам икки оғиз тўхталиб ўтмоқчимиз.

Луғавий жиҳатдан “инновация” тушунчаси инглиз тилидан таржима қилинганда (“innovation”) “янгилик киритиш”, деган маънони англатади. “Инновация” тушунчаси мазмунан аниқ ҳолатни ифодалайди. “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”да кўрсатилишича, инновация куйидагича мазмун ва тушунчаларга эга: “Инновация (ингл. “innovationas” – киритилган янгиллик, ихтиро) – 1) техника ва технология авлодларини алмаштиришни таъминлаш учун иқтисодиётга сарфланган маблағлар; 2) илмий-техника ютуқлари ва илғор тажрибаларга асосланган техника, технология, бошқариш ва меҳнатни ташкил этиш каби

соҳалардаги янгиликлар, шунингдек, уларнинг турли соҳалар ва фаолият доираларида қўлланиши”¹⁰⁷.

Инновациялар инновацион тафаккурга эга бўлган индивидлар томонидан амалга оширилади. Инновацион тафаккурнинг объектлашуви инновацион таълимни яратиш орқали юз беради. Инновацион таълим эса, ўз навбатда, бўлғуси мутахассисларда турмушнинг мазмуни ва уни қайта ишлаб чиқаришни тушунишнинг ривожланишига ёрдам беради, бу билан шахснинг инновацияларни рўёбга чиқаришга ундовчи инновацион тафаккури шаклланади.

Шуни таъкидлаш жоизки, инновацион тафаккур, унинг моҳияти ва турлари масаласи фалсафий рефлексиянинг нисбатан янги муаммоси бўлгани боис, адабиётларда унинг умум қабул қилинган таърифи ёки талқини мавжуд эмас. Тадқиқотчилар турли хилдаги эпистемологик, методологик, онтологик, ҳамда назарий мавқеларда туриб инновацион тафаккурнинг турли мазмундаги таърифларини беришмоқда. Айрим муаллифларнинг фикрича, инновацион тафаккур нарса ва ҳодисалар моҳиятини англай олиш қобилиятига эга бўлган тафаккурдир¹⁰⁸. Бу ерда инновацион тафаккурнинг ўзига хос хусусияти нимдан иборат эканлиги кўрсатилмаган. Тадқиқотчи Л.А.Холодкованинг таъкидлашича, инновацион тафаккур – ижтимоий муносабатларда вужудга келадиган зиддиятларни янги эҳтиёж ва манфаатларга мос келиши ёки келмаслигини англаш, уларни ижодий ҳал қилишга қаратилган билишнинг юқори босқичидир¹⁰⁹. Бошқа муаллифлар инновацион тафаккурни когнитив ва инструментал фаоллик даражасида рўй берадиган ҳамда ижодий, илмий-назарий, ижтимоий ва конструктив характерга эга бўлган инновацион фаолиятни таъминловчи

¹⁰⁷ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси давлат илмий нашриёти. -Тошкент. 2002.-4 том.-169.

¹⁰⁸ <https://studopedia.info/12-15054.html>.

¹⁰⁹ Холодкова Л.А. Формирование инновационного мышления в системе развивающегося обучения в военном высшем учебном заведении: Автореф. дисс... канд.пед.наук.- Санкт-Петербург, 2000.

тафаккур, деб белгилайдилар¹¹⁰. Кўриниб турибдики, бу таърифда ҳам инновацион тафаккурнинг когнитив-эпистемологик хусусияти очиб берилмаган.

Инновацион тафаккур тўғрисида бир қатор асарлар ёзган россиялик олим В.П.Делия бу тушунчага ниҳоятда кенг камровли, полисемантик хислатга эга бўлган таъриф беради. Натижада, муаллиф тавсия этган экспликацияда инновацион тафаккурнинг объектив ва субъектив, онтологик ва гносеологик томонлари, омиллари, жараён ва оқибат, билиш ва амалиёт эклектик тарзда қориштирилган. Биз у берган таърифни икки тилда келтирмоқчимиз. Русча: ”Инновационное мышление – это особенный тип мышления, который объединяет рациональный, интеллектуальный, творческий компоненты, объективную и субъективную реальность, способное проникать в суть вещей и явлений, воплощающее при этом в жизнь результат, в виде инноваций, эффективно разрешающих имеющиеся противоречия в действительность, улучшающие жизнь человека”. Яъни: “Инновацион тафаккур-тафаккурнинг ўзига хос тури бўлиб, у рационал, интеллектуал, ижодий компонентларни (қисмларни), объектив ва субъектив реалликни бирлаштиради, нарса ва ходисалар моҳиятига кириб бора олади, натижаларни эса инновациялар кўринишида ҳаётга татбиқ этади, воқеликдаги мавжуд зиддиятларни самарали ҳал қилади, инсон ҳаётини яхшилайдиган”¹¹¹. Бундай фикрга кўшилиш қийин. Инновацион тафаккур объектив ва субъектив реалликни бирлаштирамайди, интеллект тафаккурнинг компоненти эмас, воқеликдаги зиддиятларни тафаккурни ўзи эмас, балки амалий фаолият самарали ҳал қилиши мумкин, инновацион тафаккур бевосита инновацияларни ҳаётга татбиқ қилмайди, бу технолог-инноваторларнинг фаолияти доирасига (масалан,

¹¹⁰ Қаранг: Усольцев А.П., Шамало Т.Н. Понятие инновационного мышления //Педагогическое образование в России. 2014.-№1. –С.98.

¹¹¹ Қаранг: Делия В.П. Инновационное мышление в XXI веке. –Балашиха: изд-во “Де- По”, 2011. – С. 63.

франчайзинг туридаги корхоналар ходимларининг вазибаларига) киради. Хусусан, амалиёт ва ишлаб чиқаришда фаолият кўрсатаётган муҳандислар ва инноваторлар инновацион тафаккур натижаларини инсон ҳаётини яхшилашга қаратилган инновацияларга, яъни янги тузилма ва технологияларга айлантирадилар.

Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, В. П. Делия 1993 йилда ўтказилган Бутунжаҳон файласуфлар конгрессида илк маротаба бу атамани илмий муомалага киритди¹¹². Орадан ўн йил вақт ўтиб, яъни 2003 йилда Ш.С.Қўшоқов А.Азизкулов билан ҳаммуаллифликда чоп этган “Илмий ижодиёт: фалсафий ва илмий-назарий муаммолар” деб номланган монографиясида биринчи марта инновацион тафаккур ғоясига фалсафий ёндашувни илгари сурди ва ушбу амага қуйидагича ишчи таъриф берди: “Инновацион тафаккур,- дейди Ш.Қўшоқов, - инсоннинг янги эҳтиёжлари ва муаммоларини қондириш ва ҳал этишга йўналтирилган янги ғоялар, кадриятлар ва лойиҳаларни ихтисослаштирилган корхоналар ва жамоаларда мунтазам равишда ишлаб чиқаришга, яратишга қаратилган ижодий тафаккурнинг туридир”¹¹³. 2007 йилда Самарқанд давлат университетиде ташкил этилган “Ўзбекистон фани ва технологияларида инновация: муаммолар, ечимлар ва истиқболи” мавзусидаги илмий-амалий конференцияда ҳамда “Фан ва фалсафада инновацион тафаккур муаммолари” (2010 й.) деб номланган илмий тўпланда тафаккур концепцияси атрофлича кўриб чиқилди.

Дарҳақиқат, информациян жамиятга ўтиш даврида маҳсулотларни ишлаб чиқариш, истеъмол қилиш уларни янгилаб туришга кетадиган вақтнинг қисқариши ва жадаллашиб бориши инновацион фаолиятга, хусусан, ижодкор интеллектуал фаолиятга бўлган талабни

¹¹² Делия В.П. Инновационное мышление в XXI веке. С.5.

¹¹³ Азизкулов А., Қўшоқов Ш.. Илмий ижодиёт: фалсафий ва илмий-назарий муаммолар. Монография. Самарқанд: СамДУ, 2003. -129 б.

кучайтирди. Эндиликда инновацион ривожланишнинг асосий омилларидан бири бўлган инновацион тафаккурни ҳар томонлама тадқиқ қилиш зарурияти пайдо бўлди. Шу боис, инновация янги ғоялар, технологиялар, инфор­мацион лойиҳалар ва маҳсулотларни кашф этиш, ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ қилишни билдириб, ҳозирги замон ишлаб чиқариш ва ижтимоий фаолият тизимларида асосий фаолият турига айланмоқда.

Тўғри, ҳозиргача чоп этилган адабиётларда инновацион тафаккурнинг айрим хислатлари “ижодий фикрлаш”, “янги тасаввурларни ишлаб чиқиш” “ноанъанавий тафаккур”, “унумли тафаккур” каби иборалар орқали ифодаланган.

Айтиш керакки, кашф этиш ва ихтиро қилиш илмий, бадий ва технологик ижодиётнинг соҳаси ҳисобланади. Бундай фаолиятда намоён бўладиган ижодий тафаккур моҳиятини ўрганиш борасида тадқиқотчилар унумдор ва тикловчи (репродуктив) тафаккур турларини фарқ қила бошладилар. З.И.Калмыкованинг фикрича, мазкур фарқлаш асосида тафаккур фаолияти жараёнида ҳосил бўладиган натижанинг (фикрлаш ҳосиласининг) янгилик даражаси ётади¹¹⁴.

Фикримизча, устувор фаолият сифатида янги ғоялар, концепциялар ва лойиҳаларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган тафаккурни шунчаки унумли эмас, балки инновацион тафаккур деб белгилашга асос бор. Гап шундаки, ҳар бир тафаккур актида фикр (образ, ғоя ва ҳоказо) ҳосил қилиш жараёни мавжуддир. Ишлаб чиқилган фикр тафаккур соҳиби учун янги ёки қайта тикланувчи фикр бўлиши мумкин. Маълум маънода, «унумли тафаккур» атамаси «инновацион тафаккур» атамасига қараганда кенгрок мазмунга эга.

Йўналтирилган, соҳавийлашган инновацион тафаккурнинг шаклланиши заминида янгиликни ишлаб

¹¹⁴ Калмыкова З.И. Продуктивное мышление на основа обучаемости. -М., 1981. – С.12

чиқиш, тадбиқ қилиш ва тарқатишга қаратилган ақлий меҳнат жабҳалари бўлган инновацион корхоналарнинг вужудга келиши ётади.

Унумли тафаккурда янги ғоя ишлаб чиқилса-да, аслида у назарий ва амалий фаолият учун зарур бўлган самарали натижани берадиган фикрлаш жараёнидир. Шу билан бирга, бу жараён ихтисослашиб бориши, такомиллашиши мумкин. Ақлий меҳнат соҳасида кашфиёт, ихтиро, янги ғоя лойиҳа ишлаб чиқишга олиб келадиган унумли тафаккур тизимли, изчил ва мунтазам бўлган тақдирда, инновацион тафаккурга айланади.

Ҳар бир инсоннинг интеллектуал фаолиятида ижодий фикрлаш у ёки бу даражада мавжуддир. Ҳар қандай янги тасаввур, хулоса чиқариш, бирон-бир янги турдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш ижодий фикрлашни талаб қилади.

5. ИННОВАЦИОН ТАФАККУРНИНГ ГЕЙМЛИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Инновацион тафаккур ва ўйин: концептуал – конструктив алоқадорлик

XXI аср фалсафа ва фанида ўйин ғояси, ўйиннинг моҳияти ва типологияси, ўйин ва тафаккур ўртасидаги боғланиш жиддий онтологик, эпистемологик ва конкрет илмий соҳавий тадқиқотлар предметига айланиб бормоқда.

Биз инновацион тафаккурнинг моҳияти ва айрим хислатларини, унга берилган концептуал талқинларни кўриб чиқдик. Савол туғилади: инновацион тафаккурнинг геймлик (ўйинга хос) хислати мавжудми?

Ўйин олий турдаги жонзотлар, шу жумладан, инсоннинг универсал фаоллигининг бир кўринишидир. Инсон қайси фаолият билан шуғулланмасин, уларнинг барчаси ўйин жабҳасига тортилиши мумкин. Ўйин орқали инсон ўзи ва воқеликни англайди, ўзлаштиради, табиий, шахсиятли ва ижтимоий феноменларга тақлид қилади, у ёки бу ролни ўйнайди. Инновацион тафаккур ҳам ўйин жабҳасига тортилиши мумкин бўлган интеллектуал фаолиятнинг бир туридир.

Инновацион тафаккур ва ўйинни бир-бири билан боғлайдиган икки жиҳат мавжуд: 1. Инновацион тафаккурда ўйин жараёнларининг намоён бўлиши, яъни тафаккурда содир бўладиган семантик-маъновий ўйинлар, образлар ва тасаввурларнинг ўзига хос (қаердадир детерминлаштирилган, қаердадир хаотик, виртуал кўринишидаги) ўйини содир бўлиши;

2. Инновацион тафаккурни шакллантирадиган интеллектуал ўйинларни яратиш ва улардан фойдаланиш.

Шундай қилиб, инновацион тафаккур концепцияси ўйин назарияси, унинг асосий тушунчалари ва ғоялари билан бойитилиши имконияти борлигини кўришимиз мумкин. Мазкур эпистемологик имкониятнинг асосида ҳам тафаккур,

хам тил коммуникацияси жараёнларида ўйин ёки уни ўхшатадиган хислатнинг мавжудлиги ётади. Тил кишиларнинг бир-бири билан алоқа қилиш воситаси ва фикрнинг бевосита ифодасидир. Кишилар фикр айирбошламаса, умуман зарур моддий бойликларни ишлаб чиқара олмаган, табиат кучларига қарши биргаликда кураша олмаган бўлур. Фикр айирбошлаш эса фақат тил ёрдамида юзага чиқиши мумкин. Тил тафаккурнинг борлиқ шакли, тафаккур эса тилнинг мазмунидир¹¹⁵.

Тилнинг лингвистик ва семантик хусусиятларини ўрганар экан, Ғарб фалсафасининг йирик намоёндаси Л.Витгенштейн ўтган асрнинг ўрталарида тил ўйини концепциясини ишлаб чиқди. Тафаккур, хусусан, инновацион тафаккурга хос бўлган интеллектуал- семантик ўйин ғояси кўп жиҳатдан шу файласуфнинг ишлаб чиққан концепциясига асосланади.

Инновацион тафаккурда ўйиннинг намоён бўлиши турли шакл ва моделларда ўз ифодасини топади. Инновацион тафаккур ва ўйин ўртасидаги боғланишни, ҳозирги замон ахборот ва компьютер инқилоблари шароитида такомиллашиб бораётган ўйин технологияларида инновацион тафаккурнинг намоён бўлишини ўрганиш, унинг илмий, эвристик ва амалий самарадорлигини тадқиқ қилиш фалсафа ва фанда долзарб масала бўлиб турибди. Яна бир жиҳати борки, инновацион тафаккур концепцияси бугунги кунда такомил назария даражасига етмаган илмий йўналиш бўлиб турибди. Бизнингча, мазкур йўналишнинг муҳим истикболий томони инновацион тафаккурни ўйин назарияси тушунчалари асосида ўрганиш ва шу орқали креатив тафаккурнинг ўйинли хислатларини тадқиқ қилишдир.

Инновацион тафаккурнинг психологик замида образлар, маънолар ва ҳукмларнинг ихтиёрий ассоциацияси, бир-бирига семантик таъсири, бунинг натижасида эса, тил ва тафаккур қоидалари, қонунлари доирасида янги образлар ва

¹¹⁵ Туленов Ж., Ғафуров З., Фалсафа., Т.: Ўқитувчи, 1997, -173 б.

тасаввурларни ҳосил бўлиши ётади¹¹⁶. Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда, инновацион тафаккурда интеллектуал ўйин феномени (ёки ҳолати) мавжуд дейишимизга асос бор.

Тил ва тафаккур ўйини

Ноклассик фалсафанинг концептуал ва методологик ёндашув ва воситалари асосида олиб борилган изланишлар натижасида тил ўйини концепцияси яратилди. Тил ўйини феномени тилни ўрганишда, лингвистик коммуникацияни амалга ошириш имкониятини берадиган норматив қоидаларни ўрганишда катта аҳамиятга эга эканлиги аниқланди.

Тил ўйини, биринчи навбатда, интерсубъектив коммуникация (индивидлараро мулоқот) экан, тил ва тафаккурнинг ўзаро таъсири майдонларида намоён бўладиган лингвистик ва образли-семантик ўйинларнинг роли ва аҳамиятини тадқиқ қилиш олдинги ўринга чиқади. Мазкур муаммони ўрганиш тил ўйини ва инновацион тафаккур ўртасидаги алоқадорликни тадқиқ қилиш учун йўл очиб беради.

Интеллектуал ўйин феномени тўғрисидаги тасаввур, ўз навбатида, тил ўйини ва тафаккур ўйини тушунчалари синтези хусусида билдирилган мулоҳазалардан келиб чиқади. Тил ва тафаккур эса маънолар стихияси, уларнинг (маъно-мазмунларнинг) семантик ўйини маконидир. Умуман олганда, ижод, интеллектуал инновация маънолар ҳаракати, ўйинидан бошланади. “Маданиятда, - деб таъкидлайди М.Р.Жбанков, - ҳар қандай инновация дастлаб маъно ва мазмунларнинг ўзига хос ўйини шаклида вужудга келади”¹¹⁷.

¹¹⁶ Қаранг: Қўшоқов Ш.С. Креативность как характеристика семантической виртуальности//Фалсафа ва фанлар методологияси муаммолари: Аллома Омонулла Файзуллаев илмий назарий - семинари материаллари. – Тошкент, “MUMTOZ SO’Z”, 2016. -32 б.

¹¹⁷ Қаранг: Жбанков М.Р. Игра\Новейший философский словарь. -Минск, 1999. – С. 252

Тил ва тафаккур ўйини ҳақидаги дастлабки тасаввурлар тил фалсафасининг ноклассик парадигмаси доирасида шаклланди. Бу парадигманинг бошланғич тамал тошини немис олими ва файласуфи Вильгельм фон Гумбольд (1767-1835) қўйди. Олим қиёсий тилшунослик йўналишига асос солди, тилнинг ижодий моҳияти ҳақидаги ғояни олға сурди. Гумбольднинг фикрича, тил шунчаки, фаолият маҳсули бўлмасдан, балки маънолар оламини яратувчи фаолиятнинг ўзидир.

Ноклассик фалсафа йўналиши бўлган мантиқий позитивизмнинг йирик намоёндаси Людвиг Витгенштейн (1889-1951) 1945 йилда “Фалсафий тадқиқотлар” асарида (1953 йилда чоп этилган) фанга биринчи бўлиб “тил ўйини” тушунчасини киритди¹¹⁸. Л.Витгенштейннинг ғоясига кўра, тил ўйини индивидлар ўртасидаги мулоқотнинг маълум қоида ва келишув (сўз ва сўз бирикмаларига маъно бериш, маънони янгилаш, бойитиш ва ҳ.к.) асосида амалга оширишга қаратилган лингвистик ҳодисадир. Тил ўйини феномени сўз ва маъноларни ишлатиш қоидаларидан (уларни бузмаган ҳолда) ихтиёрий фойдаланиш имкониятларининг мавжуд бўлишига асосланади. Бу эса, ўз навбатида, тил унсурларини эркин (ўйин тарзида) ишлатишни, сўз ўйини ва маънолар плюрализмининг содир бўлишини тақозо этади, акс ҳолда, тил ўйини ҳислатларига эга бўлмаган қатъий лингвистик алгоритм кўринишини олган бўлар эди.

Тилнинг амал қилишида қатъий алгоритм бўлган тақдирда тил унсурлари ва воситаларидан ихтиёрий фойдаланиш (масалан, сўз ўйини, метафорик маъно бериш ҳолатларида), маънолар плюралиزمi, тил қоидаларини эркин ишлатиш каби имкониятлар йўқолади. Бундай ҳолатда, табиийки, тил ўйини ҳодисаси содир бўлмайди.

¹¹⁸ Витгенштейн Л. Философские исследования //Новое в зарубежной лингвистике. Вып.XVI.-М.,1985.

Ҳозирги замон тилшуносларнинг фикрича, сўзлашувчи мулоқот жараёнида сўз воситалари билан “ўйнайди”¹¹⁹. Постмодернизм таълимотида тил ўйини ғояси “матн ўқувчиси” тушунчаси асосида ривожлантирилади. Бу ғояга кўра, ўқиш жараёнида учта томон (матн ўқувчиси, матн ва муаллиф) бир бутунликни ташкил қилиб, коммуникация ва мулоқот пайтида тил ўйинининг чексиз майдони ҳосил бўлади¹²⁰. Бу чексиз семантик майдонда янги образлар, маънолар, идеал моделлар вужудга келади.

Тил ва тафаккурнинг ўзаро боғлиқлигини, улардаги мантикий ва грамматик тузилмалар ўхшашлигини ҳисобга олганимизда тафаккурда ҳам ўзига хос семантик ўйинлар ҳосил бўлишини тан олишга тўғри келади. Зеро, ўйин тушунчасига берилган талқинларнинг бирида ўйин жисмоний ва интеллектуал фаолият кўриниши бўлиб, у орқали инсон ўзининг ақлий ва эмоционал хислатларини рўёбга чиқариши ҳамда ижодий изланиш воситаси (йўли, ҳолати) эканлиги таъкидланади. Тил ва тафаккур ўйинлари интеллектни бир хил қолип ёки тахлитда фаолият кўрсатиш доирасидан ташқарига чиқаради, натижада, лексик ва семантик маънолар майдонида “ўзга оламлар”, “имконий оламлар” ҳосил бўлади¹²¹.

Интеллект ўйинининг энг муҳим кўриниши ёки модели инсон тасаввурларининг маҳсулдор ўйинидир. Интеллектуал маҳсулдор ўйиннинг ёрқин намунаси илмий билишда қўлланиладиган ақлий экспериментдир. Бунда тадқиқотчи ўзига хос интеллектуал ўйинни амалга ошириб, ўрганилаётган объектнинг хоссалари ва қийматларини акс эттирувчи образлардан ташкил топган семантик моделни тасавурида реал ва эҳтимолий шароитларга қўяди, виртуал кучлар ва таъсирлар оқибатларини таҳлил қилади, натижада,

¹¹⁹ Уварова Н.Л. Логико-семантические типы языковой игры: Автореф. дис.канд.филол.наук.–Горький, 1986.

¹²⁰ Можейко М.А. Языковые игры //Новейший философский словарь. -Минск, 1999. – С.870.

¹²¹ Жбанков М.Р. Ҳавола қилинган асар. -252 б.

янги технологик, назарий ёки амалий хулосага келади. Тафаккурда инновация, яъни янгиликнинг вужудга келиши шу тарзда амалга ошади.

Конвергент ва дивергент тафаккур: инновацион имкониятлари

Тафаккур ўйини реал ва виртуал образларни, хусусан, улардаги маъноларни ўзгартириш, ихтиёрий бирлаштириш, маънолар синтези ва комбинацияси шаклида содир бўлиши ҳам мумкин. Яъни, семантик образлар ва маъноларни маълум индуктив ёки дедуктив қоидалар асосида ўзгартириш, ихтиёрий бириктириш янги образнинг, фикрнинг ҳосил бўлишига олиб келади. Шу тарзда амалга ошадиган тафаккур ўйини инновацион тафаккур заминини ташкил қилади.

Адабиётда семантик образлар, маънолар, уларнинг бирикмаларини ҳаракатга келтирадиган тафаккурнинг икки тури мавжудлиги таъкидланади, Булар конвергент ва дивергент тафаккур турларидир¹²². Конвергент тафаккурда кўп хил ва турдаги шароитлар, масалалар кўриб чиқилади, бирдан-бир тўғри ечимга келинади, қарор қабул қилинади.

Инновацион тафаккур учун асос бўладиган тафаккур дивергент тафаккурдир. Психологларнинг таъкидлашларича, бу тафаккур теранлик хислатига эга бўлиб, бир вақтнинг ўзида турли семантик (идеал, маъновий) йўналишларда образлар, тушунчалар, уларнинг мазмунлари таҳлил қилинади, таққосланади, ижодкорда параллель фикрлаш содир бўлади, муаммоларни ечиш усуллари ва воситалари ҳар хил вариантларда синалади, ишлатилади, натижада, янги ёки қутилмаган ғоя, ёндашув вужудга келади. Шу боис, биз дивергент тафаккурни конструктив тафаккур деб ҳам белгилашимиз мумкин.

¹²²Қаранг: Гуревич П.С. Мышление //Психологический словарь. -Москва: ОЛМА Медиа Групп, 2007. – С. 385.

Дивергент тафаккурда интеллектуал ўйин ҳолати кўпроқ содир бўлиб, унда маънолар, образлар ва тушунчаларнинг конструктив комбинацияси (чатишмаси), уларнинг ихтиёрий тарзда таққосланиши ва бирикиши ҳамда ҳар қандай ўйинда бўлганидек, маълум (мантикий, стилистик) қоидалар асосида амалга ошади. Шу каби интеллектуал жараёнлар майдонида ўзига хос семантик (маъновий, виртуал, концептуал, метафорик ва бошқа) ўйинлар содир бўлади. Демак, инновацион тафаккурда семантик унсурлар ўйин ҳолатида бўлади, интеллектуал ўйин жараёни эса грамматик, стилистик ва мантикий қоидаларга (нормаларга) бўйсунган ҳолда кечади.

Шундай қилиб, ижодий интеллектуал фаолият ижтимоий ишлаб чиқариш соҳаси ёки жараённинг таркибий қисмини ташкил қилганда жамиятда узлуксиз моддий-техникавий ва маънавий-интеллектуал тараққиёт содир бўлади. Масалан, жамиятда ижтимоий соҳаларда ўйналадиган иқтисодий ўйинларда, асосан, рақобат муҳити остида фаолият олиб борилади. Бунда аниқ белгиланган бир шароитда инсоннинг ҳаракатлари ва маълум бир вазият ўйналади. Натижанинг ижобий яқунланиши ўз навбатида инсон истеъмол қиладиган маҳсулотларнинг янгидан-янги турларини ишлаб чиқариш мунтазам амалга оширадиган жараёнга айланиб қолади ва бунинг маънавий заминини ташкил қилувчи ижодий фикрлаш ихтисослашган интеллектуал инновацион фаолият кўринишидаги меҳнат даражасига кўтарилади. Мана шу тарзда ақлий фаолият жабҳасида ихтисослашган инновацион тафаккур шаклланиб боради.

Инновацион тафаккурнинг креатив ва геймли хусусиятлари

Инновацион тафаккур ва ўйинлар назариясининг умумийлик тарафлари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат.

Инновацион тафаккур ва ўйинга даврийлик хосдир, уларда даврий жараён, яъни уларнинг ҳар икковида ҳам бошланиш, юксалиш ва яқунланиш фазалари мавжуд.

Инновацион тафаккур жараёнларида маълум моделлар орқали муайян янги тасаввурлар ва хулосалар пайдо бўлади. Ўйин жараёнида ҳар бир субъект ўзига хос йўналиш ва услубга эга бўлади, асосий урғу эса бетакрорликка берилади. Инновацион тафаккурда айнан бетакрорлик устувор аҳамият касб этади. Ўйин категорияси жой олган ўйинлар назарияси инсоният жамиятида содир бўладиган ҳодисалар моделини беради.

Ҳар қандай ноаниқлик шароитида ечимни топишга интилиш ва бунда ечимни қабул қилувчи субъект, яъни ўйинчи хилма-хил мавжудликка эга бўлган вазиятлар ҳақида маълумотга таяниши ҳамда ана ўша вазиятларнинг бирида аниқ иштирок этиши ўйинлар назариясининг асосий тамойилларидан бири ҳисобланади.

Ўйинлар назариясининг ҳаётга татбиғи орқали инновацион фикрлашга ундайдиган объектив ва субъектив омилларни ҳосил қилиш имконияти вужудга келади, яъни маълум қулай вазиятни, шароитни таъминлай олиш, ижодий амалий фаолиятга олиб келадиган фикрлар ўйинини вужудга келтириш мумкин бўлади ва бу табиийки, инновацион тафаккурга хос бўлади.

Бундан ташқари, бевосита назарий тафаккурдаги шундай жараёнлар орқали бўлажак маҳсулот ғоясини ўйлаб қўйиш ёки янги мазмунни мужассамлантирадиган олд ғояни шакллантира олиш ҳам мумкин бўлади.

Инновацион тафаккур ўзига хос даврий босқичларига эга. Эҳтимоллилик ва статистик ноаниқлик шароитидаги экстремал масалалар ечими назарияларининг табиий ривожланиши ҳисобланган ўйинлар назарияси орқали тафаккурда илгари сурилган олд ғояни масалага айлантириш ва изланиш жабҳаси бўлган муаммоли вазиятни ҳосил қилиш ҳам мумкин. Бу эса инновацион тафаккурнинг ана шу даврий

босқичининг самарали бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

Янги тасаввур, хулоса чиқариш, бирон-бир турдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш ижодий фикрлашни талаб қиларкан, бу ўринда ўйин билан ижодий тафаккур ўртасидаги боғлиқлик янада мукаммалашади. Ўйин ва ўйинлар назарияси кишини ижодий-инновацион фикрлашга ундайди ва бундан интеллектуал фаолият амалга оширилади ҳамда ақлий фаолият жабҳасида инновацион тафаккур шаклланади. Айниқса инновацион тафаккурни намоён бўлиш шакллари сифатида юзага келган иқтисодий ўйинлар таъсирида меҳнат ва тадбиркорлик соҳаларида содир бўлаётган иқтисодий инновацияларни ҳаракатга келтириш, рақобатбардошлик муҳитини вужудга келтириш, ўтказилаётган ислоҳотларга мослашиш ҳамда ҳозирги замон ишлаб чиқариш талабларига жавоб бера оладиган, механизм ва лойиҳаларни яратишга қаратилган замонавий, инновацион ғояларни илгари суриш учун кенг қамровли асос ва шароитлар яратилади.

Бизнингча интеллектуал жараёнларга турли интеллектуал ўйин моделлари орқали таъсир кўрсатилганда ақлий фаолият майдонида турли хил ўзига хос семантик маъновий, виртуал, концептуал, метафорик ва бошқа ўйинлар содир бўлади, бу ўз навбатида инновацион тафаккурнинг креатив ғоялар яратилишига кенг имкониятлар беради.

Инновацион тафаккурнинг объективлашуви инновацион таълим орқали юз беради. Бу ўйинлар орқали бола, ўқувчи ва талаба онгида янги тасаввур, ғоя сингдирилиб борилганда таълим натижаси яна ҳам кўпроқ самарали бўлади ва киши онги инновацион фикрлашга мойиллиги ортади.

Инновацион тафаккурда семантик унсурлар ўйин ҳолатида бўлади, интеллектуал ўйин жараёни эса грамматик, стилистик ва мантикий қоидаларга (нормаларга) бўйсунган ҳолда кечади. Бу эса тафаккурда ижодий интеллектуалликни ошириб боради, инновацион ғоялар яралишига асос яратади.

Бизнингча ижодий интеллектуал фаолият ижтимоий ишлаб чиқариш соҳаси ёки жараённинг таркибий қисмини ташкил қилганда жамиятда узлуксиз моддий-техникавий ва маънавий-интеллектуал тараққиёт содир бўлади.

Инновацион тафаккур ва ўйин ўртасидаги боғланиш, ҳозирги замон ахборот ва компьютер инқилоблари шароитида такомиллашиб бораётган ўйин технологияларида инновацион тафаккурнинг намоён бўлишини ўрганиш, унинг илмий, эвристик ва амалий самарадорлигини тадқиқ қилиш фалсафа ва фанда долзарб масала ҳисобланади. Яна бир жиҳати борки, инновацион тафаккур концепцияси бугунги кунда такомил назария даражасига етмаган илмий йўналиш бўлиб турибди. Бизнингча, мазкур йўналишнинг муҳим истиқболий томони инновацион тафаккурни ўйин назарияси тушунчалари асосида ўрганиш ва шу орқали креатив тафаккурнинг ўйинли хислатларини тадқиқ қилишдир.

ХУЛОСА

Ўйин юқори ташкиллашган материя ривожланишининг кўп томонлама ва кўп шаклли эволюцион жараённинг синергетик маҳсулидир.

Ўйин тушунчасининг онтологик ва гносеологик аспектларини тадқиқ қилиш ишлари ҳам ўйин фалсафасининг концептуал элементларини шаклланишига олиб келмоқда. Онтологик маънода ўйин тизимнинг динамик ҳолати ёки тизимлараро ички тизимли алоқанинг бир кўриниши, деб белгилаш мумкин. Гносеологик томондан олиб қараганда ўйин ўзига хос тадқиқот объекти бўлиб, унинг турли, жумладан, статистик ва эҳтимолли хислатларни ўрганиш жараёнида ҳосил бўлган қарашлар ва моделларни табиий ва ижтимоий-гуманитар фанларда шаклланган назарий ва ўйинли ёндашув (йўналиш) сифатида эътироф этилиши мумкин.

Цивилизация меҳнатни юқори даражада соҳавий ихтисослаштириб кўйган бир даврда инсонларни жисмоний ва интеллектуал потенциалининг ўйинли ва амалий функционал жиҳатларидан самаралироқ фойдаланиш эҳтиёжи кучаяди. Бу потенциалдан тўлиқ фойдаланиш ўйиннинг компенсаторлик, ривожлантирувчилик, креативлик хислатларини юксалтиради.

Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий муносабатларнинг ўзгариши, мураккаблашиши ўйин ва унга бўлган муносабатга таъсир этди, эндиликда унинг илмий билишлик, бошқарувчилик функциялари ўрганилмоқда ва амалиётга тадбиқ қилинмоқда. Бундан келиб чиқадики, ўйин муаммоси билан шуғулланиш шу соҳада илмий рационал методларнинг яқинлашуви, фанлараро ҳамкорлик ва интеграция самарали, ижобий натижаларини беради. Бу ижтимоий фаолият кўриниши бўлган ўйинни тадқиқ қилишда функционал ва тизимли ёндашувни шакллантиради.

Ўйин феномени, унинг назарий моделларини ўрганиш, ижтимоий ҳаёт ва ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиш турли

вариантлардан энг мақбулини танлаш каби хислатларни ривожланишига олиб келади.

Мураккаб тизимлар фаолияти ва кўп факторли муаммоли вазиятларни ўрганиш борасида махсус ўйинга оид моделлар ҳамда сценарийлар (масалан, ақлий ҳужум, тенг қийматли вариантлар ишлаб чиқиш, ўйинли виртуал ташкилотлар ва бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва бошқа шаклларда) тузилиб, бундай моделлар ёрдамида ижтимоий тузилмалар, маънавий жараёнлар, таълим ва ишлаб чиқариш лойиҳаларининг модели ҳамда методикасини ишлаб чиқиш имконияти пайдо бўлади.

Инновацион тафаккурнинг геймлик (ўйинлик) хусусиятларини ўрганиш тобора фанлараро тадқиқот предметига айланиб бормоқда. Инновацион тафаккурнинг ўйинли концепциясини ишлаб чиқиш зарурати пайдо бўлмоқда. Ўйинли инновацион тафаккур моделларини тарбия, таълим, тадбиркорлик машғулотлари ва тадбирларига тадбиқ қилиш бу соҳадаги фаолиятлар самарадорлигини ошишига олиб келади.

Инсоннинг янги эҳтиёжларини ва муаммоларини қондириш ва ҳал этишга йўналтирилган янги ғоя, лойиҳаларни, ихтисослашган корхона ва жамоаларга, мунтазам равишда ишлаб чиқаришга, яратишга қаратилган инновацион тафаккур жараёнларига ўйинлар назарияси, унинг услубий ва функционал тавсиялари нуктаи-назаридан ёндашиш бизнингча, таълим, ижтимоий тадбирлар, менежмент ва тадбиркорлик соҳаларида ўзининг самарали натижаларини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида / расмий нашр / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: Адолат, 2017. – Б. 26.

2. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 30-сентябрдаги ПҚ-3305-сон қарори. 2 - октябр 2017-йил.

3. Мирзиёев Ш. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Т.2. Тошкент.: Ўзбекистон, 2018. Б-88..

4. Мирзиёев Ш. «Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз» Т.: Ўзбекистон, 2017. - Б.87

5. Мирзиёев Ш. Мирзиёев Ш. Илм-фан ютуқлари ватанимиз равнақиға хизмат қилсин. //«Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз» Т.: Ўзбекистон. - 2017. 169 б.

6. Мирзиёев Ш. Демократик ислохотларни чуқурлаштириш, барқарор ривожланишни таъминлаш - халқимиз учун муносиб ҳаёт даражасини яратишнинг кафолатидир. //«Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз». Т. - «Ўзбекистон» - 2017.-87 б

7. Каримов И. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. -Т., Ўзбекистон. 1992. -Б.20.

8. Каримов И. Ўзбекистон 21 аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Т.: Ўзбекистон 1997 й. Б. 36 .

9. Каримов И.А. Конституция – юртимизда янги ҳаёт, янги жамият барпо этишнинг ҳуқуқий пойдевори. – Т.: Ўзбекистон, 2003. –Б. 45.

10. Каримов.И. Ўзбекистон буюк келажак сари.- Тошкент: Ўзбекистон 1999. -311.

II. Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар

11. Аверинцев С.С. Культурология Йохана Хейзинги. Вопр.философии, 1969.-№3.- С.174.

12. Аристотель. Соч. В 4-х т. Т. 4. - М.: Мысль, 1984. - С. 630.

13. Аникеева. Н. П. Воспитание игрой. - М.: Просвещ., 1987. - 177 с.

14. Азизкулов А., Кўшоқов Ш.. Илмий ижодиёт: фалсафий ва илмий-назарий муаммолар.Монография. Самарқанд: СамДУ, 2003. -129 б.

15. Анцупов А.Я., Шипилов А.И. Конфликтология. - М.: ЮНИТИ, 2000. – С.80 – 81.;

16. Аллен Р. Математическая экономия. Пер.с англ. М.: Изд.иностр.лит., 1963. Гл.14. – с.404 - 416.

17. Бычков В. В. Игра / ВВ. Бычков, О. В. Бычкова // Новая Философская энциклопедия. М., 2001. - Т. 2. - С. 67-70.

18. Берн Э. Игры, в которые играют люди. Люди, которые играют в игры / Эрик Берн. Санкт-Петербург-Москва: «Университетская книга» АСТ, 1998. - 398 с.

19. Брайан Саттон-Смит. Исследование игры (1971).,

20. Винникотт Д. В. Игра и реальность / Дональд Винникотт. - М.: Институт общегуманитарных исследований, 2002. - 267 с.

21. Витгенштейн Л. Философские исследования //Новое в зарубежной лингвистике. Вып.ХVI.-М.,1985.

22. Выгодский Л.С. Воображение и творчество в детском возрасте. - СПб, 1997. –с.79

23. Выготский Л.С. Игра и ее роль в психическом развитии ребенка. [//www.dob.1.september.ru/articl.phq?ID=200500510](http://www.dob.1.september.ru/articl.phq?ID=200500510).
24. Винникот Д. М.: Институт общегуманитарных исследований, 2002. - 228 с.
25. Воробьев Н.Н., Теория игр. Лекции для экономистов-кибернетиков. - Л., 1974.
26. Гадамер Г.Г. Актуальность прекрасного. - М., 1991. – С-325
27. Гнеденко Б. Предисловие к книге А.Реньи “Диалоги о математике” //Реньи А. Диалоги о математике. - М.: “Мир”, 1969. – с.12.
28. Гессе Г. Игра в бисер / Герман Гессе. - СПб.: Азбука-классика, 2003.-496 с.,
29. Гуревич П.С. Интеллект// Психологический словарь. - М.: ОЛМА Медиа групп, 2006. – С.281-283.
30. Гуревич П.С. Мышление //Психологический словарь. - Москва: ОЛМА Медиа Групп, 2007. – С. 385.
31. Григорьев С.В.Самовыражение и развитие личности в игре.: Автореф канд...дис. - М., 1991. - 35с.
32. Демин М.В. Труд как вид человеческой деятельности // Философский науки. – 1984. -№ 1.-С. 10-18.
33. Демин М.В. Труд и игра как виды и аспекты человеческой деятельности //Вестник Моск. Ун-та. 1983. – серия 7, Философия - № 1. – С. 14-22.
34. Демьяненко Е.В. и др. Практическое применение теории игр//www.rusnauka.com/2_kand_2011/Economics/78492doc.htm
35. Делия В.П.Инновационное мышление в XXI веке. – Балашиха: изд-во “Де-По”. 2011. - С 63-72.
- 36.”Ёш куч” журналы. 2003. - №9. – Б.10 -11.
37. Жбанков М. Р. Игра / М. Р. Жбанков // Пост-модернизм: Энциклопедия / Сост. и науч. Ред. А. А. Грицанов, М. А. Можейко. - Минск: Кн. Дом «Интерпресервис», 2001. - С. 293-294.

38. Жбанков М.Р. Игра Новейший философский словарь. - Минск, 1999. – С. 252.
39. Ильясов Р.Р. Философия человеческой игры. Монография / Р.Р. Ильясов, Г.Г.Муфтиев. - Уфа: УИ РГТЭУ, 2005. – 166 с.
40. Игровое моделирование: Методология и практика. Новосибирск: Наука, 1987. Игровой мир. - Саратов: Вектор, 1992. - 241с.
41. Игра дело серьезное: Сборник /Под. ред. Б.М. Васильева. - М.: Знание, 1991.
42. Игра// Большой энциклопедический словарь. - М., 1998. – С.434.
43. Исупов К.Г. Второе рождение проблемы «игра и искусство» // Философские науки 1974. - №5. - С. 33-45.
44. Исупов К.Г. В поисках сущности игры // Философские науки 1977. - № 6. - С. 52-63.
45. Ильясов Р.Р. Игра как предмет философского познания: онтологический и гносеологический аспекты: дисс... д-ра филос. наук: 09.00.01 - Уфа, 2006.
46. Йўлдошев С., Усмонов М., Каримов Р. ва бошқ; Янги ва энг янги давр Ғарбий Европа фалсафаси (XVII-XX асрлар): олий ўқув юртлараро фалсафа ва ижтимоий-сиёсий фанлар факультетлари талабалари учун ўқув кўлланма / Масъул муҳаррир А.Бегматов. - Т.: Шарқ, 2002.-336 б.
47. Кайуа.Р. Игры и люди. - М.: ОГИ, 2007. - С -304.
48. Казакова Н.Т. Феномен игры в философии: методологический анализ. Дисс. д-ра филос. наук: 09.00.01 – Иркутск .,1999.
49. Классификация игр по Роже Кайуа //www.treko.ru/showdict_1478.
50. Кузанский Н. Игра в шар //Кузанский Кузанский Н. Игра в шар //Кузанский Соч.в2 томах.Т.2. - М., 1980. - с.251-315.
51. Крымов А.А. Проблема игры животных в современной зоопсихологи // Психо.журнал.- 1982.-Т3. - №3.с.132-139.

52. Кант И. Критика способности суждения. // Соч.: В 6 т. М., - 1965. - Т.5. - с.319.
53. Кант И. Педагогика тўғрисида. - Тошкент: «NisoPoligraf», 2013. - 52 б.
54. Костас Акселос. Мир как игра (Axelos K. Le jeu du monde. Paris: Editions de Minuit, 1969.
55. Конфликтология. –СПБ: ”Питер”, 2016. – 528 с.
56. Кубаева Ш.Т. Ўйин назарияси ва унинг ижтимоий-инновацион моҳияти //Ўзбекистон фани ва технологияларида инновация: муаммолар, ечимлар ва истиқболи. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Самарқанд: СамДУ, 2007. – Б. 31
57. Калмыкова З.И.Продуктивное мышление на основа обучаемости. - М., 1981. – С.12.
58. Карлин С., Математические методы в теории игр, программировании и экономике. пер. с англ. - М., 1964.
59. Кайуа Р. Игры и люди (1958).
60. Лосев А.Ф. Жизненный и творческий путь Платона// www.ancientrome.ru/articl.htm?a=1505157253
61. Льюс Р., Райфа Х., Игры ирешения пер. с англ. – М., 1961.
62. Маҳмуд Қошғарий. Туркий сўзлар девони. (Девони луғотит турк). 3 жилд. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. Муталлибов. Т.:Фан.1960.
63. Макаренко А.С. О воспитании. - М.: Политиздат, 1990. – 415 с. Макаренко А.С. Игра (Сочинение в 7 томах): 2-е изд. - М., АПН, 1957, т. 4. С. 373-383.
64. Можейко М. А. Игра истины / М. А. Можейко // Постмодернизм: Энциклопедия / Сост. и науч. Ред. А. А. Грицанов, М. А. Можейко. - Минск: Кн. Дом «Интерпрессервис», 2001. -С. 295-296.
65. Майданов А.Д. Диалектика и логика Гераклита. Философское наследие античности. - Таганрог, 1999. - С.34-38.
66. Монтень. О воспитании детей //Монтень Опыты. – М.: Правда, 1990.-С.150.

67. Медведева Д.Д. Любовь в философии Платона//Гуманитарные ведомости ТГПУ им.Л.Н.Толстого. 2016г. №2 (18) . – с.41-44.

68. Морено Ж. Детская психология для специалистов // childpsy.ru/lib/authors/id/22919.php

69.Мышление// Психологический словарь. - М.: ОЛМА Медиа групп, 2006. –С.384-385.

70. Можейко М.А. Языковые игры //Новейший философский словарь. - Минск, 1999. –С.870.

71. Нейман Дж., Моргенштерн О. Теория игр и экономическое поведение. пер. с англ. - М.: Наука, 1970. -983с.

72. Нейман Дж. К теории стратегических игр //В сб.: Матричные игры. - М.: Физматгиз,1961. С.173-204.

73. Налимов В.В. Структура науки и логика принятия гипотез; теорема научного критицизма. // В кн: Будущее науки: Естествознание и экология. -Дубина, 1974, - С. 117.

74. Нормуродов Б. Инновациянинг хозирги замон асослари., // Ўзбекистон фани ва технологияларида инновация: муаммолар, ечимлар ва истиқболи. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари., Самарқанд: СамДУ, 2007 – Б.6.

75. Назаров К. Фалсафа асослари. – Тошкент : Ўзбекистон, 2005. – Б.10.

76. Оуэн Г. Теория игр. пер.с англ. - М., 1971.

77. Платон. Законы //Платон. Собр.соч.в 4 т.Т.1. - М.: Мысль, 1990. –С.803

78. Петрова И.В. Соотношение феноменов “игра” и “исследование”// <https://ciberleninka.ru/articl/n/sootnoshenie-fenomenov-igra-i-issledovanie>.

79. Полани М. Личностное знание. На пути к посткритической философии. Пер. с англ. - М.:Прогресс, 1985. -344с.

80. РетюнскихЛ.Т. Философия игры //<https://www.ozon.ru/cjntext/detail/id/6496469>; Философия игры и реальность. //www.dynacon.ru/content/articlis_idk/363

81. Роганова В. Игровая форма организации урока // Учитель. 1997. - № 1. –С. 50-55.
82. Ретюнских Л.Т. Философия игры. - М.: Вузовская книга, 2002. - 256 с.
83. Румий Ж. Ичиндаги ичиндадур. - Тошкент.: Янги аср авлоди, 2013.
84. Ранер Хуго. Играющий человек (1949).
85. Сафаров О. Ўзбек халқ болалар ўйинлари. – Т. “Шарк”, 2013.-3 б.
86. Спешилова Е. И., Полисемия термина «игра» в философии // Игра и игрушки в истории и культуре, развитии и образовании: материалы международной научно-практической конференции 1–2 апреля 2012 года. – Пенза – Витебск – Москва: Научно-издательский центр «Социосфера», 2012. С-14.
87. Сигов К. Б. Игра / К. Б. Сигов // Современная западная философия: Словарь / Сост.: В. С. Малахов, В. П. Филатов. - М.: Политиздат, 1991.-С. 110-112.
88. Смирнов С.А. Философия игры (пролегомены к построению онтологии игры). - Кентавр, 1995. - №. - С.21-28.
89. Спешилова Е. И. Полисемия термина «игра» в философии. // Игра и игрушки в истории и культуре, развитии и образовании: материалы международной научно-практической конференции 1–2 апреля 2012 года. Пенза – Витебск – Москва: Научно-издательский центр «Социосфера», 2012. – С.14-16
90. Скачок В.Е. и др. Игра как философский феномен человеческой деятельности//<https://moluch.ru/archive/04/24232>
91. Столович Л.Н. Искусство и игра. - М.: - Знание, 1987.
92. Смородинский Я.А Развитие основных понятий в физике 20 века. Вопр. Философии, 1977. - №5. - С.67.
93. Тимонин Н.В. Игра в исследованиях и публикациях последних лет (1991-1999 гг.) // Традиционная культура. - М.: 2001. - № 1. - С. 62-69.
94. Туленова К.Ж. Расулев Э.Х. Образование и инновации: взгляд в будущее // Ўзбекистон фани ва

технологияларида инновация: муаммолар, ечимлар ва истикболи. – С.: Самарқанд, 2007. – Б. 120. (118-120)

95. Тўраев Б., Убайдуллаев У. Жамият тараққиётида янгича тафаккурнинг хусусиятлари // Фан ва фалсафада инновацион тафаккур муаммолари. Илмий мақолалар тўплами. – Самарқанд: СамДУ, 2010. – Б. 7

96. Туленов Ж., Ғафуров З., Фалсафа:, Т.: Ўқитувчи, 1997, 173 б.

97. Усольцев А.П., Шамало Т.Н. Понятие инновационного мышления // Педагогическое образование в России. 2014. - №1. – С.98.

98. Ушинский К.Д. Человек как предмет воспитания. Избр.пед.соч. - М., 1984.

99. Уварова Н.Л. Логико-семантические типы языковой игры, Автореф. дис...канд.филол,наук. –Горький, 1986.

100. Философский энциклопедический словарь. - М.: Инфра, 2009. -С.168

101. Фабри К.Э. Игры у животных. - М.: Знание, 1985. - 64 с.

102. Фелькер Р. Использование теории игр в практике управления//https://www.cfin.ru/management/game_theory.shtml?ck_url=1.

103. Финк Ойген. Игра как символ мира (1960)

104. Файзуллаев О. Фанда инновацион фикрлаш: тарихимизда ва ҳозирги замонда // Ўзбекистон фани ва технологияларида инновация: муаммолар, ечимлар ва истикболи. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Самарқанд: СамДУ, 2007.

105. Ҳусаин Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний. Аҳлоқий муҳсиний.- Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. Давлат илмий нашри., 2011.-376 б.

106. Хейзинга Й. Homo ludens. Опыт определения игрового элемента культуры. - М.1992. гл.2.-С.14.

107. Хейзинга Й. Homo ludens. В тени завтрашнего дня Пер. с англ. - М.: «Прогресс», «Прогресс-Академия», 1992. - 464 с.

108. Хейзинга Й. Человек играющий Й. Хейзинга. - М.: Наука, 1992. Хейзинга И. Homo Ludens. - М.: Прогресс Традиция, 1997. - 416 с.

109. Холодкова Л.А. Формирование инновационного мышления в системе развивающегося обучения в военном высшем учебном заведении.: Автореф. дисс... канд.пед.наук.- Санкт-Петербург, 2000.

110. Шиллер Ф. Письма об эстетическом воспитании человека // Шиллер Ф. Собрание сочинений: В 7 томах. - Т. 6. -М., 1957-С. 251-358.

111. Шестакова Е.А. Проблема игры в философско-эстетической концепции Ж.Деррида.: Автореф. канд.дис. - М.,1997. - 22с.

112. Ш у б и к М. Гейминг и теория игр //Математика сегодня. - М.,1974. –С.50.

113. Шермухаммедова Н. Фалсафа ва фан методологияси // Ўзбекистон Миллий университети Илмий кенгашининг 2004 йил 29 декабр мажлисида олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик сифатида нашрга тавсия этилган //Масъул муҳаррир: проф. Абдуллаева М.Н. – Тошкент 2005 – 349.

114. Эйнштейн А. О науке. - Собр.науч.тр., 1967, т. 4, с. 143.

115. Эльконин Д.Б Психология игры. - М – Л .: Просвещение, 1978. -с. 304.

116. Юсуф Хос Ҳожиб. “Қутадғу билиг” (Саодатга йўлловчи билим) Т., “Фан”, 1972. – 75 б.

117.Қўшоқов Ш.С. Инновацион тафаккур концепцияси // Фан ва фалсафада инновацион тафаккур муаммолари. Илмий мақолалар тўплами. – Самарқанд: СамДУ, 2010. – Б. 17.

118. Қўшоқов Ш.С. Креативность как характеристика семантической виртуальности //Фалсафа ва фанлар методологияси муаммолари: Аллома Омонулла Файзуллаев илмий назарий - семинари материаллари. – Тошкент, “MUMTOZ SO’Z”, 2016. -32 б.

119. Қорабоев У. Одатнома. Ўзбек халқ одатлари: Тадрижи ва турлари. Тошкент, 2016. - 360 б.

120. Ғозиев Э. Умумий психология. Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти Тошкент, 2010, 92-97 б.

121. Ғозиев Э.Онтогенез психологияси. Тошкент, 2010. 111-135 б.

III. Фойдаланилган бошқа адабиётлар

122.Bohm D. Onthe creation of a deeper insight into what may underlie quantum physical law.-In: Quantum mechanics, determinismus and particles. Dordrecht, Holland, 1976, p.1.

123. Weizsacker.C.F. von. Notizen uber die philosophische Bedeutung der Heisenbergschen Physik. -In: Weizsacker.C.F.von, Waerden.B.L. van der. Werner Heisenberg. Munschen; Wien, 1977.

124. Staudinger H. Op. cit., s. 276-277

125. Философия игры // mirznanii.com |a|229699|
filosofiya-igry.

126. <https://studopedia.info/12-15054.html>.

127. //http:// uza.uz/oz/politics/shavkat-mirziyeev.

128. [www.dekoder.ru.|
list_sid/all/section_0_4_2_8/topic_136/](http://www.dekoder.ru/list_sid/all/section_0_4_2_8/topic_136/)

129. [www.andreyland.com|2017|08|24|philosophy/](http://www.andreyland.com/2017/08/24/philosophy/)

130. [www.tetki-mama. ru|gross](http://www.tetki-mama.ru/gross)

131.[www.dynacon.ru|content|articles_idk/363;becmology.r
u/blog/warrior|_game_phy|01.htm](http://www.dynacon.ru/content/articles_idk/363;becmology.ru/blog/warrior|_game_phy|01.htm)

132. googleweblight.com

Шоира Кубаева

ЎЙИН ВА ИННОВАЦИОН ТАФАККУР

Монография

ISBN 978-9943-6272-5-3

“Самарқанд давлат чет тиллар институти” нашриёти
140104 Самарқанд ш., Бўстонсарой кўчаси 93-уй.

Муҳаррир: Г.Раҳимова
Мусахҳих: Ш.Абдурахимов
Тех.муҳаррир: Ҳ.Амирдинов

2021 йил 26 январда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60×84_{1/16}.
“Times” гарнитураси. Офсет босма усули.
Ҳисоб-нашриёт т.: 9,1. Шартли б.т. 6,1.
Адади 200 нусха. Буюртма №195.

СамДЧТИ таҳрир-нашриёт бўлимида чоп этилди.
Манзил: Самарқанд ш, Бўстонсарой кўчаси, 93.